

ФАФУР ФУЛОМ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2003

83.3(5У)
F29

Тўпловчи: ОЛМОС

Масъул муҳаррир:

Филология фанлари доктори
НАИМ КАРИМОВ

Faafur Fulom zamondoshlari хотирасида /Тўпловчи:
Олмос. — Т.: F. Fulom nomidagi нашриёт-матбаа ижодий
уи, 2003. — 104 б.

Ушбу тўпламга буюк аллома, ўзбек алабиётининг мумтоз вакилла-
ридан бири — Faafur Fulom ҳақиқати замондошларининг хотиралари
жамланди.

ББК 83.3 (5У)

Т 4702620202-45
M352(04)-2003 режа 2003

ISBN 5-635-02151-4

© Олмос (тўпловчи), Faafur Fulom
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уи, 2003 й.

АЛВИДО, УСТОЗ

“Зўр карвон йўлида етим бўтадек
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш...”
Сарбоним, қўлингдан кетдимикан эрк,
Сарбоним, не учун кўтармайсан бош.

Сўқир, ёвуз ўлим, минг дод дастингдан,
Зулматдай кирдингми шеър майдонига.
Ажал, сен наизангни санчдингми чиндан
Ўзбек шеъриятин паҳлавонига.

Олис фазоларга кетган ҳам қайтар,
Ботгувчи қуёш ҳам чиқар билмай ҳад.
Наҳот она ҳалқим алвидо айтар
Бугун Гафур Гулом бошида абад?

Илк бора жигарим силқиди балким,
Лол қотган тилимга келмади калом.
Йиғла, онажоним, эй она ҳалқим,
Бугун йўқ қошингда фарзанди Гулом.

Дардли мусиқалар, ингрангиз бир-бир,
Ўзинг ҳам йиғла, эй, дилда қотган ғам.
Ёруғ бу оламда бормикан, ахир,
Шоир вафотидан ортикроқ мотам!

Зор йиғлаб навосиз қолмагай дунё,
Ўзи чора тоғмай йиғлагай алам.
Шогирдлар қўлидан тушмагай асло
Сенинг қўлларингдан тушган шу қалам.

1966 йил

Собир Абдулла
Ўзбекистон халқ шоири

ҒАФУР ГУЛОМ ВА АПТЕКАЧИ ҲИКОЯЛАРИ

Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Гуломнинг меҳру муҳаббати, ҳурматига сазовор бўлган дўсти, фармацевт Маҳмудхон Файзуллахонов бир дорихонада йигирма беш йилдан ортиқроқ мудирлик қилган, оққўнгил, соддадил, серзавқ одам эди. Щунинг орқасида Ғафур Гулом ва унинг дўстлари даврасида кўп вақт бирга бўлиб, уларнинг сўзига сидқидил билан қулоқ солар ва ишонар эди.

Ғафур ака билан Маҳмудхон ака гоҳо ёз куннлари менинг Янгиариқ мавзесидаги боғимда, гоҳ Ғафур ака хонадонида бўладиган ҳаётий, ҳазил-мутойиба аралаш самимий сұҳбатлар хотираси анча-мунча. Мен бу ажойиб сұҳбатларниңг иштирокчиси, гувоҳи сифатида қаламга олдим.

* * *

Боғдаги товуқхонада ўнга яқин оққулоқ товуқларимиз бўлиб, офтобда қолганликлари учун оғизларини каппа-каппа очиб ҳансирамоқда эди. Бое айланиб юриб, Ғафур ака Маҳмудхон акага ишора қилди:

- Бу товуқлар нима учун ҳансирайпти, фаҳмладингми?
 - Йўқ!.. Нимага?
 - Мендан сўрайсанми? Этасидан сўрагин-да!
- Ҳабибий луқма ташлади:
- Чарчамаса ҳансирайдими?
 - Товуқ ҳам чарчайдими? У отмиди? Домласи тушмагур, жуда соддасиз!..

Можаро ҳал бўлмай турганда яқинлашдим, Маҳмудхон ака мен томон бурилди:

- Собиржон, ўзингиз айта қолинг, ука, товуқларингиз нега ҳансирайпти?..

Мен ўйлаб ўтирамай жавоб бердим:

- Кўп тухум туғса, семиз товуқлар чарчаб қолади.
- Кўп тухум туғса, дедингизми?
- Ҳа! Кўп тувишади. Масалан, ҳув анави катта оққулоқ эртадан бери бешта туғди, энг кичиги учтадан...

— Бўлмаган гап!.. Мени лақиллатмоқчимисиз? Шу ёшга кириб битта товуқ бешта туққанини эшишмаганман!..

Нарироқда турган шоир Сайфий гапга аралашди:

— Кечгача тағин туғар?..

— Ҳа, — дедим Сайфийга қараб, — бериладиган овқатга қарайди.

— Дарвоқе, Собиржон, товуқларингиз пишган тухум тугади, деб эшишдим! Шу ростми?.. — деди Faфур ака.

— Рост!..

Менинг жавобимдан қаноат ҳосил қилмаган Маҳмудхон ака менга масхараомуз назар ташлаб, кейин “Сен нима дейсан?” дегандек, Faфур Гуломга қаради. Faфур ака жиддий оҳангда менга савол берди:

— Товуқларнинг пишган тухум туғишида бир сир бўлиши керак! Сир бўлмаса нега пишган тухум тугади?..

— Жон Faфур ака!.. Шу сир сирлигича қолсин, айтишга мени мажбур қилманилар?..

Maҳмудхон ака жиддий талаб қилди:

— Айтаверинг, Собиржон, биз ёш бола эмасмиз, сир шу ерда қолади!..

Шундан кейин пишган тухум “сир”ини айтишга “мажбур” бўлдим:

— Бутун ейдиган овқатлари пишган, қайноқ бўлади. Сув ўрнига қайноқ, шакарли фамил чой ичирилади, улардан бунёдга келган тухумлар ўзидан-ўзи пишиб қолади!..

Бошини ушлаб ўйлаб кетган Maҳmудхон ака, худди қиин жумбоқи өчган одамдек менга қаради ва бошини қимирлатди:

— Ҳисоблаб чиқдим!.. Барибир тухум сизга қимматга тушади!..

* * *

Боғимиздаги гуллар орасида намозшомгулга ўжаш, аммо доим оқ очилиб турадиган бир гул пайдо бўлди, агар шохи синдирилса, анжирмижоз оқиш шира томар эди. Шу фазилатини назарда тутиб Faфур ака уига “сигиргул” деб ном кўйган эди.

Бир куни Faфур акадан мактубча келди. Унда шу сўзлар ёзилган эди:

“Собиржон! Бу кеч “сигиргул” қаймогидан татиш учун Ҳабибий бошлиқ Maҳmудхон ва Faфур Гулом боради. Суту қаймоқлар ишлатиб юборилмасин, қатиқ ивтилган бўлса, саклансан!..”

Мактубнинг киноясига дарров тушуниб, қўшниникидан суту бир хурмачада янги ивитилган қатиқ олиб чиқдик. Улар тўрт киши бўлиб кечкурун кириб келишди.

Дастурхон устида Faфур aka менга луқма ташлади:

— Сигиргул дуруст сут бериб турибдими?..

Мен ошхона айвонига осиёлиқ чамбараклардаги қатор косалар ҳамда хурмачага ишора қиёдим:

— Ёмон эмас, ҳар ҳолда рўзгорга яраб турибди. Сут ичасизларми, қаймоқ ейсизларми ёки қатиқдан олиб келайми?..

Қаймоқ ейиш маъкул топилди, қаймоқ еб туриб, Маҳмудхон aka менга қаради:

— Ўша сигиргулни кўрсак бўладими?..

— Нега бўлмас экан, марҳамат!..

Faфур Fулом савол берди:

— Сигиргулга исириқ солиб туринглар, деган эдим, исириқ соляпсизларми?

— Атайлаб бориб бозордан исириқ тополмай келдим!..

Шоир Ҳабибий бу ҳақда ўз фикрини билдириди:

— Бу гулнинг шохи йўқ! Агар бўлганда шохига тумор тақиши яхши эди.

Маҳмудхон aka сигиргул олдига бориб ҳайрон бўлиб қолди. Чунки бормасида олдинроқ ичида сут бор косани унинг барглари остига қўйиб, шохчасини сицириб, сутини томизиб қўйилган эди.

Маҳмудхон aka гулзор лабида туриб, ўз тақлифини айтди:

— Исириқ ҳам бўлмайди, тумор ҳам! Улар билъят!.. Яхшиси, кўзмунчоқ тақиб қўйиш керак.

* * *

Боғимизнинг ўртасида баланд супа бўлиб, тепасида пишишга яқинлашган узун-узун қозонювғич осилиб ётар эди. Сентябрь кечаларидан бирица шу супада сұхбатлашиб ётиб кетиш мақсадида Faфур Fулом, Зокиржон Ҳабибий, Абдуваҳоб Сайфий ва Маҳмудхон aka кириб келдилар.

Ярим кечага бориб супага кўрина тўшалди. Маҳмудхон aka осмонга қараб ётиб, тепада осилиб турган қозонювғичларга кўзи тушди ва ёнида ётган Faфур Fуломга савол берди:

— Бу, осилиб турганлар нимаси?!

Faфур Fулом жавоб берди:

— Мен билолмадим, Собиржоннинг ўзидан сўрай қол!

Нарироқда ётган Ҳабибий гап қистирди:

— Лампочка дегани қулогимга чалинган эди. Яна ўзидан сўранг.

Маҳмудхон ака ўрнидан туриб мен ётган нариги сунага бурилди:

- Собиржон, уйғоқмисиз? Мана булар нима?
- Лампочка.
- Бўлмаган гап! Лампочка экилмайди, заводдан чиқади!

Faфур Fулом ётган ерида койинган бўлди:

— Ишонмасант, сўраб нима қиласан! Экилади, заводда ҳам чиқарилади! Уруғи бизда бўлмас эди, яқинда Хиндистондан юборишиди, уни экиб тажриба қилиш учун Собиржонга беришиди. Аммо бу ҳали маҳфий! Тағин ҳар ерда гапириб, Собиржонни балога қўймагин!

— Бунисини яхши айтиб қўйдинг!

Мен саҳар туриб меҳмонлар уйғонгунча боққа сув сепиб, супураётганимда энг пастда, Маҳмудхон ака тепасидаги қозон-ювғичга қўзим тушди, бориб қарасам, бир томони арчилиб қолибди! Дод солдим:

— Вой-дод! Менинг пишмаган лампочкамнинг пўстлонини ким арчиб қўйди?

Кўрпачада чалқаңча ётган Маҳмудхон ака товуш берди:

— Мен арчиб кўрдим.

Ўзини уйқуга солиб ётган Faфур ака Маҳмудхонни койиб кетди:

— Чакки қилибсан, бу ишинг инсофдан эмас! Бизни ҳам меҳмон қилиб, ҳам қимматбаҳо лампочкасини синик кўрса, дод дейди-да! Сени нега бошлаб келдим-а, шарманда қилдинг! Тағин энг каттаси синди-я!

Maҳмудхон ака кўрпага чўзилиб, совуққонлик билан қўл силкиди:

— Ваҳима қилаверма, ичидаги шишаси бутун.

* * *

Бир дам олиш куни шоир Ҳабибий хонадонида тўпланишдик. Суҳбат қизиқ вақтида Faфур ака суҳбатни Самарқанд дарвозада турувчи дўстимиз шоир Абдуваҳоб Сайфийга илиниб, уни олиб келиш учун машинасини юбормоқчи бўлди.

Шу вақт хаёл суриб ўтирган Maҳmудхон ака томдан тараша тушгандек Faфур акага савол бериб қолди:

— Faфур!.. Сендан сўрамоқчи бўлиб юрардим, ҳозир ёдимга солдинг. Нима учун “Самарқанд дарвоза” дейилади?

Ўтиргайлар Faфур ака нима деб жавоб берар экан, деб, оғзини пойлашди. Faфур ака хотиржам чойини ҳўплаб, жавоб берди:

— Шуни ҳам билмаган тошкентликка уят! Тарихдан хабарсизсан, десам, хафа бўласан. Ахир, минг йиллар илгари Самарқанд Тошкентга туташ экан, Самарқанд дарвозасидан ота-боболар Самарқандга кириб туришган.

— Кўйсанг-чи!.. Шунчак мәҳмонарниң олдида мени лақиллатмоқчи бўлдингми?! Йўқ! Мени Маҳмудхон аптекачи дейдилар!..

Шу пайт Faфур Fуломга Ҳабибий савол ташлади:

— Маҳмудхон ака тўғри айтадилар. Менинг ҳам ишонгим келмайроқ турибди. Ундай бўлса, ўргада поёнсиз Мирзачўл қаёқдан пайдо бўлиб қолди?

Fафур Fулом Ҳабибийга қараб бош лиқиллатди:

— Сиз ҳам тарихдан хабарсиз экансиз, домла! Ахир, ер кенгаяди дейилган-ку!

— Шундай-шундай!.. Ёдимдан кўтарилиби. Буни тарихда ўқиганман!..

— Ўқиган бўлсангиз бўити-да! Шу ер кенгайиши орқасида Мирзачўл пайдо бўлиб, Самарқанд Тошкентдан узоққа бориб қолган!

* * *

Бешёғочлик машҳур Зухур полвон шоир ва санъаткорлар сұхбатига муҳлис одам эди. У биз тўпланган жойдан қолмас, ихлос билан хизмат қилас, шеърхонлик бошланганда бутун вужудини кулоқ қилиб тинглар эди.

Зухур полвон Камолон мачити орқасидан боғ олиб, имарат қурди. Ёз кечи Faфур Fулом бошлиқ шоирларни ҳовли тўйига таклиф қилди. Шунда Faфур ака ҳовлисига тўпланишиб, полвоннинг кўнгли учун жамоа шеърий табрикнома ёздик, энди жўнаймиз деб турганимизда Маҳмудхон ака кириб келди.

— Сизлар кетаётган зиёфатга менинг ҳам борганим бўлсин!

Fафур Fулом унга тегажаклик қилди:

— Полвон фақат шоирларни таклиф қилган! Сен шоир эмассан, борсанг қандай бўларкин?

Маҳмудхон ака хижолат чекиб ерга қаради, биз Faфур акадан илтимос қилдик:

— Бораверсинлар!..

— Жуда бўлмаганида, бу кишини ҳам шоир деб таништирамиз.

Бирга олиб кетишга Faфур ака кўнди, аммо бир шарт билан: Камолонга стгунча Маҳмудхон акага биз табрик шеъ-

ри ўқиб берамиз, шеър ўқиши навбати келгаңда Маҳмудхон ака ўрнидан туриб ўқиб беради...

Пиёда юриб Камолонга етгунимизча йўлда шеър тайёр бўлди, Маҳмудхон ака уни қувониб чўнтақка солди. Зухур полвоннинг боғига кириб бордик.

Анча фурсат ўтиб, ўртадан дастурхон йигиштирилгандан кейин шеърхонлик бошланиб, табрик шеъри ўқилгандан кўн ўтмай,Faфур ака ўртага чиқиб эълон қилди:

— Ўртоқлар!.. Маълумингиз бўлсинким, орамизда хурматли шоирларимиздан Дори-Дармоний ҳам ўтирибдилар! Бу кишидан илтимос қиласардик, полвоннинг қутлуғ хонадонига бағишлиб ёзган шеърларини ўринларидан туриб ўқиб берсалар!..

Қарсаклар остида Маҳмудхон ака ўрнидан туриб, аввал ҳар томонга таъзим қилгач, чўнтағидан қофоз олиб, ундаги хатга узоқ тикилди, кейин Faфур акага қаради:

— Ўқиб берадиган шеър эмас-ку бу?

— Хўш, нима бўлди? Ё бошқа шеърни олиб келибсанми?..

— Эй!.. Суф, ҳаммангларга!.. Йўлда шунча шоир уриниб, ёзиб берган шеърларинг шу бўлса, полвон зиёфатга куйди!..



Дўстим, орқадошим Faфур!..

Ёшликдан бир маҳаллада бирга ўсдик, ижод қизидик, бирга юрдик, бирга узфатчиликда бўлдик.

Ҳаётнинг шодлик ва қайғуларини биргаликда потидик. Ҳаётимиз зўр, оташин курашларда, шеър тошқинида ўтди ва ўтмоқда...

Сенинг ҳақингда кўп гапириш мумкин. Икки оғиз сўз билан мадҳингни айтиб беролмайман. Сенга бир достон ёсам, деган умидим бор. Кудратли, салмоқли, чуқур мазмунили гўзал шеърларингни севаман.

—

Ойбек

ЭЛНИНГ ЎКТАМ КУЙЧИСИ ЭДИ

Ҳар қандай ижодкор ўз даврининг фарзанди ва унга хизмат қиласди. Шуни комил ишоғич билан айтаманки, ҳалқимизниң мутафаккир улуғ шоириFaфур Ғулом ижодини, фолиятини ўз даврига сидқидилдан, самимият билан бағишлади. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистонниң қиёфасига, ўзбек ҳалқининг овозига айланаб қолганди. Унинг тарихимиз, маданиягимиз, қадриягларимиз ҳақиқати чуқур, серқирра билими, она юртига ва ҳалқига бесқиёс муҳаббати, хизмати, кўксими тоғ этган гурури шундоқ демоққа асос беради.

Агар Faфур Ғулом шу кунларда ҳаёт бўлғанларида...

Шоир сифатидаги ростгўйлигию самимияти шу қадар эдики, аларим шеърларни йиғлаб ёзардилар, йиғлаб ўқирдилар. Бир умр ҳақиқат деб тан олганимиз, баҳт йўли деб интилаганимиз — етмиш йишилик тарихининг алдов, соҳта ўзликни йўқотиш йўли эканлигини англаш Faфур aka учун ҳам осон кечмасди. Ва маним назаримда, алам-армон билан ҳўнграб йиғлаб ҳам шеърларни жаранглатиб ташлар эдилар. Мустақилик қадр-қиммати, шарофатини бутун вужуди-ла ўзбекининг академик шоири, олими бетакрор сатрларга соларди, эҳтимол. Ўзларига ҳос баланд руҳ, ўқтам қалб билан яна шоҳ асарлар битган бўлурдилар.

Минг шукрким, илдизлари теран адабиётимиз ҳамма даврларда ҳам яхши шоирлардан ёлчиган. Бир пайтлар Faфур Ғулом:

Сиз агар самони құчмоқ бўлсангиз,
Мен нечук елкамни тутиб бермайн? —

деб улуғ иият қылганда ёшлар орасидан саф-саф бўлиб иқтидорли, зукко, мулло, бири бирита ўҳшамайдиган шоирлар етишиб чиқдилар. Улар бизнинг елкаларимиздан ўтиб, поғонама-поғона юксалиб бораётгаиларидан ифтихор қиласман. Бугунги кунни, ишон руҳиятини, эрку озодлик қадрини чуқур ҳис этиб ёзган шеърларига ҳавасим келади. Яна... айни күнлар тарихимизниң энг ёрқин саҳифалари, таърифга сиғ-

мас онлари экайлигини ўйларканман, қалбимизда, Ватанинг осмонида, мустақиллик кенглікleriда бир соғинч хис қыламан, бу — айни шу масъуд онларда иқтидорли шоирларниң шеъриятига жўровозликка етишмаётган Ойбек, Fafur Fулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шайхзодаларнинг мағрур овозлари эмасми? Ҳар қалай, мен шундай фикрдаман.

Адабиётда устозу шогирдликнинг мантиғи шуки, бирор бирорвга қандай ижод қилишни ўргатмайци. Fafur ака ўз даврининг жуда кўп ёшларига маънавий ҳомий эдилар. Кейин-кейин англаб етдимки, у кишининг ҳар бир талаби, ўтиги, меҳрибонлиги қадим-қадимдан анъана бўлиб келган устозу шогирдлик мактаби сабоқларининг давоми экан.

1947—48-йиллар. Тоҷикистон ёзувчиларининг съездига Fafur Fулом бошлиқ Собир Абдула, Мирмуҳсин, Уйғун, Назармат ва мен вакил бўлиб боргандик. Анжуманинг ёпилишида Fafur Fулом сўзга чиқиши керак эди. Мени синамоқчи бўлдиларни ёки ўргансин, дедиларми, “Мен минбарга чиқиб уч-тўрт оғиз гапираман-да, сўзимни Зулфияхон давом эттиради, деб тушиб кетаман. Балки шеър ҳам ўқирсиз”, — дедилар.

— Йўқ, бу иш қўлимдан келмайди. Шундай шеърим ҳам йўқ...

Эртасига мажлисга бормасдан шеър ёзишимни тайинладилар. “Ёздингизми, ёзмадингизми — менинг ишим йўқ. Сўз бериб тушиб кетавераман”.

Эрта тоңгда завқ-шавқ билан шеър ёзаётгандим, қаламим синиб қолди. Биз ҳукumatнинг боғида яшар эдик. Нима қилишимни билмай, ташқарига чиқиб у ёқ-бу ёққа қарайман, ҳеч ким йўқ. Уч-тўрт уйлар, қай бирига кириб қалам очиш учун пичоқ сўрасам, деб турсам, тўғридаги хонадан шоир Абулқосим Лоҳутий чиқиб қолдилар. Зукко, нозиктабъ, файзли, кийимлари ўзларига ярашган, камтарин бир инсон эдилар. Бу улуф зотга мурожаат қўлишга торгиниб тургандим, ўзлари мен томонга юра бошладилар. Шошиб нешвозд бордим.

— Ҳа, жони ширин? — дедилар.

— Ассалому алайкум, домла. Ман якта шеър навис шишта будам, нучи қаламам шикаст, — дебман.

— Янги қалам топиб берамиз. Ҳозир, — деб ичкаридан ўзлари ёзадиган ручкани чиқарип бердилар.

Устознинг қалами бир кўтарики руҳ бағишилади. Ўша кунларда Тоҷикистон жумхурияти давлатга бир миллион тона пахта тошириб, режанги адо этганди. Бу менга қўл келди-да:

Тожикча сўзлашишни билмайман, аммо
Ўзбекча сўз билан бошлайман қалом:
Бир миллион беш юз минг тонна пахтани
Териб олаётган элимдан салом, —

қабилида бошланувчи шеър ёздим. Кечқурун тантанали мажлис ғоят гўзал опера театрида бўлди. Faфур ака президиумга чиқдилар. У кишига сўз беришлари билан менда титроқ бошланди. Юрагим ўйнайди. Оёқ-кўлим титраб саҳнага чиқдим ҳам. Масъулият журъат бағишлади чоғи, ҳалиги шеърни дуппа-дуруст ўқидим. Қарсаклар бўлди, дўстлар табриклишди. Шу оқшом якунловчи меҳмондорчилликка йигидик.

Ўша туни биз поездда Тошкентга жўнаб кетдик. Эрталаб Faфур ака ҳаммамизни ўз кунеларига йиғдилар.

— Зулфия, маладес, кеча яхши бўлди, — дедилар. — Сизларга ёз демаса ёзмайсизлар. Хўш, Тошкентга етгунча мен сизларни бир имтиҳондан ўтказай. Нима ўқиянимиз, нимани биламиз. Бизнинг ота-боболаримиз, бобокалонларимиз кимлар эди? Жаҳонга машҳур адабий меросимиздан нималарни ўқиганмиз? Буларни билмасдан туриб катта адабиётимизнинг ривожи ҳақида ўйлашимиз қийин. Айъаналарни давом эттириб, ўша хазинага ўз топганимизни қўшиб кетишмиз керак.

Имтиҳон шундай бўлдики, Faфур ака бир шеърни ўқий бошласалар, биз унинг муаллифини айтишимиз, агар шеърни давом эттирасак, нур устига нур эди. Ҳоҳлаганлар ўзлари билган асарлардан ёд ўқишлиари мумкин эди.

— Собир, илтимос, сиз айтиб берманг, имтиҳондан ўтгансиз, муаллимлардан бирисиз, — дедилар Собир Абдуллаға.

Шеър ўқий бошлаганларида, ҳаммамизнинг билимимиз ҳам, бошқаси ҳам фош бўлаверди.

— Ҳа, сингилжон, сиз нималарни биласиз?

— Навоийни, Лутфийни яхши кўраман. Машрабни...

Онам саводхон аёл эдилар. Кўп китоблар ўқирдилар. Оқшомлари қўлларидан Сўфи Оллоёр, Машраб тушмасди. Ёшлиқдан менинг қулоғимга қўйилиб қолгани:

Эй менинг хуши меҳрибон руҳи равоним, қайдасан,
Бу кўнгил бўстонида ғунча даҳоним, қайдасан?

Ёки:

Дилбар юзини кўргани девона келибдур,
Юз нозу карашма билан жонона келиблур...

Энди... ўша пайтда Ҳамид Олимжон вафотидан кейин Фузулийга кўмилиб кетганман. Юракдан чиқсан фарёд шеъри ёдимга келди:

Дод, мингвойдодким, дилдордин айрилмишам.
Фитна чашми соғари хунхордин айрилмишам.
Булбули шўридаям гулзордин айрилмишам,
Кимса билмас ким на нисбат ёрдин айрилмишам...

— Кўй, кўй, — дедилар. — Юрагимни эзаб юбординг...
Ха, унча-мунча билар экансизлар, — дедиларFaфур ака. —
Лекин шу гапни ёдда тутингларки, ҳеч бўлмаганида 25 минг
сатр шеърини ёд билмаган шоирни мен шоир санамайман.

Fафур ака тантлиикда бир жаҳон эдилар. Ҳамид Олимжон вафотидан кўп кўйдилар, кўп йиғладилар. Оиламизга меҳрибонлик қилиб турдилар. Ҳар кўрганиарида: “Комила аямизнинг соғлиқлари қандай?”, “Хулкар яхши ўқияттими?”, “Омон катта йигит бўлиб юрибдими?” — деб сўрадилар. Бир куни шофёрларидан қафасга солинган иккита қуш ва оппоққина кучукча бериб юборибдилар. “Болаларинг ўйнаб юрсин”, дедилар. Яна бир куни қизлари Олмосхонни олиб келиб Ҳулкар билан таништирилар: “Қизларим, икковла-ринг ўртоқ бўлинглар, маңа биз ойнинг билан дўстмиз, отанг билан жуда қадрдон эдик. Бугун Олмос сенинг ёнингда қолади”, деб кўйиб кетдилар.

Fафур Fулом ўз оғамдек оқибатли, эътиборли, меҳрибон эдилар.

Тожикистандан қайтарканмиз, поезддаги шеърхонлиикдан кейин уй-рўзгор, бозор-ўчар ҳақида ҳам гап чиқди. Шунда Faфур ака:

— Зулфия, сенинг уйингда ҳам меҳмон кўп бўлади. Бозор, пишириш-куйдириш, кутиш-кузатиш ҳаммаси ўз бошингда. Мен сенинг шарафингта бир зиёфат берай, — дедилар.

Мен буни шунчаки гап деб, унугиб ҳам юборгандим. Бир куни рафиқалари кўнғироқ қилиб чақириб қолди:

— Сизни кўргимиз келди. Ҳозир машина боради, келинг. Бордим. Бир пиёла чой устида гап бошладилар.

— Зулфияхон, акангиз айчадан бери синглиминг дугоналари билан меҳмон бўлиб кетсинглар, деб гапириб юрибдилар. Ҳозир айни пайти, йўқ деманги. Баҳона билан биз ҳам дийдор кўришиб оламиз.

Меҳмоиёнларнинг рўйхатини туздик.

Ёзувчилардан Ойдин опам, Музайяна опам, академик олима Хадича Сулаймонова, Ҳалимаконим Носирова, Сораконим Эшонгўраева, Мукаррамаконим, Саида Нарзуллаева, Васила Содикова... ўн бешга яқин аёллар, яъни дўстларимиз.

Манзиллари ҳаммага маълум, Бешёғочдаги ҳозир табаррук қадамжо бўлиб қолган уй-музейининг иккинчи қаватида китта хона бор. Оғамиз кўпдан-кўп узогу яқиндан келган қадрдонларини шу хонада қабул қилгувчи эдилар.

Баҳор. Бағриларидек кенг даразадан кўклам нафаси уфуриб турибди. Ониюқ дастурхондаги нозу неъматлар қўёш шуъласида тантанаворлик касб этган, тўкиндан тўкинлик. Ошхонада куймаланишяпти. Ҳали қовун чиқмаган эди, ёнғоқдай-ёнғоқдай қизил, олтиндай сариқ гилослар, эртапишар шафголи, узум. Олмосхон билан келинлари Дилдораҳон дастурхонга зеб беришияти.

Меҳмоnlар жам бўлгач, Faфур ака кўксиларига қўл кўйиб:

— Хуш келибсизлар, азиз сингилжонларим. Энди баҳузур ўтиринглар, мен дарвоза олдида туриб, наинки эркак зоти, балки эркак пащшаниям ўтказмай, ўзим қоровулилк қиласман. Хизматнингизда бўламиз, — деб чиқиб кета бошладилар.

— Faфур ака, битта ашула айтиб беринг, ашулангизни булар ҳали ёшлишишмаган, бир ҳузур қилишсин, — деб илтимос қилдим.

— Қайсанни айтай?

— “Йўл бўлсин-еј, йўл бўлсин”ни.

Бир стулни нарироққа суриб ўтирилар, дуторни созладилар. Бир дам созни чертиб туриб, ашулани бошладилар:

Йўл бўлсин-еј, йўл бўлсин,
Юрган йўлларингиз нур бўлсин...

Унча баланд бўлмаган, ниҳоятда ёқимли, ширадор овоз шу қадар ажойиб жарангладики, назаримда, дутор ҳам қўшилиб сўзлай бошлади. Кўзингиз олдида узоқ-узоқ кенгликлар, тоғиги уфқлар куйлаётгайдай эди.

Бундай меҳмоңдорчиликлар Faфур Fулом хонадонларида жуда кўп бўлган. Бу саҳоватли, файзли маконда тунаб қолганилар, ойлаб ўз уйидек истиқомат қилганилар бўлган.

Faфур ака ўзбекнинг бағри кснг, халқчил, ўқтам ўғилаидан бири эди.

“Мен вақти-вақти билан ёнимиздаги Бешёғоч бозорининг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқиб томоша қилишни яхши кўраман. Бозор — халқ дастурхони кўзгуси. “Ассалому алайкум”,

дасам, мевафурушларнинг бири шафтоли, бири узум тугиб туради, айланиб чиққуяча мевага тұяман”, — дердишар Fa-фур ака. Бундай манзиратни мен ўзим ҳам күп күрганман. Бу — шоирнинг ҳам, халқнинг ҳам ўқтамлиги, муруватлилигиги нишонаси.

Faфур ака ҳамдардликда, бироннинг күнглини күтариши да ҳам беназир әдилар.

...Ҳамид Олимжон вафотидан уч-түрт ой ўтиб шеър ёза бошлиған бұлсам ҳам у дод-фарёшларни ҳеч кимга ўқимасдим. У менинг ўз дардим, ўз оғриғим әди ўша вақтда. Ҳамманинг ғамы йўқотишлари ўзига етиб ортарди.

1945 йил баҳори. Ерда, кўкда нур. Даражтлар гулдор гумбаздай бўлиб, уларнинг ичидаги қуёш кукуйлари чақнарди. Аллақандай беҳиштый манзара ҳоким. Ўзининг қаерга қўйишни билмайсан. Ҳамманинг кўзида хушнудлик руҳи баланд. Бўлмаса уруш тутагани йўқ, лекин ғалабага яқин әди. Ишдан чиқиб бекатда турғандим, Faфур ака келиб қолдилар.

— Қаёққа кетаяпсан? — деб сўрадилар.

— Қаерга боришимни билмайман. Ўша ёққа, — дедим қадрдан дўстлари ётган боғ томонга ишора қилиб. — Менга ҳозир, Московда метро бор-ку, шундай ертаги йўл бўлсаю у орқали даштларга чиқиб кетсан. На гул очиладиган ва на ўт кўкарадиган.

— Нима деяпсан? Жинни бўлдингми? Мана бу баҳорги дунёни томоша қилгин. Сен булдай гапларни оғзингита олма. Бу — ёмон гап. Ундан кўра шеър ёзгин, — дедилар.

Шу сұхбатдан кейин кўксим тўлиб уйга кўпиреб бордимда, кечки овқатдан сўнг болаларимни ухлатиб, уларнинг ёнидаги столимга ўтирдим. Қанча ўтирганимни билмайман... Қайнонам, жуда ажойиб, меҳрибон, жанинати аёл әдилар... хонам эшигини очиб:

— Болам, аллавақт бўлди, чарчаб кетдингиз. Ётинг, эрталаб ишга борадиган одам, — дедилар.

— Аяжон, мен жуда яхши ўтирибман. Сиз ухлайвернинг.

Шеърни битирдим, оққа кўчиридим, яхши қайфият билан ишга жўнадим. Лекин нимадир қицираман. Кейинроқ бир шеърда ёзгандим:

Шеъримни ёзиб... нуқта қўйибоқ
Бир тингловчи қоламан излаб...

Иш жойимда лойдай бўлиб ўтирибман. Хонадаги бош муҳаррир ўз ишлари билан башт. Бир вақт Faфур ака келиб қолдилар.

- Қалайсан, уйда тинчликми?
- Шукр, тинчлик. Шеър ёздим, ўқиб берайми? — дедим.

Мен янги ёзилган “Баҳор келди сени сўроқлаб”ни ўқий бошладим.

...Қишининг ёқасидан тутиб сўради сени,
У ҳам ёш тўқдю чекилди нари...

— Нима дединг, қайта ўқи!
Ўқидим.

— Яхши айтибсан!

Мен давом этаман. Кечинмалар сатрма-сатр босиб келиб ҳолдан кета-кета ўқиб тутатдим. Нигоҳларига беҳол боқаман. Зийрак кўзлари жиққа ёш. Бирдан ўринларидан турдиларда, ўкиргандай буйруқнамо дедилар:

— Ёзма бунақа шеърларни, жигарим! Шеърга шоир қалбидаги ҳаяжон, бўронларнинг ўн фоизигина тушади. Қолган 90 фоизи сени хароб қиласи, синглим! Лекин яхши шеър ёзибсан, офарин! — дедилар.

Якунловчи бандни қайта ўқиттиридилар:

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кунлар ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.

— Мана бу жуда соз! — дедилар. — Энди икки киши учун яшаб, икки киши учун ёзишинг керак. Аламни қалам кўтари. Лекин ғаму андуҳга мук тушиб ётиш ҳамманинг ҳам кўлидан келади. Енгишга қодирлигингни табриклайман. Омон бўл! — деб чиқиб кетдилар.

Чарчоқларимни баҳор ўзининг зилол, майнин кафтлари билан сираб ўтгандай, сингил ўрнимдан турдим.

Яна суҳбатимизнинг аввалига қайтмоқчиман. Fafur Fu-lom ҳалқининг исча аср давомида босиб ўтган шарафли, заҳматли ҳаётини, йўлини дилига жойлаган аллома шоир эди. У ҳозир ҳаёт бўлганида, бутуни мустақиллик қадрини, нодир баҳосини, аҳамиятини ўқтам қалби, ифтихори билан ўзгача куйлаган бўларди.

У киши ҳалқига келажакда ғоят яхши кунлар, ёрқин истельдодлар насиб этишига ишонган улуғ, элпарвар ёзувчи эди. Мана бу тўрсликка дикқат қилинг-а!

Бирингиз шеърда камолга етиб,
Ишку сўз мулкини қилурсиз обод.
Шунда ибтидоий бўлса ҳам гарчанд.
Менинг ёзганимни қиласжаксиз ёд.

“Ибтидоий ёзганим” (Faфур Гуломдай шоир шеърларим демайди!) ибораси билан у ўз авлодлари истиқболига қанчалар ишонч билдиради, наслини улуғлайди. Буни унутмаслик керак.



Faфур Гулом ўзбек адабиётини меҳр-муҳаббат билан ўстирган, уни кўп миллатли адабиёт майдонига олиб чиқкан ёзувчиларимиздан биридир.

Севимли шоиримиз Faфур Гуломнинг ижодий камолоти саноатимиз, йирик қишилоқ хўжалигимиз, маданиятимизнинг яралиши, тараққий топиши, вояга етиши, халқимизнинг моддий ва маданий ҳаётидаги мислсиз зўр ўзгаришлар билан боғлангандир...

Faфур Гулом ижодиёти — зўр гулхан, унинг ҳар қандай кўриниши хилма-хил ёниш, яъни нур ва ҳарорат, демакдир. Faфур Гулом поэзиясининг зўр кучи, жозибаси, кўзни қамаштириб юборадиган гўзаллиги шундадир.

Абдулла Каҳҳод

ЎТНАФАС

Faфур Fuлom тўғрисида айтилиши керак бўлган сўз ва хотира шу қадар мўл ва ранг-барангки, уларни бир эпақага келтириш, бир илга чизиш учун вақт керак. Мен ҳар гал Faфур Fuлom ҳақида ўйлаганимда юксак бир довон қарши-сига келиб тўхтаган йўлчилик ўзимни лол ва ҳайрон сезаман. Қаранг, йил кетидан йил айланиб келаётиби. Вақт шундо-ғам югураяптики...

Худди тунов куни ё ўтган ҳафта нашриётдами, ёзувчилар уюшмасидами ёки дўст-ёр даврасидами у билан гурунглашиб, чақчақлашиб ўтиргандай бўламан, унинг суҳбати саратонда сой шабадасидай сарин, унинг билгичлиги кўз илғамас уфқ, ақли ва диди дарёдай тинимсиз, теран, шоирона, унинг кен-гашлари доноларга хос, унинг умр йўли ўзи бир китоб...

* * *

Мен Faфур Fuлom билан талай гурунгларда, тўйларда, йиғинларда, ҳашарларда, сафарда ва меҳмондорчиликларда бўлганман. У ҳаётни билар, одамларни билар эди, адаб ва удумдан тўла хабардор, шеваларни билар, қардош тилларни билар, туркман дуч келса — туркман, татар учраса — татар, Нозим Ҳикмат келса — турк, қозоқ рўбарў бўлса — қозоқ, тоҷик даврасида — тоҷик, Алексей Сурков кўриниб қолса ё меҳмон бўлса — рус... Нечоғлиқ мунис, нечоғлиқ мушфик, дилкаш, ҳозиржавоб, хуштабъ, хушчақчақ, ҳазилкаш (ҳам-маси ўз ўрнида), суҳбати қойилмақом, сидқидил дўст... “Сўзни айтгин уққанга, жонни жонга суққанга” таъбири Faфур Fuлomга, шубҳасиз, тегишли, тўла тегишли. У билан бир гал суҳбатдош бўлган қўноқ (ким бўлмасин) кейин ҳаммавақт суҳбатини қўмсаб юрарди. Лекин ўринсиз ва ноҳақ унинг ғашига теккан одам, ножӯя, беваж уни камситган одам (ким бўлмасин) унинг ғазабига дуч бўлар, балоларга гирифтор бўлар, тавбасига таянарди...

У кўйдай ювош, кийикдай ҳуркак, лекин қаҳри қиста-ғанда (ё алҳазар) ярали йўлбарсдай беомон... Не-не саёз,

хашаки, адабиёт кошонасини булғамоқ ва текин нонхонага айлантироқ қасдига тушганиларни Faфур Fулом шармисор қылгани рост гап. Адабиёт кошонасини мұқаддас даргоҳдай күриқтай ва ардоқтай олғанларниң бири Faфур Fулом экани рост гап.

* * *

...Шундай қилиб, Олмаотага Абайнинг юз йиилитига келиб қолдик. Жаҳон уруши тугаб, мамлакат енгил нафас ола-ётган йиилар эди. Тўйлар, саналар тағин авжида... Поезддан устоз Ойбек, Faфур оға, профессор Абдураҳмон Саъдий ва мен тушиб келдик. Биздан олдинроқ Ҳоди Зариф, Фозил ота келишибди. Бекатда бизни қозоқ ғузувчилари кутиб олди, Мухтор оға устоз Ойбек ва Саъдий билан овора бўлиб қолди. Собит оға тўғри бизга қараб келмоқда... Faфур Fулом йўл-йўлакай вагон деразаларидан яшил тепаларга, водийларга, сойларга тикилиб, хаёл сурисиб, ўз йўларига гарқ бўлиб ҳорғини ва карахт тушаётганидан воқифманг. У эҳтимол Турксиб курилган йўлларни, йўл қурувчиларни, ботирларни эслаетгандир... “Бў йўллар кўп қадим йўллардир” сатри билан бошланувчи ўта оламшумул шеър — ахир шу йўлда ёзилган-ку! Ўйчан, ишдамас Faфур Fулом бекатта тушишданоқ бутунилай ўзгариб, ўз аслига келди-қолди. Мен ағрайиб турардим. У тағин тетик, қувноқ, кўзларида ним кулиги...

— Мен Faфур Fулом бўламан, — деди у ўқ узгандай дадил ва ифтихор оҳангиди. Собит оға ҳам бўш келгани йўқ:

— Мен Собит Муқон бўламан, — деди у ҳам қарийб шу оҳанг, шу вазнда. Иккови бирингчи кўришишдаёқ бир-бирини дилдан таниб олгани, қалин дўстлик шу лаҳзадан бошлангани эсимда. Икки алп қаламкаш, шу лаҳзадан бошлаб, икки қондош халқинг ишоқлиги ва жон аямас дўстлигининг қулamas ва ҳамиша тирик ҳайкалларига айлангани кўз ўнгимизда. Faфур ака ўз ўрни ва ўз салобатини теран фаҳм этган шоир эди ва бу унга фоят ярашар эди. Собит оға ҳам худди ўшандоқ...

Кечкурун тоғ этагидаги ҳукумат боғида — ажойиб боғнинг кенг салонида барча республикалардан келмиш меҳмонлар тўкин дастурхон атрофига тизилишиб ўтирас, меҳмоннавоз қозоқ дўстлар хизматда... Ҳамма сархуш... Ахир, қозоқ халқининг азamat фарзанди, алп шоирнинг юз яшар тўйига тўпланган-да бутун мамлакат. Берди оға шу ерда, тўрда устоз Ойбек, Сергей Бородин, Аҳмад Ярикай, Сильва Капутикан, Рос-

сия ва Украина, Грузия ва Озарбайжон — ҳамма ҳалқининг қаламкашларидан бор. Fafur oғa ҳам тўрда. Унинг иккиги бўлиб қадаҳ кўттаргани ва қозоқ ҳалқининг шарафига шеър бағишлаб, алёр айтгани эсимда: “Қазилик ва қўзилик, қизлик ва қимизлик қозоқ жигар соғлиғи учун оқ ичайлик!” деди ва қахқаҳа янгроги салон шифтида соз ҷалди.

Fafur Fулом шеърида доимо туғилмаган тимсол топганидай, латифагўйликда ҳам ўта оригинал. Унинг ҳар латифаси сұхбат мавзуига мос ва янги бўлар, дўстлар юмалашиб қолар эди. Ўша биринчи оқшом сұхбат тонг оттунча чўзилиб кетди. Ҳамма бир-бирини соғингган ва дийдоридан рози, ундан рози, у гўё дўстларни сехрлаб қўйгану ўзи ўз сехрини томоша қиласа, айниқса, биз, ўзбек ёзувчилари, ҳақли равища ўз Fafurimiz борлигидан фурурланардик. Устоз Ойбек ҳам, Ҳоди ака ҳам, Саъдий ҳам, борингки, мен ҳам. Эрталаб Сергей Петрович Бородин Fafur оғага ёндашиб, шундоқ дегани шу бутунгидай қулогимда:

— Fafur, сен шу кеча иккى романга жой бўлгулик латифа айтиб ташладинг-а! Оббо сен-ей!

Бу ўша Бородин, Шарқни тушунгучи ва қадрлашга қодир, биз Жаҳон уруши қизғин паллада Москвага борганимизда¹ ва ҳар кун фронт учун уч-тўрт йўла радио орқали шеър ўқиган кунларда, “Правда” саҳифасида “Fafur удивительный”, деб Fafur Fулом ҳақида мақола ёзган Сергей Бородин...

Fafur ака камтарликини ҳам жойига кўярди, ҳа!

— Майли, латифачиликдан оз-моз хабаримиз бор, — деди ва шу ерда тағини биттасини дўндириди-ю, Сергей Петрович юмалаб қолди. Fafur Fуломнинг етуклиги, билим уфқининг кенглиги, қобилиятининг серқирралиги, адаби ва назокати, одамийлиги, гавҳарлилигига давралар қойил бўлгани ҳамиша ёдимда.

Fafur oғa ва Собит oғa дарров дўстлашиб кетган эди, иккени деярли ажралмас, бирга ўтиар, бирга сайд этишар, сұхбат битмас, дастурхонда ҳам ёндош. Завқу шавқ, қахқаҳа бир-бирига уланиб кетар, сұхбат кези fazalxonlik — Абай шеърларини ҳар ким ўз тилида ўқир, кейин ўз шеърларимизга навбат. Икки забардаст қаламкаш Fafur Fулом ва Собит Муқон дўстлиги нечоғлиқ самимий, нечоғлиқ беғубор, нечоғлиқ одамий, нечоғлиқ қўйма эканлигига ҳамма гувоҳ ҳозир. Собит оғанинг Fafurни излаб тез-тез Тошкентга келиши ва

¹ 125 киши эдик. Ёзувчилар на санъаткорлар — устоз Ойбек, Ҳамил Олимжон, Комил Яшин, Зулфиқароним. Ҳалимахоним. Мукаррамахоним. Ашрафий. Аблуқодир нағиҷи ва бошқалар.

хонадонидан хабар олиши, қабрига бориши, ҳар гал кўз ёши-
сиз эслолмаслигини ҳамма билади, киройи дўстлик шундоқ
бўлса.

* * *

Жаҳон уруши тугай деб қолган йили эди, чамамда. Fa-
фур Фулом Ёзувчилар уйида дуч келиб, бизни уйига олиб
кетди:

— Арафа кунлари-ку, — деди у, — эрта-индин ҳайит
келади. Биринчи январъ ҳам бўсағада. Юринг, бир байрам
шеъри ёзайлик, — деди у. Кетдик — Собир Абдулла, Уй-
гун ва мен. Қор шундоқ ёғмоқда, олам оқ шоий рўмолда.
Қалин қор — яхши кўкламдан даракчи. Тўртовлон Янги
йил ва эртанди зафар ҳақида шеър ёзишга бел боғладик.
Мазмун ва шакл аниқ. Рубоий. Албатта, Faфур оға онабо-
ши. Аввал ҳар ким ўзича ёзиз, чизиз, тузатиб, кейин бир
ицга тиздик. Аввал Собир Абдулла котиб бўлди ва у чарча-
ган маҳал котиблик менга ўтди. Faфур Фулом ҳаммага ла-
қаб тўқиганидек, мени ҳам бу илтифотидан четда қолдир-
ган эмас.

— Чўвир от, — деди менга, — адабиётимизнинг чўвир
отисан. Кўчир, ула, кўш, оқла — эпақага келтиргин.

Учови толиқиб ухлаб қолиши-ю, мен чўвир отлиқ қилиб,
кўчирдим, оқладим, эпақага келди. Қантдек шеър бўлди. Янги
йил кечаси мен тўртовлон номидан радиода ўқидим. Сўнг
газетада чиқди.

* * *

— Турсун ўғли, — деди бир кун Ёзувчилар уюшмасида
Faфур оға (янги дарёлар очиш — ҳашарлар авж йиллар эди-
да), — сув ҳақида ёзганиларинг дуруст. Лекин сен “Қонус”
воқеасини эшитганмисан?

— Йўқ, — дедим.

— Эшит бўлмаса.

Faфур оға, ўша оғир ҳикояни хўрсиниб-хўрсишиб айта
кетди. Тили нақадар рангли, бадавлат. Қандоғам фожиали
бир ҳаёт лавҳаси! Мен шу ҳикоя таъсирида “Қўзи” шеърим-
ни ёздим, унга мъқул бўлганидан кейин нашрга бердим.

...Ҳали ҳам бор ўша ер,
“Қонус” экан дашт номи,
Сўзлайди бўзлаб шоир,
Гоҳо сухбат айёми.

Бу сатрлар ўша “Кўзи”дан Faфур оғага бағишланган сатрлар. У яхши тушунди ва мен кўпчиликка ўқиганимда, маъкул, дегандай бош силкиб жилмайиб қўйгани ёдимда.

Бир гал мен Хоразм ва Қорақалпоқ сафаридан қайтиб, Ёзувчилар уйида адабий кечага катнашиб қолдим. Кечани бошқариб ўтирган Faфур Гулом бир маҳал менга қараб:

— Турсун ўғли, — деди, — борми янги гап? Ўқи!

Мен минбарга кўтарилим ва “Аму қирғоқлари” шеърими ни ўқишига тушдим. Шеър тугаганда, бундоқ қарасам, Faфур Гулом қаршимда турибди. У менга қўл чўзиб, кутлади. Шоир учун бундан ҳам зўр дилдорлик ва илтифот бўлмас!

Faфур Гуломни унугтиш қийин. У ҳақида қанча ёзсан, тагин нимадир етмагандай.

У ўзбек халқининг ўлмас ўғилларидан.



Faфур Гуломнинг бақувват поэтик ижодиёти сероҳанг ва ранг-баранг бўлишига сабаб унинг эстетик завқининг гоят баракали чашмалардан озиқлангани билан изоҳланади. Бу соҳада у бепоён фольклор хазиналаридан, классик ўзбек адабиётининг ганжиналаридан, кўп Шарқ халқларининг бадиий маданиятидан, рус адабиётининг ва у орқали жсаҳон адабиётининг қудратли аслаҳахоналаридан ижодий равишда фойдаланиб, ўзининг оригинал ва тамомила индивидуал-шахсий услубини яратди.

Maқсуд Шайхзода

ЕЛКASИНИ ПАЙҒАМБАРЛАР СИЛАГАН ШОИР

Faфур Fулом табиати равшан пайтларда ҳаддан ташқари қувноқ бўларди. Шеър ҳам, сўз ҳам қуйилиб келаверарди. Ёзувчилар уюшмаси ҳиммат қилиб, Янги Йилга дастурхон ёзди. Faфур ака шифохонада даволаиаётган эди. Машинада олдириб келишди. У эшикда кўриниши билан базмга бирдан файз кириб кетди. У ўтирганларга шеър тўқий бошлади.

Ойбек аканинг ёнида кўхликкина жувон ўтиради. У аёлга гоҳ чой, гоҳ вино тутарди. Faфур ака кузатиб турган экан, дарров шеър тўқиди:

Андижонда олов ёқсам Ўшда тутун,
Ойбеквойим ўтирипти бағри бутун.
Кўлтиғида иссиққина сулув жонон,
Бир қараща бўйдоқлардан қочар имон.

Яшин, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султонлар ёнма-ён ўтиришарди, бўйларига ишора қилиб, Faфур ака уларга ҳам шеър тўқиворди:

Юртимизнинг девлари, давлатлари, савлатлари,
Телпагу қалпоқда ўсан баччажиш авлодлари,
Яшин шеру, Воҳид зўру, Иззат дароз шашқатор,
Иккиси дулдулга минган, биттасида зулфиқор.

Темур Фаттоҳнинг машина авариясида лаби, пешонаси чандиқ бўлиб қолган, унинг устига бошида сочи ҳам қолмаганди. Faфур ака галдаги ҳазил шеърни унга бағишлади:

Давра аҳли сўзларимни тинглагандা,
Темур Фаттоҳ шеърин сақлар танглайинда.
Бойнинг ўғли бўлса ҳам шу гапирсин,
Қуёш пардоз қиласр унинг манглайинда.

Энди навбат менга келди:

Сайдашмаддир ҳам ёзувчи, ҳам ўсирин,
Бўйдоқликда қиласи иши шурин-бурин.
Бурнида не, кўринади Ўринбурун,
Ош келганда қошиқ солар элдан бурун.

(Ўринбурун Россия шаҳри Оренбург. Мутойибаларда, ас-
кияларда уни бурунга қиёс қилиб шундай дердишар.)

Ўша куни Faфур ака Абдулла Қаҳҳор, Ҳомил Ёкубов,
Куддус Муҳаммадийларга ҳам ҳазил шеърлар тўқиганди.

Озроқ ширақайф бўлиб қолган ёшларга ҳам ҳазил қилга-
ни эсимда:

Безобразний ўзни тутар ёшларимиз,
Чимрилмақда президиумда қошлиаримиз...

Бу шеърлар қоғозга туширилмаган. Экспромт тарзида
тўқилган эди. Шунинг учун улар сақланмаган. Орадан эллик
тўрт йил ўтиб баъзи сатрлари ёдимда қолмайти. Эсимда қол-
ганларини эплаб қоғозга туширдим, холос. (Туроқ ҳамда вазн
бузилган жойлари бўлса, айб менда.)

Faфур аканинг девонафылларини кўп бўларди. Бирор-
ни ногоҳ хафа қилиб қўйса, то узр сўраб кўнглидан чиқариб
юбормагунча тинчимасди.

Урушдан олдинги қайсиadir йил эди. Икковимиз гап
талашиб қолдик. Мен ҳақ эдим. Faфур ака сира айбини
бўйнига олмасди. Баланд келишга ҳаракат қиласарди. Мен
ҳам бўш келмадим. Охири шу бўлдики, ундоқсан, бундоқ-
сан, одам бўлмайсан, деб дилимни оғритди. Мен бор-е,
дедиму уйимга кетиб қолдим. Саратон иссиги авжиди эди.
Бугун уйда маза қилиб ётаман, деб ўйладим. Кўшнимиз-
нинг боласи кириб, сизни кўча бошида Faфур Гулом ку-
тиб турниди, деб қолди.

Шундоқ одам атайти келган бўлса, бормасам, айб бўла-
ди. Кийиниб кўча бошига чиқдим. Faфур ака машина олди-
да папирос чекиб турарди.

— Вой тентаг-е, мендан хафа бўлиб ўтирибсанми? Жаҳ-
лим чиқиб турганда кўзимга кўринимасанг, олам гулистон.
Бўлди, ай-да кетдик. Горта чиқиб марожний сўмиз.

Икковимиз машинага чиқдик. Скверда морожний едик.
Кейин, вокзалга бордик.

— Менга қара, машинада маза қилдинг. Гуноҳимдан
кечдинг-а. Бўпти. Энди уйингга кетавер. Мен Кўйлиққа
тўйга кетдим. — У шундай деди-ю, мени ташлаб жўнаб
қолди.

Боя Faфур Fулом чақирияпти, деганда шошиб чиқаверган эканман. Пул олишни ҳам ункутибман. Энди нима қилдим? Вокзалдан Лабзакка пиёда келиш осонми? Саратон офтоби миядан уриб турипти. Лўкиллаб сквергача келиб, сояда бир оз дам олдим. Ундан кейин Ўрда анҳори бўйидагиз озроқ салқинладим. Шайхантоҳурда ҳам бир дам ҳордик олиб, орқа кўчадан уйга келдим. Келдиму ечинмай ётиб олдим.

Faфур Fуломнинг узри менга ана шунақа қимматга тушганди.

* * *

Faфур ака икки нарсадан кўрқарди. Бири ер қимирилаши, бири самолётда учиш.

Арманистонда ўзбек адабиёти ўн кунлиги бўлди. Арманлар Faфур акани ниҳоятда сийлашди. То Ереванга боргунимизча унинг шеърларини арман тилида алоҳида китоб қилиб чиқаришган экан. Faфур ака китобни қўлига олиб нотаниш ҳарфларга қараб: “Китобга қайси шеърим кирган, ўқиёлмасам, ҳей, менга қара, — деди шоира Сильва Кацутиянга. — Менга арман қизларидан бирини олиб бер. Умрининг охиригача шу китобни менга таржима қилиб юради. У Ширин бўлади, мен Фарҳод бўламан”.

Сильвахоним ҳам ҳазилни ўрнига қўяркан. Мариэтта Шагинян деган, тахминан тўқсондан ошган машҳур ёзувчи бор эди.

— Бўпти, — деди кулиб. — Мариэтта опани Тошкентта ўзим ёр-ёр айтиб кузатиб қўяман.

Бизга зиёфат тайёрлашган экан. Машнат эканда авжига чиққанда узоқда сурнай билан чирманда овози эшитилди. Бу овоз борган сари яқинлашарди. Бир маҳал адир ортидан извош кўринди. Уни икки отлиқ кўриқлаб келарди. Извош олдимишга келиб тўхтади. Ундан Алишер Навоий тушиб тўшаптўғри Faфур Fуломнинг ёнинга келди. Бағрини очиб Faфур акани кучоқлаб олди.

— Жигарим, жигарим Faфур, сени излаб 500 йилдан бери йўл юраман. Мана, ниятимга етдим. Сени топдим, жигарим.

Faфур ака ҳам бўш келмади.

— Устоз, 500 йилдан бери йўлингизга кўз тутаман. Худодийдорингизни кўришни насиб қилди. Энди армоним қолмади. Табаррук овозингизни эшитдим. Мен учун бундан ортиқ баҳт йўқ.

Самолётда ҳар хил латифаларни айтиб одамларни кулдириб келяпман. Faфур aka жимгина ўтирипти. Стюардессага жавдираб қараб кўяди. Одамларнинг кулиши жонига тегдими, менинг маҳмаданалигимдан энсаси қотдими, чайқала чайқала менга яқин келди.

— Хой, Додахўжа думанинг невараси, бачканаликни йиғиштир. Биласанми, икки йўлнинг ўртасида кетяпмиз. Жимгина ичингда дуо ўқиб ўтирипти. Бир томонинг Каспий денгизи, бир томонинг Эрон, ўртада адоғи йўқ тоғлар. Бирон фалокат бўлса, жавраганингча кетасан.

Олдимдаги ўринидикда ўтирган Абдулла Қаҳҳор кулди.

— Кўрқисан-а, Faфур, мунча жонинг ширин бўлмаса, — деди. — Кўрқма, бу жуда пишиқ самолёт.

— Тўғри, кўрқаяпман. Нима, сен кўрқмайсанми?

Самолёт Тошкент аэропортига келиб қўнгунча Faфур aka ўрнидан турмади. Ёш боладек мўлтираб ўтираверди.

Куддус Муҳаммадийнинг одатларини Faфур aka яхши биларди. Куддус aka самолётда учмасди. Ер босиб қолади, деб метрога тушмасди. Лифтдан ниҳоятда кўрқарди. Ўн қаватли иморатларга ҳам зинадан пилдираб чиқиб кетаверарди.

Faфур акага Куддус Муҳаммадийнинг метрога тушмайтганини айтган эдик, уни менга қўйиб беринглар, метрога ўзим олиб тушаман, деб қолди.

— Йўқ, эплайлмайсиз, — дедик унга.

Faфур aka агар уни метрога олиб тушолмаса, бизга эрийдиган бўлди.

Йўлга тушдик. Қор бўралаб уриб турипти. Faфур aka Куддус Муҳаммадийни кўлтиқлаб олган. Метро станциясининг дарвозаси олдига келганимизда Куддус aka тўхтади.

— Сизлар кетаверинглар, мен бир оздан кейин бораман.

— Нега? — деди Faфур aka.

— Магазинга кириб ўғлимга шим олишим керак.

— Қизиқмисан, Куддус? Ёзувчилар уюшмасида шим кўлтиқлаб юрасанми? Қайтишда оласан. Мен болаларнинг ҳаммасига шим олганман. Ортиқчаси ҳам бор. Биттасини сенга теппа-текинга бераман. Қани, кетдик, — деди Faфур aka уни юришга қистаб.

— Ўзимга ҳам битта жун пайпоқ олишим керак, оёғимдан совуқ ўтятти.

— Менга қара, сенга қанча пайпоқ керак? Кеча тўртта пайпоқ олганман. Биттасини сенга берганим бўлсин.

Куддус ака домланинг бу хил меҳрибончилигидан сал шубҳаланиб турарди. Бу меҳрибончиликлар бекорга эмасдир-ов, деб дилидан ўтказарди.

Faфур ака унинг қўлидан тортиб судради. Биз орқасидан итардик, аммо жойидан жилдираб бўлмади.

— Тихирлик қилма, муҳокамага кечикамиз.

— Э, нима қиласиз, домла. Мен метрота тушмайман. Болачақам бор, мусофириликда бегона шаҳарда тупроқ тагида қолиб ўлиб кетишни истамайман.

— Жон дўстим, ҳеч бўлмаса ўзи юрадиган зинасига оёғинг-нинг учини тегизиб қўй. Йўқ, дема. Қасам ичиб қўйганман. Куддусни метрота олиб тушолмасам палон бўлай, деб оғзимга сўз олиб қўйганман.

Уни итар-итар қилиб ичкарига киритмоқчи бўлдик. Қани энди жойидан жилдириб бўлса. У бир силтаниб қўлимииздан чиқди-ю, оломон орасида ғойиб бўлди.

Муҳокамадан қайтиб келсак, Куддус ака Faфур Fуломнинг эшиги олдида бўғирсоқ еб турипти.

— Эшигимнинг тагида нима қилиб турибсан? — деди Faфур ака.

— Проводник қўшнимизни кўриб қолдим. Шундан бо-лаларга у-бу бериб юбормоқчиман. Боя шим билан пайпоқ бераман, дегандингиз. Ўшаларни берсангиз, уйга жўнатиб юборардим.

Унинг гапи оғзида қолди. Faфур ака бошмалдоғини ик-кинчи, учинчи бармоқлари орасидан чиқариб кўрсатди.

— Мана шим, мана пайпоқ!..

Роса кулги бўлди. Куддус аканинг ўзи ҳам қулиб юборди.

Ўн куялиқ дастурда атоқли ўзбек адиллари билан китобхонларнинг учрашувлари режалаштирилган эди. Абдулла Қаҳҳор билан Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонада, Faфур Fулом билан Политехника музейида учрашув бўлиши керак.

Учрашувга қуруқ бормай, деб Faфур Fулом янги шеър ёзди. Шеър чинакамига ўзбекона шеър бўлганди. Сарлавҳасиданоқ уни ўзбек шоири ёзгани билиниб турарди. Унда шундай сатрлар бор эди:

Faфур Fулом кимлигини биласиз,
Адресимдир Ўзбекистон, шубҳасиз.
Қисталанг гац, бизникига келасиз,
Ташриф этиб, мени курсанд қиласиз.
Бахт уйида тунаб ўтинг, дўстларим.

Faфур ака шеър ёзганда тингловчига қандай таъсир қилишини билиш учун қай маҳал бўлишидан қатъи назар, кимнидир топиб, ўқиб берадиган одати бор эди. Вақт алламаҳал бўлган. Меҳмонхонада ҳамма ухляяпти. Қаватлардаги наубатчилар ўзбекчани тушунмайди. У ўйлаб-ўйлаб камуйкуроқ шогирдларидан бирини топмоқчи бўлди. Лоп этиб хаёлига Лазиз Қаюмов келди. У шеърга тушунади. Ундан ташқари, ўрисчага уста. Шеърни сўзма-сўз ўрисчалаб бериши мумкин. У Лазизхоннинг хонасига телефон қила бошлади. Анча вақтгача трубкани ҳеч ким олмади. Узоқ гудокдан кейин Лазизхоннинг уйкули овози эшитилди.

— Ухлаётганимидинг? Мен Faфур акангман. Бетингни яхшилаб ювиб, олдимга чиқ. Шеър туғдим, ўзинг йўргаклаб ол.

У шундай деб трубкани жойига қўйди. Уйғониб кеттан Муҳаррам опа:

— Бола бечоранинг уйқусини буздингиз-да! — деди норози оҳангда.

— Академик Faфур Фулом ухламасину фан кандидати Лазиз Қаюмов ухласинми? Бунақа номардликка чидаб бўладими? Дастурхон тузатинг, қазилардан кесиб қўйинг, ўзим Бухородан олиб келган пашмаклардан қўйинг...

Сал ўтмай, эшик тақиллади. Faфур ака эшик очаркан, соғ тошкентча қилиб: “Окагинанг айлансин, бир девона-феъл окангни кесириб қўясан-да, бир эркалик қилдим”, — деди.

Faфур ака унга кўп лаганбардорликлар қилгандан кейин шеърни кўрсатди.

— Ўқиб берайми ё ўзинг ўқийсанми? Ке, ўзим ўқиб бера қолай.

У кўзойнагини тақмай тик турганча ўқий бошлади. Ўқиб туриб, шеър қандай таъсир қилаётганини билиш учун унга қараб-қараб қўярди.

— Қалай, боплабманми? Faфуровский шеър бўптими? Тўғрисини айт, унчалик яхши чиқмаган бўлса, бирорга кўрсатмай қўя қолайлик.

— Эй, нима деб ўтирибсиз. Жуда зўр. Энг яхши шеърларингиз қаторига киради. Жуда ўзбекона бўлти. Ўқувчининг юрагига жаз этиб ёпишади.

— Менга қара, укам, текинга шеър ўқиб кетаман, деб ўйлама. Шу шеърни ўрисчага сўзма-сўз афдариб берасан. Эрталабгача сен ҳам ухламайсан, мен ҳам. Аналу патирлардан, қазилардан еб, қорнингни тўйдирив ол. Қорнинг тўқ бўлса, калланг яхши ишлайди.

Хуллас, бу кеча шоир ҳам ухламади, шогирд ҳам. Тонг ёришмай туриб таржима тайёр бўлди.

— Энди сен хонангга чиқиб, бирпас мизғиб ол. Соат тўққизларда ўзим уйғотаман.

Лазизхон чиқиб кетди. Синъкага солинган докадек бўлиб тонг ёришиб келаётган эди. Барибир Faфур ака ухлаёлмади. Кийиниб, пастга тушиб кетди. Жимжит, сокин шаҳар ҳавосидан нафас олиб, меҳмонхона атрофида айланиб юрди.

Политехника музейидаги учрашувда атоқли рус шоири Сергей Васильев китобхонларга бу шеърни ўз таржимасида ўқиб берди.

Шундай қилиб, “Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим” шеъри ҳали ўзбекчаси босилмай туриб, рус китобхонлари ҳукмига ҳавола қилинган эди.

* * *

Faфур аканинг шогирд танлашда ўзига хос усуллари бўларди.

Ёшларнинг газета ва журнallарда босилган шеърлари-ни диққат билан ўқирди. Ўз таъбири билан айтганда, боқса одам бўладиганларини уйга чақириб, шеър ўқитиб кўрар, гапга солиб, билими, одоби, юриш-туриши, фаҳм-фаросати қанақа, обдон кузатарди. Дидига ўтириб қолганларини сафарга ўзи билан олиб кетарди. Қайтиб келгандан кейин у билан борди-келди қилмай кўйдими, билингки, нимасидир ёқмаган ёки адабиёт юкини кўтаришга чори келмайци. Мабодо, маъкул бўлган бўлса, у билан ота-бала бўлиб кетарди.

Биз тенги шогирдларнинг ҳаммаси шу имтиҳондан ўтган. Ҳамид Ғулом, Шухрат, Туроб Тўла, Ваҳоб Рўзиматов ва мен у билан кўп сафарларга бориб, унга бир умр боғланиб қолган эдик.

Кейинги пайтларда у янгигина пайдо бўлган Эркин Воҳидовни кўп гапирадиган бўлиб қолганди. Эркиннинг аруздағи муваффақиятлари уни қувонтиради.

— Биласанми, бу бола мудраган арузни уйғотиб юборди. Ивирсиқ шоирлар арузни адойи тамом қилган эдилар. Аруз байини пати юлинганди товуқ бўлиб қолганди. Эркин уни араб, форс сўзларидан тозалаяпти. Соф ўзбек ғазалини яратяпти. Яқинда бир папка ғазалларини олиб келди. Жуда чиройли, маъноли, маҳорат билан ёзилган ғазаллари кўп экан. Бу боланинг ёзган нарсаларини эълон қилишга шошилмаслиги

менга маъқул бўлди. Олиб келган ғазалларининг кўни биринки йил олдин ёзилган. Ҳалигача қайта-қайта ишлаб, тузатиб, яна ташлаб қўйяпти.

Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам.
Дўст қадам қўймас эса, вайронадир кошона ҳам.
Интизор ҳар уй қадрдон, дилкүшолар базмига,
Гар оёқ қўйса қабоҳат, йифлагай остона ҳам...

Буни қара, қайта-қайта тузатилган бу ғазалда биронта араб, биронта форс сўзи йўқ. Манави шеърни тўрт йил олдин ёзган. Ҳалигача бирон жойда босилмаган.

Барг остидан мулойим, бокқан иболи гунча,
Не сирни сақлагайсан, бағринг нечун тутунча?
Пинҳон сиринг баён эт, кўксингни қилма кўп қон,
Бу ёки ишқ аталган, бизга аён тушунча?
Севмоқ уят эмасдир, ҳар кимда бор бу савдо,
Кўй, кўп қизарма гунча, бошингни згма бунча...

Мана шу ғазаллар дафттар қатида ётибди. Қачон бостирасан, десам, яна озроқ туратурсин, дейди. Мана буни чинакам шоир деса бўлади. Шу болага ихлосим ошиб кетди. Биласанми, Эркин шеъриятда тақлид давридан сакраб ўтиб кетди. Навоийга ҳам, Бобурга ҳам, Машрабга ҳам тақлид қилмади. Ўша мумтоз шоирларнинг шеър санъати сирларини ўрганди. Ўрганганда ҳам қайта-қайта ўрганди. Ниҳоят, ўз йўлини топди. Шеър ҳам куй, ҳам фикр, ҳам суврат, ҳам тўйгу. У йифи, у фарёд, у қувонч, у нур...

Faфур aka тўлиб-тошиб гапиради.
— Домла, бу гапларингиз оғзаки мақола бўлиб кетди-ку. Қоғозга тушириб қўяқолмайсизми?
— Сен ёз, мана, тайёр фикр!
Бир куни Faфур аканикига борсам, айвонда чамадонига тирсагини қўйиб, ўй ўйлаб ўтирибди.
— Йўл бўлсин, устоз? — дедим чамадонга ишора қилиб.
— Тожикча гаплашишни соғиниб қолдим. Душанбега бориб, тожик оғайниларим билан кужо-кужо қилиб қелай.

Унинг оғайниларим, дегани Боқи Раҳимзода, Турсунзода, Жалол Икромий, Улугзодалар эди. Улар Faфур аканинг иззатини ўрнига қўяр эдилар. У дўстлари билан факат тожикча гаплашарди. Сафардан қайтиб келганда ҳам Тошкентдалигини унутиб, бизга ҳам тожикча гапириб юборарди.

- Бир ўзингиз кетяпсизми?
- Йўқ, Эркинни олиб кетяпман. Унга машина юбордим, ҳозир келади. Тожикистондаги аруз усталари билан бир ҳамсұхбат бўлсин.

Faфур ака Душанбедан Эркинга бўлган бир ҳурмати ўн ҳурмат бўлиб қайтиб келди. Умрининг охиригача унга раҳнамолик қилди.

1966 йили апрель ойининг охирлари эди. Faфур ака билан радиокомитет ҳовлисида учрашиб қолдим. Адабий-драматик редакция унинг ўз овозида шеърларини лентага тушириб олиш учун чақирган экан. Ҳали озроқ вақт борлиги учун бемалол гаплашиб қолдик.

— Халфа бир болани мақтаб қолди. (Абдулла Каҳҳорни тентдошлари Халфа деб аташарди). Қашқадарёлик студент экан. Танийсанми?

— Танийман, — дедим.

— Шу болани бизникига олиб кел. Бир гаплашай. Халфа шеърни жуда нозик тушунади. Бекорга мақтамагандир.

Faфур акага бу бола билан учрашиш насиб қилмади. Мана шу суҳбатимиздан икки кун ўтиб, Тошкентда кучли зилзила бўлди.

Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди.

Faфур Fулом олам гулга бурканган, булбуллар чах-чахи авжига чиққан баҳор куни оламдан ўтди.

Бир дам гулларнинг чиройи ўчгандек, бир дам булбулларнинг овози тингандек бўлди.

Устоз шоир юз минглаб ихлосмандларини, минглаб шогирдларини доғда қолдириб кетди.

Пушкин ўлганда рус шеъриятининг қуёши ботди, деганларга жавоб ўлароқ ўша куни Лермонтов шеърият дунёсига келганди.

Faфур Fуломнинг мотами куни устознинг ўзидек оташин бир шоир пайдо бўлди. У даврага чиқиб алам, фарёд билан шесър ўқиди:

Сўқир, ёвуз ўлим, минг дод дастингдан,
Зулматдай кирдингми шеър майдонига.
Ажал, сен найзангни санчдингми чиндан
Ўзбек шеъриятин паҳлавонига.
Олис-фазоларга кетган ҳам қайтар,
Ботувчи қуёш ҳам чиқар билмай ҳад.
Наҳот она халқим алвило айтар
Бутун Faфур Fулом бошида абад?

Бу Faфур Fулом орзу қилған ва лекин сұхбати насиб қилмаган ёш Абдулла Орипов эди.

Қаранг, нақадар буюк үхашашлик. Пушкин оламдан ўттан куни Лермонтов, Faфур Fулом күз юмған куни Абдулла Орипов шеъриятта кириб келди ва шеърият занжирига битта олтиң ҳалқа бўлиб уланди.



*Faфур, қўлни кўксимизга қўйиб айтадиган бўлсак,
ҳақиқий, чинакам ҳалқ севадиган ва ардоқлайдиган шоир эди.
Унинг шеърлари ҳалқнинг дилидаги, унга хуш келадиган, завқ-
шавқини оширадиган, руҳини кўтарадиган, ақл ва заковат
 билан йўғрилган фикрлардан иборат бўларди. Шеърларини
 ўқиган одамнинг тўлқинланиб кетиб, дилида илиқ ҳислар
 уйғотиши, ҳаёт кўзига янада гўзалроқ кўриниши, инсоний
 қадр-қимматини ва ифтихорини чуқурроқ сезиши ҳеч гап
 эмасди.*

Комил Яшин

ҲАМИША КЎЗИМ УСТИДА

Бу тонг устозни яна эсладим. Умуман, мен уни ҳар тонг эслайман. Тераклар учига нур индими, ўрик шохларида кушлар чуғурладими, анҳордан сингил шабада эсиб гуллар атрини ёйдими — мен ота шонрни эслайман. Унинг сиймоси менга на оқшом, на тунни, йўқ! — фақат тонгни эслатади. У ҳар кун саҳар паллада, гира-шира тонгда боғ кезар экан, чимирилган қошлиари нур йилт этиши билан ёзилар, йирик қурагай кўзлари чақнар, фикр-ўйида узоқ яшаган мавзуи бирдан етилар, хоҳ кунга қараган ёруғ хонасида бўлсанн, хоҳ гулзор бўйидаги чорпояда бўлсанн, таниш равон дастхати билан тез-тез ёза бошлар эди...

Тонг латофати, табиат тароватидан олган лаззатини худди нондай азиз билувчи шонир ёлғиз қолса тоқатсизланар, дилига яқин кишиларни, албатта, қидириб топар, янги шеърини, албатта, ўқиб бериши шарт, бусиз кўнгли тўлиши амримаҳол эди! Шу сабабдан ҳам у ҳар тонг ё Шайхзодани, ё Воҳид Зоҳицовни, ё Собир Абдуллани, албатта, излаб топар, кенг кўкрак қафасига сифмай тошаётган илҳомидан дўстлари, шогирдларини баҳраманд қилмаса ороми бузилар эди.

Ғайратий ва Собир Абдулла, Ҳабиби ва Юнус Ражабийдан, устознииг тагии ўнлаб ҳамсуҳбатларидан сўранг, уларFaфур ака фақат тонгда ёзгани ва ўқиб берганини ҳикоя қилиардилар.

Мен ўсиринлигимда қаердаки шеърнинг исини сезсам, ўша ерга шамолдай учеб стиб борадиган, шонрни кўриш учун ўзини томдан ташлайдиган зумрашалардан эдим. Чунончи, Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг боғи Самарқанд дарвоза мавзеида эканини билган кунимоқ ўша ерга пишдираб етиб борганман, деворидан мўралаганман, саринқ дарвозасига шоирлар битиб кетган ёзувларни ўқиш билан кифояланмай, дафтаримга кўчириб ҳам олганман. 15—16 ёшимда Ойбек, Ҳамид Олимжон, Faфур Ғулом шеърларини ёдлаб олиб, шуларни бир кўрсам, танишсам, деб изларига тушган эдим.

Faafur Fulom билан биринчи марта 1934 йилда учрашдим. Унинг жияни Ҳамидулла (кейинчалик машхур шифо-кор) мени Ҳадрадаги уйига таклиф қилди. “Түрксисб йўлла-рида” шеъри билан донг чиқарган, “Икки васиқа” шеърини ўша купларда газетада ёълон қилган “қўзойнакли” шоир ўша ерда экан. Жияни уига менинг шеър машқ қилишимни айтиши билан, Faafur aka қўлимдан маҳкам ушлаб: “Ўқи!” деб қолса бўладими! Қизардим, оқардим, кўкардим, поилож қолиб, “Бизнинг лагерь” деган шеъримни ўқиб бердим. Faafur aka елкамга қоқиб: “Боқса одам бўласан!” деди.

Шу-шу бўлди-ю, Faafur аканинг “қўлига тушдим”. У газета, журналларда босила бошлаган шеърларимни ўқиб турар, маъқул бўлса, мени қидириб тониб мамнунлигини айтар, маслаҳатлар берар, агар маъқул бўлмаса... қошларини чимириб, қовоғини согланини кўриб ич-ичимдан зил кетар эдим.

Уттиз икки йил давомида, то устоз зилзила қутурған оқшомлардан бирида дунёдан авадий қўз юмганига қадар, мен унинг жуда кўп дўстлари, шогирдлари қаторида ҳамиша ёнида, сухбатида бўлдим.

Биз ҳар гал фақат тонгда кўришар, кунимизни шеърдан бошлар, шеър билан тутатар эдик. Устоз “Кузатиш”, “Софиниш”, “Мен яхудий”, “Сен стим эмассан”, “Вақт” каби шоҳ асарларини ёзганда, “Отелию”ни таржима қилинганда мен унинг қаршисида ўтириб, илҳомини, нафасини, ҳис-ҳаяжонларини сезиб турдим. Ҳаёт ва ижодининг бошқа чўнг лаззатларини бир ёққа кўйиб турингу фақат шунинг учун, Faafur Fulominинг мардана шеърий парвозларининг гувоҳи бўлганим учун ҳам армоним йўқ!

Замон шоири деганда мен Faafur aka каби ақли баркамол, қалби олов, зехни чийров, қўзи ўткир, ҳозиржавоб ижодкорларни тушунмаман. Қирқ беш йил давомида ҳар кун, ҳар соат давр юрагининг зарбини муттасил тинглаш ва тўғри англаш, ўз халқидан бир нафас ҳам ажралмаслик, дил торини эл созига созлаш, бир ишчи ва бир деҳқондай тинимсиз меҳнат қилиш, фақат олдинги жабҳада бўлиш, ҳаёт йўсинини фақат давр билан доноларча ўлчаш, келажакни тиран кўра билиш учун шоир аввало ҳалқ фарзанди, ҳалол қаламнинг фидойи заҳматкаши бўлиши зарур. Faafur Fulom шундай булоқ инсон ва булоқ шоир эди.

Faafur aka даврининг улуғ шоир, адиб, олимлари билан мулоқотда бўлди, бинобарини, ҳам улардан ўрганди, ҳам уларга ўргатди.

Истеъдод-ку, Faфур аканинг қон-жонида бор нарса, лекин шунча билим, шунча донишмандликни қачон, қаердан териб, жамлаб ола қолди? Устознинг сұхбатларида сўзларини муте тинглар эканман, шу саволни ўзимга тез-тез берар эдим. Фан, санъят ва адабиётнинг, чўнг тарихнинг у мукаммал эгаллаган бошқа соҳаларини кўяберинг-ку, Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин”ининг насрий баён-таржимасини қилимок учун тарих, фан, маърифат ва шеърият денгизини охирги томчисигача тўла симирган аллома бўлиш зарур эмасми!

Ҳа, устоз Faфур Fулом шунаقا подир истеъдод, зеҳи, чидам эгаси, ноёб фазилатлар соҳиби эди!

Fафур ака ҳар тонг кўлига қалам олар экан, биринчи мисрани қоғозга туширишдан аввал, албатта ўз устозларини эслар, Навоий ва Бедил китобларини варақлар, Саъдий ва Ҳофиздан ёд ўқир, оғзига асал олган кишидай маза қилиб тамшаниб, гулоб кайфини сургандай роҳатланар, яйрар эди. Чамамда, у буюк ўтмишдошларини дил кўзи билан кўрарди, улар билан сұхбатлашарди, улардан мадад оларди.

Мен ҳам ҳар тонг устозимни эслайман, унинг азамат бўй-бастини, чимирилган қошлигини, гоҳ очилиб, гоҳ юмилиб тургувчи кенг қовоғини дилим кўзи билан кўраман, гўё у бошимдаги фикримни, юрагимдаги ҳис-туйғуларимни билиб, сезиб тургандай, гоҳ бош чайқаб рац этади, гоҳ бош қимирлатиб маъқуллайди. Мадад оламан мен ундан ҳар тонг қалам тебратганда...

У ўз устозларини ёддан ўқигандек, мен ҳам унинг ўлмае мисраларини ёддан ўқийман:

Яшац дарбозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам.
Тириклик кўркилир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.

Ота-боболар удуми: устозга хурмат туйғуси кўкрагимни тоғдай кўтаради.



Мирмуҳсин
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АКАДЕМИК ФАФУР ГУЛОМ МАКТАБИ

Киши ҳар қанча билимли, ҳар қанча доно ва кудратли бўлмасин, ўз халқига, она юргига манфаати тегмас экан, у тарихда қолмайди, буюклик аргумоғига минолмайди ҳам. Бу тарихан синалган, исбот талаб қўлмайдиган гап. Ўзбек халқининг энг чуқур қатлами ичидан чиққади, истеъодуду тинимсиз меҳнати, фидойилиги билан буюклик аргумоғига минган, унуптилмас устозимиз Faфур Гулом ҳақида камина сўз демоқчиман, бунинг масъулияти ҳам катта.

Узоқ йиллар давомида зиддиятлар, машаққатлар, маъжозий сўз билан айтганда кургоқчилигу хазонрезгиликларни ўз бошидан кечирган ўзбек адабиёти, яни янги нафосат бўстонимиз мустақиллик, озодлик баҳорига стиб келди. Устозинг шогирдлари кексайиб, саксонбойлар, тўқсонбойлар пайдо бўлиб, навқирон ёш қаламкашлар бениҳоя кўпайди. “Сизлар космосга парвоз этсангиз, елкамни тутиб бераман...” деган паҳлавон Faфур Гулом наинки умум адабиётимизни, унинг ўсиб келаётган ёш бўғинини ҳам жондан азиз севарди.

“Сизларнинг кўзингиз билан ватаним жамолини, унинг келажагини кўриб тураман”, дерди буюк устоз. У зот пайғамбар ёшида дунёдан ўтдилар, асарлари — китоблари биз билан қолди. Унинг олижаноб сиймоси, ҳеч ўхшаши йўқ Faфурона табассуми, лутғу ўйчанилиги, заҳматкашлиги, ҳазилмутойибани ёқтириши, риндлигию одоби, Навоий ва Бедилюна фалсафий фикрларга бойлиги ила кўз олдимизда доимотирик турбидилар.

Ёзувчилар уюшмамизига қадимда раислар келиб кетаверарди, аммо Faфур Гулом янги ёш авлод раиси сифатида тураверарди. Уюшмамизининг чинакам раиси Faфур Гулом бўлган, унинг мактабида ўқиб, беназир сабоқларини олганимиз десам, хато бўлмайди, у асло унуптилмайдиган қаламкашдир.

Бир вақтлар адабиётда “пролеткультчилар” пайдо бўлиб, маза-матрасиз мисралар кўпайиб кетди. Навоий, Бобуру шоҳ Машраблар, Муқимию Оғаҳийлар “феодал адабиёти” ҳисоб-

ланиб четта итқитилди, қашшоқланиб қолдик. Шу даврда Faфур Фулом Навоийнинг “Чор девон”и устида ишлади. Мирзо Абдулқодир Бедил мактабига кирди, ўзи ҳам “Боғ” аталмиш гўзал шеърини халқ севган анъанавий аруз вазнида яратди. Олиюҳга ишонч, қардошлиқ, инсонийлик, ватан севгиси, юрга фидойиллик, ҳалқимизнинг мислсиз бой ва қаҳрамонона тарихи, жаҳон адабиёти унуглилди, мумтоз адабиётимиз “феодал адабиёти” деб четта итқитилди, халқ оғзаки ижодиёти ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Маҳмудхўжа Беҳбудийларни ўзига ўзи гўр қаздириб ўлдирилган пайт, жадидлар таъқибга олинган, адабий бўстонимиз деярли ҳувиллаб қолган бир давр эди. Шу бўғиқ, нафас олиш қийин бўлган замонда адабиёт майдонига Жалолиддин Мангуберди монанд шижоат билан уч баҳодир кириб келди: унар Чўлпон, Faфур Фулом ва ёш Усмон Носир эдилар. Уларнинг жарангдор, маҳорат томонидан ғоятда пухта, Навоийона, Пушкинона юракка яқин шеърлари янгради, хафақон муҳитда шодлик ва қувонч шуури пайдо бўлди.

Шу уч шоир ўзбек шеъриятини баланд пардаларда янгратди. Бу бошқа истеъодии шоирлар йўқ деганим эмас, ўилаб яхши шоирлар номини айтиб бермоқлик мумкин, аммо бу уч шоир чўққи эди. Гарчи таъқибларга, қамогу қади-отилишлар, асарлари босилиши ман этилганилар, и淨воқ фиску фасод авж олган бўлса ҳам бу гармеслу вабо адабиёт ўстонимизни курила олмади. Фахрий ва абадий раисимиз Ілфур ака бизларни ўз қаноти остига олди — бу қанот жуд. кучли, узоқларга парвозд этаоладиган қанот эди.

Қалбан ғоятда камтар, аммо билими дунё қадар катта инсон, бизларнинг севикили устозимиз Faфур Фулом “Бири бирига устоз, бирин бирига шогирд...” мақолини кашф этган шу адаб атрофида ёшу қари жуда кўп қалам соҳиблари тўпландик.

Мақсад Шайхзода, Ҳабибий домла, Файратий, Ойбек, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Нажим Довқарасев, Собир Абдулла, Назир Сафаров, Абдулла Қаҳдор, Ойдин опа, Миртемир, Воҳид Зоҳидов, Ҳоди Зариф, ўша вақтдаги ёш қаламкашлар, ҳозирги саксонбой, тўқсонбойлар, Ўзбекистон Каҳрамони Сайд Аҳмад, Ҳалиқ ёзувчилари Шуҳрат, Раҳмат Файзий, Ҳаким Назир, Асқац Мухтор, Ҳамид Фулом, Туроб Тўла, Шукрулло, Рамз Бобоҷон, Одия Ёқубов ва каминалар, ёш жиҳатидан кичик бўлсалар-да бу кунги адабиётимизнинг етук намояндалари, ўзбек адабиёти шону шавкатини яна ҳам баландга кўтараётган Ўзбекистон Каҳрамонла-

ри Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов ва Тўлепбергесн Қаипбергенов, Барот Бойқобил, ҳамда бошқа аиззларим ҳам Faфур Fуломнинг кўз қароғларирикни, бобо сифатида уларнинг ҳам пешонасидан ўтиб, оқ йўл тилаган эдилар.

Ёзувчилар уюшмаси кучли истеъод ядросига айланди, салмоқли асарлар дунёга келди. Устознинг “Шум бола”, “Ёдгор”, “Тирик мурда”, “Софиниш”, “Вақт”, “Кўкан”, “Сен етим эмассан”, “Самарқанд шेърлари”, “Йигитларга”, “Турксиф йўлларида” ва бошқа бадиий жиҳатдан фоятда стук асарлари халқимизга етди.

Адабиёт ва санъат — Ҳасан-Хусан, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ўзбек санъатининг буюк намояндалари Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов ҳақда, шунингдек, “Ҳалимаси ҳам Сораси бўлган санъатим, юрагимнинг бир пораси бўлган санъатим...” мисраларини айтган Faфур Fулом эди. Ўзбекнинг беназир раққосаси, Ер куррасида бормаган мамлакати қолмаган Мукаррамахоним Турғунбоева ҳам Faфур Fулом юрагининг “бир пораси” эди. Бу санъаткор ҳақида Жавоҳарлал Неру “Мирзо Бобур мамлакатимизга курол билан келди-ю, аслида унинг маданияти, салоҳиятини оширди. Мукаррамахоним ўз санъати билан бизни фатҳ этди...” дегани Faфур экани кучли ҳаяжонга солгани ҳамон ёдимиизда.

Faфур Fулом Садриддин Айний домла билан оға-ини эдилар, камина бу улуғ адид билан беш бор мулоқотда бўлган бўлсам, учрашувларга устоз Faфур Fулом сабабчи бўлган: Лоҳутий домла, Мирзо Турсунзода, Мирсаид Миршакар, Деҳотий, Жалол Икромий, Сотим Улугзода, Фотиҳ Ниёзий, Аширмат ва бошқалар билан ҳамкору қадрдонлигимиз икки улуғ устоз Айний ва Faфур Fулом туфайли эди. Озарбайжон шоири Самад Вурғун, турк шоири Нозим Ҳикмат, татар шоири Ҳоди Тоқтош устознинг қадрдошиари бўлган. Руснинг улкан қалам соҳиблари Николай Тихонов, Александр Фадеев, Владимир Луговский, Козловский, Семен Липкин, украин — Иван Ле, белорус — Якуб Колас, қозоқнинг Собит Муқонов, Мухтор Авезов, Габит Мусрепов, Абдилла Тожибаев, Сирбой Мавлоновлари, Faфур аканинг қадрдонлари, юқорида номларини санаганим адилар устознинг Бешёғочдаги кўркам ҳовлисида кўп бор бўлишган, унутилмас Муҳаррамхон Аямиз ўзбекона меҳмондўстликни фоятда ўрнига қўярдилар, саховатли бу хонадоннинг донги узоқ Лотин Америкаси ва Фарбдон то Экваторларгача етган десам, муболага

бўлмайди — Сингхлар, Сайфиддин Китчлу, Файз Аҳмад Файз, Мукержи, Атал ва бошқалар унинг шеърларини ўз тилларига таржима этганлар. Хитой шоири Эми Сяо, Го Мо Жо, Америка адиби Ленгстон Хьюз, Марк Твенning “Том Сойер-нинг бошидан кечиргандари” романни ўзбек тилига таржима этилган. Козимиининг “Кўрқинчли Техрон” романини ҳамFaфур ака таржима этганлар. Буюк Шекспир, Мольер, Лоне де Вега, Бомарше асарларини ўзбек тилига таржима этган. Форсийдан Абдулқосим Фирдавсий, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофиз, Бедил асарларидан таржима этган. Пабло Неруда, Анталь Гидиш билан таниш бўлган.

Фикри ожизимча, маданий тарихимизни “Авесто” давридан бошласак, Афросиёб, Сиёвуш даври, Кушон давлати деймиз, Хоразмий шоҳлар даври деймиз, ундан кейин Юсуф хос Ҳожиб, Яссавийлар даври деймиз, бу даврларни Faфур ака ғоятда яхши билар, бизларга дарс берардилар. Шу даврларни бир катта тўлқинга қиёс этман, Соҳибқирон Амир Темур даври ҳам бир катта тўлқин, бу давр жаҳонга “Зижи Кўрагоний”, “Темур тузуклари”, “Хамса”, “Бобурнома”ларни берган бўлса, учинчи тўлқин беш юз йилдан кейин келди, деб билганимча ўз фикримни айтмоқчи бўламан, янги адабиёт, янгича маънавиятни берди. Бу тўлқин кифтида, адабиётимизни кўзда туваётиман, ҳеч шубҳасиз, Faфур Фулом турарди.

Faфур Фулом донгдор, улуғ шоирлигидан қатъи назар энг яхши, энг меҳрибон ота бўлган инсони. Фарзанд тарбияси ҳам унинг иходи, илмий ишлари, қисқаси, унинг алломалиги билан баробар турди.

Олтину гавҳар зангла маслиги ва ҳеч қачон айнамаслиги билан ноёбdir. Беш фазилат устоз қалбини офтоб қилиб шу беш фазилат билан тепиб турарди: бу — Ватанга садоқат, ҳаётга қаноат, меҳнатда матонат, дўстлар аро адолат ва халқ иродасига шижаат. У буюклик аргумоғига минди, авлодлар қалбida абадий яшайди.



Рамз Бобожон
Ўзбекистон халқ шоири

ҒАФУР ФУЛОМ САБОҚЛАРИ

Қадим Шарқ ҳамиша баландпарвоз ташбиҳларни, мутой-баларни яхши кўрган. Мабодо, гап эл-юрт ҳақида кетса, уни мавжудотга таққослаган. Борди-ю, кимнингдир мардлиги, дов-юраклиги оғизга олинса, унга шербачча ёки арслон сифат берилиган. Агар бир ғазали тилдан-тилга, элдан-элга ўтиб, машхур бўлса, уни шоирлар шоҳи — малик уш-шуаро дейилган.

Устоз Ғафур Фулом ҳеч қандай юксак таърифга муҳтоҷ эмас. Энг муҳими, аввалимбор, у Инсон! Ҳалиқ фарзанди, унинг шахси ва ижоди ана шу инсоний фазилати билан ҳам-оҳангдир.

Эсласам, кўп юрдим, шаҳар ва қишлоқларда, водий ва во-ҳаларда бўлдим. Қаерга бормай, ўша ерда гап Ғафур Фуломдан бошланарди, пахтакор даласидами, чорвадор даврасида-ми, ишчи хонадонидами ёки зиёли дастурхонидами, барибир!

Дарҳақиқат, содда, пок, инсонийлик, ҳақгўйлик, доно-лик, жўшқин ҳиссиёт Ғафур Фулом қаламига куч-қудрат, сатрларига ўлмас илҳом баҳш этганки, у XX аср жаҳон шеърия-тининг устоз шоирларидан бири бўлиб танилди.

Шогирдсиз устоз бўлмаганидек, устозсиз шогирд ҳам йўқ! Менинг илк устозларимдан бири буюк Ғафур Фуломдир. Унинг буюклиги инсон қалбининг таржимонлигига, халқ дардини айта билганингида, ўз имонига содиқлигига, зукко-лигига, қаттиққўллигига, меҳрибонлигига, хулиаси қалом, ана шундай фазилатларни ўзида жамулжам этаолганлигига.

Шундай сағъаткорлар борки, уларнинг ижоди ўз миллий маданияти тарихининг ажралмас бир бўлагига айланиб қолган, ўзи яшаган муҳиттага шу қадар сингиб кетганки, мазкур маданиятини, катта бир бутун даврни уларсиз тасаввур этиш мумкин эмас, яъни осмонни юлдузсиз, Самарқандни Регис-тонсиз, юртимиз манзарасини қор босган чўққиларсиз та-саввур қилиш қийин бўлгандай...

Ғафур Фулом ўз шеърияти ва насрий асарлари билан биз-нинг тушунчамизга худди шу таҳлит кириб келди ва давримиз тарихи ҳамда миллий маданиятишимизнинг узвий ва ажралмас

қисмига айланди, янги миљий маданиятизмнинг меъморларидан бири бўлиб қолди. Алишер Навоий, Умар Хайём, Низомий, Фирдавсий ағъналари заминида тарбияланган, умумшарқ мумтоз адабиётидан баҳраманд бўлган Faфур Fулом ўзига хос, бетакрор, ажойиб шеърий олам яратди. Унинг шеърий оламини ёритувчи нур манбаи ҳаёт фалсафасидир.

Янги ҳаёт ҳимоячиси, унинг оташнафас куйчиси Faфур Fулом ўзбек дәҳони билан баробар шаклланди, пахта учун курашда, Катта Фарғона каналини бунёд этишда фаол қатнашиди, ўзбек жангчилари билан Иккинчи жаҳон уруши майдонларида бўлди...

Дарвоқе, Faфур Fулом инсоният қалбининг нафақат ёрқин тоғасини куйлаб ўтди! У ўзи ҳам чин инсон сифатида ўғди ва шаклланди. Бу унинг ижод иқлимида, ифода услубида, ўзбек шеъриятининг шакл-шамойилида, бадиий фикрлаш воситаларида ҳам ўз аксини топа билди. Бунда Faфур Fуломнинг Шарқ ва Farb адабиёти эришган муваффақиятлар билан мунгазам қизиқиб, кузатиб бориши диққатга сазовордир. У ўз ижодий заминида жаҳон классиклари бадиий маҳоратини ўрганди, Шекспирни севиб таржима қилди, Пушкин, Лермонтов сатрларини кўздан қочирмади, халқлар бирордаги ва толмас курашчиси сифатида Тўқай ва Чаренц тажрибаларини олиб кирди, тожик, грузин, қозоқ ва бошқирд адабиёти билан ўзбек адабиётини, шу билан бирга қардож халқларни ўзбек адабиёти хазинасидан баҳраманд этиш йўлида кўп заҳмат чекди.

Эсласам, Faфур Fулом адабий учрашувларда, дўстона гурнгларда ўзини Мирзо Абдулқодир Бедилнинг тўққизинчи невараси, деб атарди. Зоро, бу бир қараганда ҳазил-мутойибадай туюлса ҳам, аслида чин! Бу гапнинг тагида олам-жаҳон ҳақиқат ётади. Faфур Fулом зуваласига Бедил ҳамиртуруши, унинг қаламига Ҳазрати Навоий назари тушган десам, адашмайман.

Хофизи Шерозий бир кун мақтаниб,
Сурайё юлдуздан қўйганда нуқта,
Менинг Осиёли шеърим қонида
Улугбек юлдузи доим омухта.

Эсласам, бир кун собиқ Ҳамза театрининг эски биносида адабий кечада ўтказиладиган бўлди. Афиша ва таклифномалар тарқатилди. Бу шеъроилик оқшомида мен ҳам қатнашишим керак эди, ўша пайтларда ҳали 17—18 ёшларда эдим... Дадам

билан бирга бордим ва залнинг бир чеккасидаги иккита кресс-лога ёйма-ён ўтирик. Адабий оқшомга Faфур Fuлом раислик қилиарди. Бир неча шоир дўстларим ўз шеърларини ўқиб, халиқни мамнун этгаилигидан бўлса керак, қарсак садолари янграб турарди. Ниҳоят, рўйхат бўйича навбат менга келди шекилини, ҳурматли раис исмимни эълон қилгач, ён-верига бир қараб кўйди. Мен пастдан, дадамнинг ёнидан туриб, аста-секин минбарга чиқиб бордим ва янги шеърларимдан бирини ўқидим. Залда яна гулдурос қарсаклар янгради ва Faфур ака кутилмаган тарзда мени табриклади, ижод чўққиси сари оқ йўл тилади...

Эсласам, мен Иккингчи жаҳон урушидан аввал “Болалар ва ёшлар” нашриётида муҳаррир бўлиб ишлардим. Нашриёт ўша пайтда собиқ “Ленинград” ва Киров кўчалари муюлишидаги бинога жойлашган бўлиб, ёнбағрида босмахона ҳам бор эди. “Ёш куч” журнали ҳам шу ерда... Хуллас, ёзувчи, рассом ва бошқа бадиий адабиёт муҳлислари учун кулай... Бирор кўлёзма кўтариб келса, бирор янги чиққан китобини кўриб хурсанд бўлиб қайтарди. Бир хонада тўрт киши ўтирирдик: Зулфия опа, Маъруф Ҳаким, Шуҳрат ва камина... Бир кун Faфур ака болаларга аталган шеърларини бир тўплам килиб олиб келди-да, сўради:

— Нима қиласиз, китоб бору номи йўқ?

Зулфия опа қўлёзмани варақлади: “Нортожининг курактиши”, “Турсунали нега варракдан айниди”, “Яша, дейман, ўғлим”, “Аҳмад ёмон бола эмас, аммо...”

— Ҳар бир шеърингиз китобга ном бўлишга арзийди, айниқса, “Яша, дейман, ўғлим”, — деди Зулфия опа ийманиб, андиша билан...

— Тўғри, худди кўнглимдагини топдинг, лекин... — деди-ю, ўйланиб қолди Faфур ака... Кўп ўтмай, оғзининг таноби қочиб, бирдан, — топдим, топдим! — деб юборди.

Ҳаммамиз ҳайратда, сукут сақлаб, устозга тикилардик...

— “Мукофот”, — деди ўзи ўзидан мамнун, чехраси очик, — бу китоб мендан яхши болаларга мукофот!

— Ёмон болаларга-чи, — деб кулди Зулфия опа.

— Ёмон болаларга “танбех”... ўқиб-ўқиб, улар ҳам яхши бола бўлади!.. Қалам ҳаққисини берсаларинг ҳам олмайман, — деди-да, ҳазили қилиб, чиқиб кетди.

Эсласам, Faфур Fuлом шеърияти мен учун бир мактаб бўлди. Айниқса, “Оби ҳаёт”ни ёза бошлаганимда “Турксиб йўллари”ни маълум даражада давом эттираётгандай ўзимни ҳис қилдим. Чунки, аввал бошида асар қаҳрамони ва унинг тақдирни ҳикоя қилишни ўйладиму, лекин бу янгилик

эмаслигини пайқаб, дастлабки ниятимдан тез қайтдим. Достоннинг янги негизини чамалаб кўрарканман, асар конкрет шахс ҳақида эмас, давр ҳақида бўлиши кераклигини англадим ва шундай ҳам қилдим.

Бағри кенг, оташқалб шоир бир бутун қофозни узунасига икки буқлаб, араб алифбосида юрак қони билан ёзган “Сен етим эмассаи” шеърини машинқага ўзи сатрма-сатр ўқиб бериб турганида мен ёнма-ён бўлганман. Бу унтилмас хотира ҳали Чкалов номидаги авиазавод Тошкентга кўчиб келмасидан аввал, 1941 йил кузида, ҳозирги Усмон Юсупов қўчасидаги собиқ Полиграфия комбинатининг тўрттинчи қаватига жойлашган “Муштум” редакциясида юз берган. Ўша йишлири журналда Мумтоз Мұхамедов мастьул котиб, Фулом Faфур овум мұҳаррир эди. Faфур ака уларни ўзига яқин кўрарди, тез-тез бориб турарди. Ўрни келгандга шуни ҳам айтайки, бутун бошли машҳур “Шум бола” қиссаси “Муштум”да яралган ва эълон қилинган десам, нимаси ёлғон? Зотан, мен бирга борганман, бирга бўлганман. Faфур ака ёлғизликни ёмон кўрарди, бу сир эмас, ҳатто сафарга чиққанда ҳам кимнидир, яқин шогирдларидан бирини ўзи билан бирга олиб кетарди. “Шум бола”га келсак, ҳар гал журналинг янги сони олдидан маълум қиссани, машинистка қиз ёнига ўлтириб, бемалол бобма-боб ҳикоя қилиб туриб кетганига гувоҳ бўлганман. Боз устига, қўлида на қофоз, на қалам!..

60-йиллар... Кунлардан бир кун Қўқондан ўтиб, Бағдодга бордик. Қош қорайиб қолган эди, Faфур ака ҳар галгидай бозорга кириб кетди-да, дам ўтар-ўтмас кайфи чоғ чиқиб келди... “Ҳа, намунча хурсандсиз”, десам, “Э, бу ерда бозор жуда арzon экан, мезбон уйида тунаб қолсак ҳам бўлади”, деб кулди. Кейин билсам, Faфур ака нарх-навоининг баланд-пастлигига қараб, меҳмондорчилик маврудини белгилар экан, ё Олиоҳ!

Эсласам, ана шундай яхши кунларнинг яна бирида Ҳамиц Фулом, Сайд Аҳмад ва камини Faфур ака ҳовлисида учрашиб қолдик. Гапдан гап чиқиб, Сайд Аҳмад ош дамлашга киришиди, биз унга ёрдамчи... Устоз иккинчи қаватда, ўз кабинетида... бир вақт шоир Шукрулло бир қофоз папкани кўтариб келди, салом-аликдан кейин, маълум бўлишича, бу, янги китоб кўлёзмаси экан... шошиб-пишиб юқорига, Faфур ака олдига чиқиб кетди. Бир вақт кутилмаган ҳодиса юз берди, қарасак, иккигичи қават деразасидан бояги қўлёзма вараглари сочилиб, учиб тушаётibi, ичкаридан Faфур аканинг шахдам овози эштийди: “Мен буидай хом-хатала шеърларга сўз боши ёзмайман.”

Мен бу воқеани эслаб, 2001 йил 10 май куни устоз Faфур Fулом таваллудининг анъанавий хотира дастурхони атрофида Ҳамид Fулом, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Шукрулло, Бахтиёр Назаров, Иброҳим Faфуров, Ойдин Ҳожисва, Абдуқодир Ҳайитметов, Жуманиёз Жабборов, шунингдек, Faфур Fуломнинг фарзандлари ва бошқалар иштирокида айтиб бердим. Начора! Айтишга айтдиму, аммо кўллэзма олиб келган шоирнинг номини ошкор қилишга тилим бормасдан турган эди, ногаҳон Шукрулло “уша мен эдим”, деб юборди, даврада “тур” этиб, кулаги кўтарилиди. Сўнг кимдир бу ҳодисани яхшиликка, яъни Faфур Fулом сабогига йўйди...

Устоз Faфур Fулом ўзи ҳақида мана нима дейди: “Ҳаётим фаровон, баҳтим таъмилашган бир шоирман. Уйим обод, ўғил-қизларим ўқийди, мўйсафидликдан ташвишим йўқ, омонат кассада бўлган ақчамни айтмайман. Чунки, бу бизда сир сақланади. Қўшиллар билан тотувман — саломатман. Олти фарзанднинг отаси бўлдим. 76 китоб ёздим, асrimиз мазмунидаги алиомаманг”. Дарҳақиқат, шундай!

Faфур Fуломнинг сўнгти китоби “Сарҳисоб” деб аталған бўлса ҳам, сарҳисоб бу, сарҳад эмас!.. Минг афсус! Умрининг айни ёзида ижод бояни тарқ этди.

Дейдиларки, шоир зоти икки бор яшар эмиш,
У ўлса ҳам, шеърицаги эътибор яшар эмиш...

Демак, Faфур Fулом мустақиллигимиз маънавиятида барҳаёт, унишг ўлмас руҳи ҳалқ қалбидан ҳамиша тинч, тиник, осуда яшайди, қайроқи мисралари жўшқин янграйди:

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий,
Күёш-ку, фалақда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий!



Одил Ёкубов
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

БИЗНИНГ ФАФУР АҚА

“Faфур Fуломининг архиви ҳақида ёзиб юборинг”, деган ёқимли топшириқ оғзим.

Мен Faфур Fуломнинг бадиий меросини ўрганиш бўйича комиссия котиби, ёзувчи Ваҳоб Рўзиматовга қўнғироқ қилдим.

— Архив дейсизми? У ҳали тартибга солинмаган. Шундай бўлса ҳам келаверинг, уни-буни кўрса бўлади.

Мана, мен Тошкентнинг марказидаги бир вақтлар Бешёғоч деб аталган майдондаман. Шовқин-суронли майдоннинг бир четида соя-салқин ариқ бўйида қад кўтарган икки қаватли таниш уй, унинг эшигидаги мармар тахтага: “Бу ерда Ўзбекистон халқ шоири Faфур Fулом яшаб, ижод этган”, деган сўзлар ёзилган.

Яшаб, ижод этган. Доимо қувноқ, ҳазилкаш Faфур ака шу уй остонасида қучоқ очиб меҳмоишлини кутиб олаётган чоғлари яқингиналарда эмасмиди?

Эшикдан боққа киарканман, эллик саккизийчи йилиниг сарин кузи ёдимга тушди. Ўша йили Тошкеңтда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ининг конференцияси бўлган эди. Эсимда, ўша кунлари Faфур аканинг бори ўзига яраша адабий гўшага айланганди.

Ҳар оқшом боғдаги олчалар тагига турли мамлакатлар — Ҳинҷистон ва Покистон, Жазоир ва Афғонистон, Ироқ ва Бирма шоирлари тўпланишарди.

Кейин шоир ишлашни хуш кўрадиган сокин ва шинам залда косагулийка сайланган Расул Ҳамзатов алёр айтишда Ираклий Абашидзе билан беллашганди, Мирзо Турсунзода Faфур Fуломга ўзининг янги шеърларини ўқиб берган. Faфур Fулом эса унга тожик тилида жавоб қайтарганди. Faфур ака ана шундай оқшомларни жуда хуш кўрарди. Баланд бўйли, кенг елкали, дўпинисини пешонасига бостириб оладиган Faфур ака шундай давраларда қувноқ ҳикоячига, бадиҳагўй шоирга, ўткир пародиячига айланниб кетарди. У одамларни

“қизиқтириш”ни ўрнига қўяр, илҳомини келтирас, бадиҳага эҳтиросини қўзғатар, мушоирага чақиради.

Ўзбек поэзиясининг оқсоқолларидан бири, Шарқининг улкан олими ва доно кишиси Faфур Fулом ана шундайлигича қалбимизда қолган. У ёшлигида қандай эди? Қандай ишларди?

Бизни шоирнинг рафиқаси, кўзларидан оғир мусибатда эканлиги сезилиб турган Муҳаррам она қарши олди. У бизни шоир ҳаётлигига қандай бўлса, шундайлигича турган таниш залга бошлаб, китоб шкафлари калитларини узатди. Бирингчи дуч келган папкани олдик. Эски расмлар. Улардан бирида сочи устарада олинган, узун оқ сурп кўйлак ва иштон кийган ўттизистча бола.

Муҳаррам она расмдаги ориққина болага ишора қилди:

— Мана шу Faфур акантис. Йигирма биринчи йил. Faфур акантис у пайтларда болалар уйида тарбиячи бўлиб ишларди, етимларни, боқимсиз болаларни йигарди...

Кўпчилик тушган яна бир расм. Faфур Fулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Уйғу... Уларнинг бари ёш, шўх. Бу уларнинг кулиб турган кўзларидан ҳам кўриниб турибди.

— Бу ўттиз биринчи йил бўлса керак. Манави Поль Вайян Кутюрьенинг улар ҳақицаги очерки.

Ваҳоб Рўзиматов олдимга “Оғонёк” журналининг 1931 йилда чиқсан титилиб кетган сонини ташлади. Ажойиб француз ёзувчинининг очерки “Тошкентда шоирлар оқшоми” деб номланганди.

“Бизни, қирқ кишидан иборат меҳмонларни ёзувчилар номидан Faфур Fулом кутиб олди, ёнида хотини ва Ишак деган катта қизи ҳам бор.

Faфур Fулом йигирма бешга кирган. У ажойиб очеркист ва новеллист, унинг “Ўн уч новелла”си яқинда Москвада рус тилида чиқади. У Маяковский, Д. Бедний ва Бехер асарларини ўзбек тилига таржима қилган... Бутун унинг атрофига туркманлар, ўзбеклар, Қирғизлар, қозоқлар, тоҷиклар, руслар ва татарлар — барча ёшлар тўпландилар. Бизни ҳаммасидан ҳам мана шу ёш ёзувчиларнинг халқаро адабиёт соҳасидаги нарсаларни яхши билишлари ҳайратда қолдирди”.

Мана, “Қизил Ўзбекистон” газетасининг бутун бир саҳифаси. Унга бугунги кундаги ўқувчига чучмал ва ғалати туюладиган “Қозоқ чўлинининг икки гўзал кокили” деб сарлавҳа кўйилган. Бу газетанинг маҳсус мухбири Faфур Fу-

лом ва журналист Комил Алиевнинг ўтизинчи йилларнинг бошидаги энг йирик қурилиш бўлган Турксиддан юборган катта репортажидир. Мен Турксид қишилари ҳақидаги ҳаяжонли сатрларни ўқирканман, беихтиёр шуларни кўз ўнгимга келтираман: тун, Қозогистоннинг бепоён чўлларида биригичи поезд учиб бормоқда. Дераза ёнидаFaфур Фулом ўтирибди. У қоронгилик қўйнидаги сокин чўлга тикилади, вагон фиддиракларининг бир маромда тақиллашидан унинг қалбида “Турксид йўлларида” шеърининг қўйма сатрлари туғилмоқда.

Манавилар — илмий мақолаларнинг муаллиф тузатишлар киритган оттискалари: Пушкин, Лермонтов, Саъдий, Бажан, Леонидзес асарларидан қилинган таржималарнинг кўллэзмалари, Ўзбекистон ёзувчиларининг 1939 йилда бўлган съездидаги ўзбек фольклори ҳақида қилинган маъруза; Навоий, Низомий, Фузулий асарларининг текстологик тадқиқотлари; Церетели, Абай, Руставели асарларининг таржималари. Булар шоир мамлакатимиз халқларининг адабиётларини бир-бирига яқинлаштириш борасида кўп ишлар қилганини, унинг ижодий диапазони нақадар кеңг эканлигини кўрсатади.

Алоҳида папканинг устига “Шум бола” деб ёзиб қўйиланди. Тўхтанг! Мен бу кўллэzmани қўлга тутиш, унинг ҳаммаёғи чапланиб ташланган саҳифаларини варақлашдан ўзимни тиёлмайман. Умидсизлик нималигини билмайдиган Шум бола ҳақидаги бу ўткир қиссани ўқиганингизда ёшлигингдаги кўп қизиқ хотиралар ёдга тушади. Курашчан оптимист ва ўткир ҳазилкаш, барча эшон, мулла ва уларнинг тантиқ хотинларининг аёвсиз душмани бўлган Шум бола бизнинг севимли қаҳрамонимиз эди.

Мен папкани афсус билан жойига қўйиб, бошқасини оламан. Бир даста тартибга солинмаган хатлар. Улар орасида Айний, Лохутий, Павленконинг хатлари... “Мен Сизнинг фольклор ҳақидаги докладингизни олишни истар эдим, уни “Дружба народов”да чиқармоқчиман... Сиз бизни Ўзбекистон, Қозогистон ва Туркманистон шоирлари билан боғлаган бўлур эдингиз. Сизнинг ёрдамингизда биз ана шу республикалар шоирларининг асарларини синчиклаб танлаган бўлардик... Маслаҳатингиз билан кўмаклашинг”.

Павленконинг хати қачон ёзилгани кўрсатилемаган, бироқ унинг 1939 йилда, Катта Фарғона канали қурилишига қилинган сафардан сўнг ёзилганилиги кўриниб турибди.

Уруш! Уруш бошланганда шоир Фарғонада эди. Бироқ орадан бир неча кун ўтгач, газетада унинг энг яхши шеърларидан бири бўлган “Кузатиш” босилди.

Faфур аканинг архивида ўша йилларда олинган кўп расмлар бор. Мана, унинг Погодин, Луговской, Якуб Коласлар билан тушган сурати. 1941 йилнинг оғир қишида москвалик ёзувчиларининг катта бир гуруҳи Тошкентга келган эди.

— Улар Тошкентда бўлган кунларида бизницида тез-тез тўпланиб туришарди, — дейди Мұхаррам опа. — Кўмиrimиз йўқ эди. Меҳмонлар танчада ўтиришарди. Жимгина радио тинглашарди-да, кейин анчагача фронтдаги аҳволни муҳокама қилишарди, гоҳо бир-бирларига мақола, шеърларини ўқиб беришарди, сўнгра хоналарга кириб ёзишарди. Faфур aka ҳам ўз кабинетига кириб оларди. У эрталабгача ишларди, кейин кўзи илинар-илинмас турарди-да, ёзганларини редакцияга олиб кетарди...

“Халқ отланди”, “Мен яхдийман”, “Қиш”, “Сен етим эмассан” шу тариқа ёзилган... Айтмоқчи, “Сен етим эмассан” шеъри, Faфур aka бизга кейинчалик ҳикоя қилиб берисича, эвакуация қилинган болаларни кутиб олгани чиққанида Тошкент вокзалининг перронида ёзилган экан.

Мен ҳар бир ўзига хос бўлган ҳужжатларни бир-бир кўздан кечираман, шоирнинг расмларига тикиламан — у окондаги солдатларга шеър ўқимоқда, унинг госпиталга борганилиги, фашистларнинг ваҳшийликларига норозилик билдириб сўзлаган нутқи ҳақидаги қисқа хабарларни ўқирканман, унинг уруш йилларидағи шеърларининг зўр эҳтироси, уларнинг жўшқин публицистик руҳи — шоир ижодининг ўша йиллардаги юксак парвози сирларини мана шулардан излаш керак, деб ўйтайман. Халқнинг улкан алами ва ғалабага буюк ишончи билан сугорилган бу шеърлар кейинчалик “Мен Шарқдан бораётиман”, деган мўъжазгина китобидан жой олди. Бу китоб Давлат мукофоти лауреати дипломи, дўстларнинг табрик телеграммалари билан ёнма-ён турибди.

Манави... Ҳа, олам кучоқقا сифмайди, деганлари тўғри экан! Мен буни учинчи куни кучқурун, Ваҳоб Рўзиматов олдимга шоирнинг ҳеч кимга маълум бўлмаган қўлёзмаларини қўйганида тушундим. Бу ҳазил шеърлар ва интим лирика (Faфур aka интим лирика ёзмаган, деб ким айтган эди?), ҳеч қаерда босилмаган пьеса (бу “Шарқ юлдузи”нинг 1967 йил-

ги 1-сонида чиқди), Машраб ва Фурқат ҳақидаги мақолалар, Шош — (Тошкент қадимги даврларда шундай деб аталарди) шаҳри тарихи ҳақидаги ажойиб, бироқ, афсуски, тугалланмаган мақола эди.

Шоир сермазмун, жўшқин ва ажойиб ҳаёт кечирди! Унинг босиб ўтган йўлини фикран кўздан кечиравканман, илҳом ва ҳаёт қанчалик чамбарчас эканлигини, асрга ҳамқадам бўлган, ўз ҳалқининг, Ватанининг шодлик ва мусибатини баҳам кўрган кишининг ижодий парвози нақадар юксак бўла-жагини ўйладим.



Гафур Ғулом менинг жонажон дўстим ва устозимдир: у қанчалик ўзбекники бўлса, шунчалик тоғсик ҳалқининг ҳам, бошқа қардошлиаримизнинг ҳам улкан шоиридир.

Mирзо Турсунзода

Эркин Воҳидов
Ўзбекистон ҳалқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони

ФАФУР ФУЛОМ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

1953 йил. Островский иомидаги Ёшлар саройига Faфур Fулом келармиш, деган хабар тарқалди. Шоирнинг эллик ёшлик юбилейни нишонланиш арафасида эди. Ҳаммада кўтариини кайфият. Айниқса, биз — адабиёт тўгараги қатнашчиларининг қувончимиз ичимиизга сифмайди.

Ёз ойлари эди. Сарой дарвозаси олдида “Победа” машинаси тўхтади. Ундан оқ жужунча китель кийган Faфур Fулом тушиб келди. Кутиб олувчилар билан кўришиб, айниқса, бизнинг тўгарак раҳбаримиз шоир Fайратий билан алоҳида илиқ сўрашиб ичкарига юрди. Йўл-йўлакай атоқли шоир қизиқ гаплар билан ҳаммани кулдириб борар эди.

Саройнинг очиқ саҳнасида учрашув бўлди. Faфур Fулом шеърлар ўқиди. У бир шеърини мана шундай тугатгани эсимда: “Бу шеърни айтди сизга бобонгиз Faфур Fулом”.

Мана, йиллар ўтиб, ўйлайман: Замон ёш тушунгчасини ўзгартириб юборибди. Faфур Fулом мансуб бўлған авлюд ўз бошидан кўп мушкул даврларни, курашларни, уқубатларни кечирган, элликда улуғ ёш нуқси уриб қолган эди. Уларнинг олтмиш ёши росмана кексалик бўлган. Бу менинг ўсмирилик тасаввурим эмас. Тасаввурим алдаса ҳам, сувратлар айдамайди. Ойбек, Faфур Fулом, Абдулла Каҳдор, Миртемир, Шайхзодаларни ижод машаққатларидан кўра ҳам муҳитнинг қарама-қаршиликлари, низолар, ноҳақ айблашлар, руҳий изтироблар қаритиб қўйган, деб ўйлайман.

“ШУМ БОЛА”НИНГ ёЗИЛИШИ

1961 йил. Мен “Ёш гвардия” нашриётида янги иш бошлаган пайтим. Нашриёт режасида Faфур Fуломнинг “Шум бола” асарини қайта нашр қилиш мўлжалланган эди. Директор Сотиболди Йўлдошевнинг топшириғи билан мен Faфур Fуломнинг уйига бордим. Вазифа — қайта нашр хусусида муаллифнинг фикрини билиш, бу асар давомини ёзиш нияти борми — шуни аниқлаб келиш эди. Шоирнинг машхур

Арнапоядаги ҳовлисига биринчи марта ҳаяжон титроғида қадам қўйдим. Ҳовли ўртасида йўғон кунгура оёқли катта-кон стол, стол устида каттакон темир қопқоқли сиёҳдон, ёнида курбақа пероли ручка туарди. Баҳор ойлари, дараҳтлар гуллаған пайт. Мен стол ёнида кутиб турдим. Ичкаридан елка-сига тўн ташлаган, дўпни кийган шоир чиқиб келди. Салом бериб, кимлигимни, нима мақсадда келганимни айтдим. Чамаси, ҳаяжонда фикримни аниқ, лўнда қилиб баён этолмадим шекишли,Faфур Фуломнинг менга айтган биринчи гапи шу бўлди:

— Нашриётда сендан каттароги йўқмиди?..

Мен нима деб жавоб беришимни билмай, қўйнимдан ҳар эҳтимолга қарши ёздириб олганим нашриёт шартномасини шоирга узатдим. Расмий ваколатим борлигини билдириб қўймоқчи бўлдим, шекишли.

— Қайта нашрга рози бўлсангиз, шу ҳужжатга кўл қўйиб берар экансиз, — дедим.

— Буни чўнтағингта солиб қўй. Каттангта бориб айт, мен “Шум бола”ни қайтадан ёзаман. Шоаҳмад Шораҳмедов билан ҳам шартнома тузсин. У менга ёрдам беради.

Шу иш баҳона бўлиб, Faфур Фуломнинг уйига тез-тез борадиган бўлдим. Устоз “Шум бола”нинг янги варинатини Шоаҳмад Шораҳмедовга айтиб турар, у киши арабча хат билан ёзиб олар эди. Менинг вазифам тайёр қисмларни олиб кетиб оққа кўчириш, нашрга тайёрлаш эди. Бир куни келганимда шоирнинг газета буюртмаси билан шеър ёзётгани устидан чиқдим. Ўша катта стол атрофида Шоислом Шомуҳамедов, Юсуфjon Ҳамдам ва мен танимайдиган яна уч-тўрт одам гурунглашиб ўтиришар, шоир суҳбатга қўшилиб, тутилмаган гаглар билан ҳаммани кулдириб, шунинг орасида шеър ёзар эди. Бундай ижод усули ўша вақтда қандай хаёлимга сифмаган бўлса, ҳозир ҳам ҳеч тасаввур қилолмайман. Шеър, ахир, танҳоликда, фикру туйғуларни жамлаш, катта бир ички тўлқиндан туғилади-ку. Faфур aka бўлса ҳангама қилиб ўтирган жойида шеър ёзар эди. Ҳар банд битганида ҳамсуҳбатларига ўқиб берар, уларни қойил қолдириб, ўзи ҳам мақтаниб қўярди:

— Шеърни Faфур Фулом ёзсину ўликни ҳиндуда ювсин.

Шеър ёз тўғрисида эди. Меваларни таърифлаб туриб, “эниди гиолосга ҳам бир нима деб қўяйлик”, “тут ҳам хафа бўлмасин” қабилида ҳазил сўзлар аралаш ўша каттакон сиёҳдонга ручкани ботириб, ўнгдан чапга қаратиб қўйма сатрларни қоғозга туширади. Шеър охирлаб қолди.

Мис баркаш қайилгудек
устидаги юқидан
Юмалоқ бол мисоли
ҳар битта қантак ўрик.

Шу сўзларни ёзиб шоир ўтирганиларга мурожаат қилди: “Қани ўрик сўзига нимани қоғия қиласми?” Бирор “кўрик” деди, бирор “етук” деди... Faafur Fulom: “Шошмашлар, тилимизда “югурик” деган сўз бор-а. Ҳозир шуни боғлаймиз”, деб ручкани кўлга олди. Бир дақиқа ўйланаб турди. Мен бор хаёл кучимни, ёш фантазиямни ишга солиб, ёз мевалари търифланиб турган шеърга “югурик” деган сўзнинг боғланишини тасаввур қијолмадим. Шоир бу вақт ичидаги тўртлик-нинг иккинчи бағдани тутатиб ўқий бошлади:

Күёшда шакарзарра
ялтирайди тукидан,
Пишиқчилик кунлари
хаёл каби югурик.

Қойил, демай илож йўқ.

Шеър битди. Уни русча алифбога кўчириб ёзишни устоз менга буюрди. Шундай қилиб, 1961 йил июнда яратилган “Ёз боши” шеърини мен оққа кўчирганман.

“Шум бола”нинг дунёга келиши ҳам асосан шу усулда бўлган. Шоир ўзининг ёшлик ўртоғи Шоаҳмад ака билан турли ҳангамаларни айтишиб, ўтган воқеалариги эслаб ўтириб, бу ўлмас асарнинг бобларини ёд ёздирар эди.

ДУШАНБЕ САФАРИ

1966 йил, апрель. Тоҷикистон ёзувчиларининг съездига Faafur Fulomга ҳамроҳ бўлиб Шоислом Шомуҳамедов ва мен борадиган бўлдик. Бу мен учун катта воқеа, улуғ устознинг билдириган ишончи ва меҳри белгиси эди. Тоҷикистонда беш кун Faafur Fulomнинг ажойиб сұхбатларидан баҳраманд бўлдим. Адабиётимизнинг улкан вакиилари орасида устоз ҳамманинг диққат марказида, сұхбатларнинг жони бўлиб юрди. Классиклардан форсий ва туркий тилларда ёд билган байтлари, латифалари, тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳикоя ва ҳангамалар сира тугамас эди. Москвалик рус ёзувчиларидан бири: “Faafur туганмас хазина, афсуски, у гагларни қоғозга туширмайди-да. Дунёни ҳайратга соладиган гаглар-ку, бу”, дегани эсимда.

Дарҳақиқат, Faфур Fулом кўнглидаги гапларнинг ҳаммасини қоғозга туширмай кетган шоирлардан. Аввало, у нисбатан қисқа умр кўрди. Сўнгра, шоир яшаган давр адабиёт ва санъатда мадҳиябозлик, таитанаворлик, ҳәётнинг кўпроқ ёруғ томонларини куйлаш, ҳатто уни бўяб кўрсатиш ҳукмрон тенденция бўлган пайт эди. Шоирнинг юраги дардли бўлганига ҳеч шубҳа йўқ. Бу дард унинг кўзлари тубида ётарди. Мен бу дардни кузатганиман. “Софиниш”, “Она қизим Жамилаг” сингари изтироб тўла шеъриарида ҳис қилганиман. Аммо тақрорланмас истеъодод шуъласи кўпроқ байрам қасидаларига, таитанали шеърий мактубларга тўкилди. Faфур Fулом дард, изтироб туйғуларини ҳам ёзган шоирларнинг бошига тушган фалокатларни ўз кўзи билан кўрган адиб эди. Шунинг учун ёшларини ҳам бу хил шеърлар битищдан қайтаришга уринарди. Азбаройи уларни эҳтиёт қилиш, найзабозлардан сақлаш учун ҳам шундай қиласр эди. 1963 йилда устоз Гулчехрахон билан менинг никоҳ тўйимда қатнашиб, сўз айтган. Тўйдан қайта туриб, менинг қулоғимга: “Мана йиғлаб-сиқтаб хотилик ҳам бўлиб олдинг, эйди “ўлдим-куйдим” деган шеърларни ёзмассан”, деган эди. Бу гап ўша кезларда менинг баъзи шеърларим мажлисларда, матбуотда йиғлоқи, тушкун руҳда ёзилган, деб танқид қилиниб турганига ишора эди.

Шундай қилиб, Тожикистон ёзувчиларининг съезди бошланди ва биринчи куни Faфур Fуломга сўз берилди. Залда гулдурос қарсақлар турди. Шоир минбарга кўтарилиганда, пастан: “Устод, тожикча гапириш!”, “Ба даврий, ба форсий!” — деган овозлар эшитилди. Faфур Fулом, мальумки, тожик билан тожикча, қозоқ билан қозоқча, туркман билан туркманча, озарбайжон билан озарбайжон тилида равон сўзлашар эди. Бу гал шоир минбардан шундай сўзлар айтди:

— Мен тожик тилида гапирсан бўлади. Лекин минбарда бугун ўзбек биродарларингизнинг овози таралсин учун ўзбекча гапираман.

Залда яна қарсақлар янгради. Устоз зални гоҳ ўйга чўмдириб, гоҳ ҳайратлантириб, гоҳ кулдириб, ўтмишнинг буюк алломаларидан ҳикматлар келтириб, ўзбек тилида ажойиб нутқ сўзлади.

Душанбеда ҳам шоирнинг муҳлислари кўп экан. Зиёфатдан бўшамадик. Бизни меҳмон қилганилар орасида ғақат олимлар, адиблар эмас, оддий косиблар, врачлар,

ўқитувчилар бор эди. Faфур ака тақлиф қилғанларнинг сўзини қайтармас, гоҳ нонушта, гоҳ тушлик, гоҳ кечки ўлтиришларга бизни бошлаб борар, у қадам қўйган хонадонда байрам бўлар эди.

Душанбедан қрайтишда самолётда ёнма-ён ўтиридик. Мен Faфур акадан: “Самолётда ўзингизни қандай ҳис қиласиз?” — деб сўрадим. Устоз ҳазил билан: “Самолётнинг бирор михи ўзини қандай ҳис қилса, мен ҳам шундай”, — деб жавоб берди. Йўл-йўлакай у адабиётга кириб келаётган ёшлар ҳақида сўраб, менга йўл-йўриқлар, маслаҳатлар бериб келди. Гап охирида: “Насиҳат қилавериб жонингга тегдим-а. Бир маҳал Чўлпон менга ҳам шунаقا узоқ насиҳат қилган эди”, деб унинг антиқа насиҳатини ҳикоя қилиб берди. Умуман, Faфур аканинг тили ботир, ҳатто катта амалдорлар олдида ҳам қалтис латифаларни айта берар эди. Тожикистон раҳбарлари ўтирган даврда шоир Завқийнинг бир закотчи бойни қаттиқ ҳажв қилиб ёзган фазалини ўқиб бериб, ҳаммани роса қулдирган эди.

Биз Душанбедан Тошкентта қайтган кун 1966 йилнинг 25 апрелига тўғри келди. 26 апрелда тонготарда эса Тошкентда даҳшатли зилзила юз берди. Оша шахрининг замини каби шоирнинг юраги ҳам дарз кетди. Ўша йили Faфур Fулом умрининг сўнгти йили эди.

ИККИ ОФИЗ ҚЎШИМЧА

Устоз Faфур Fулом ҳақидаги хотираларим ёзилганидан бўён кўп йиллар ўғди. Бу вақт ичida ҳаётимизда талай ҳодисалар содир бўлди. Ўзбекистон мустақил Ватан бўлиб қаддини ростлади.

Агар Faфур Fулом шу кунларда тирик бўлганда қандай туйгуларни кўнгилдан кечирарди, қандай шеърлар ёзарди? Бу савол менинг хаёлимни кўп банд этади. Ўзимча жавоб қидираман. Ўйлайманки, Ватан истиқолидан биринчи қувонган, ҳаяжонли шеърлар билан қутлаган шоир Faфур Fулом бўларди. Чунки замондошларимиз ичida ҳеч ким Faфур Fуломчалик ўзбек ҳалқини севиб улуғламаган, у қадар ўзбекона тафаккур қилиб, ўзбекона шеърлар битмаган.

Faфур Fулом тирик бўлганда она юртимиз тиғилигини, ҳаловатини асраб турган Президентимиз сиёсатини улуғлаб, дуолар қилиб сўзлаган бўларди.

Faafur Fulom tiirk bülgannda, ýziga xos samimiyat bilan umriining zoe ýtgan onlariidan afsusulardan chekiib, ҳозирги ёшларга насиҳат сўзлари aйтган бўларди.

Ҳар қандай жамиятнинг шоирга эҳтиёжи бор. Шоир — анжуманлар гули, чаманлар булбули, замоннинг уриб турган юрагидир. Шоир — ҳақиқатнинг жарчи карнайи, адолатнинг кескин қиличи, муҳитнинг ҳаво тозаловчи момакалдир.



Йирик шоирларнинг ҳаёти ва ижодини улугвор дарё билан қиёслаш мумкин. У даврлардан ўтиб оқиб боради, халқнинг маънавий ташналигини қондиради, ўзининг донишмандлигини унга сингдиради ва шу сабабдан ҳам долзарблиги ва қудратини сақлаб қолади. Менимча, Faafur Fulom худди шундай шоирлардандир.

Шароф Рашидов

Ваҳоб Рўзиматов
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими

БОҚИЙ УМР

Янги адабиётнинг асосчиларидан бири, улуг шоир, олим, жамоат арбоби Faфур Fулом ҳақида сўзлаш ҳаяжонли, масъулиятли, фахрли. Унинг сиймосида чинакам инсонга мансуб фазилатларнинг барчаси мужассам эди...

1965 йил 10 май. Барвактрок туриб Бешёғочга келсан, Faфур акам ҳовлида гуллар, токлар, бошқа мева дараҳтларини кўздан кечириб юрган экан... Катта гилюснинг тагидаги сўрида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Ҳовли жимжит. Бир пайт ҳовли саҳнида донлаб юрган мусиҷаларининг патир-путури эшитилиб қолди.

— Ҳа, айтмоқчи, — деди Faфур ака, — Абдураҳмон Жомий күшларнинг қандай кўпайнини билмас экан. Куш кўзидан мода куш кўзига ёш томчиласа — урчийверади, деб юраркан. — Faфур ака Навоийнинг устози Жомийга бағишлиланган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асаридаги шунга тегишли воқеани сўзлаб берди: — Хуллас, ошиқ-маъшуқ товусларни кўрган Жомий Навоийга савол назари билан қараган экан, у сиюлик билан: “Кўз ёшлари...” деб жавоб берибди. Бошқа ғап айтмабди. — Кейин Faфур ака ғойибдаги кимгadir уқтиргандек вазминлик билан қўшиб қўйди: — Устозга беодоблик қилиб бўлармиди!

Юрагим шиф этиб кетди. Faфур ака бу сўзларни бевосита менга қаратиб ёки бошқа катта-кичик шогирдларидан биронтасини кўзда тутиб айтган бўлса-да, мен ичдан қаттиқ ўқиндим. Нега деганда шу муборак хонадонга ўттиз йилча муқаддам ҳаяжон билан кириб келган бўлсан, Faфур аканинг нуроний сиймоси, унинг ҳар бир сатри мен учун ардоқли бўлса-да, мен ҳам, мен тенги баъзи шогирдлари ҳам, бизни ўзига яқин кўриб, шунга яраша муомалада бўлишидан “таттайиб, тегажақлиқ қылганимиз, ақл ўргаттанмиз”. Қисқаси, бу қолган умрим учун ибратли сабоқ бўлди.

— Мен сизни туғилган кунингиз билан кутлагани келган эдим-да! — дедим аста. Чунки боятдан бери қутлаш учун ҳеч кулай пайт келмаётган эди. — Баҳтимизга узоқ йиллар омон бўлинг.

— Раҳмат. Бирга-бирга! — Нюансларгами, товланишларгами бой гап оҳангида сўзини давом эттириди. — Нариги дунёга борганимда дадамга: “Мирзо Ғулом, — дейман, — сен қирқ икки ёшда ўлган эдинг, мана мен саксон тўртга кирдим, — дейман. — Шу сабабли мен сендан каттаман. Қизларингни яхши-яхши одамларга узатганман. Учаласи ҳам пийри бадавлат. Аканг қарагай бўлса-ку, катта шоирман, академикман. Ҳамма невара-чевараларинг париваши билан фан докторларию фан қаъидатлари бўлишган! — дейман гуурланиб. — Бизнинг бунчалик баҳт-саодатга мушарраф бўлишимиз ҳазил гапми! Ахир, отам билан онамдан афто-даҳол етимчалар бўлиб қолган эдик. Энди ўлиш йўқ. Бизда ўрга ёш етмиш-етмиш беш ҳисобланади”

Faфур aka шу сўзни таъкидлаб айтгани эди. Ўрта ҳисобда етмиш бешга тўғри келадиган умропи шоиримиз маъсум болаларга хос соддадилиги билан бир юз эллик ёшнинг ўргаси, деб ҳисобларди шекишли-да. Ахир, Кавказ томонда щунча ёшга борган Шерали Муслимовдек одамлар озмунчамиди! Хуллас, “Афанди ўлмайдиган бўлди” ҳикоясининг муалифи ҳётни қаттиқ севарди.

Етимликнинг машаққатларини, ўқчиликнинг азиятларини бошидан кечирган кишининг қалбида яшаш иштиёқи шу қадар кучли бўлади-да.

Устоз адабнинг “Тошкент оқшоми” газетасининг чиқишига атаб ва уни кутлаб 1966 йил 22 июнь куни ёзган, газетанинг 1 июнь сонида эълон қилинган миниатюра-очеркида ҳам унинг ўша орзу-умиди барқ уриб турибди: “...Тошкентимиз оқшомини томоша қила келган киши сиҳат-саломатлик билан, ҳасса ушламай жуда узоқ яшайверади. Саксон тўртга кирганда ўзи яшаб ўтказган минг ойлик умрига атаб тўй қилиб беради. Ҳовли саҳнига йигирма иккита патир сигадиган катта тандир курилади. Колхоздан етти арава ғўзапоя сўраб олинади. Етти пуд гурунч кетадиган катта даҳсараки дошқозон ўрнатилади... Уз тенгқурлари, маҳалла-кўйи, гузар, қарицишош-уруглар чақирилиб, юртга ош берилади. Азонгача тарақа базм, даврада — Тамарахоним, Юнусвой “Қаро кўзим”ни чўзиб туради. Биронганинг бурни қонаса — мен жавобгар”.

Бу умрининг кутлуғ кузини қаршилаётган пийри бадавлат, баҳтиёр кекса куйчининг дил изҳори. Озод, обод юртда орзу-армонлари ушалган нуроний отахон шодлигини эл-юрт билан баҳам кўришни истайди.

Ана шу тўйда куриладиган етти пудли катта даҳсараки дошқозон ҳақида ўқирканман, яна бир қозонни хотирлай-

ман. Бу адид таржимаи ҳолининг болалик йилларидағи ҳикоясида шоирнинг бувиси “ўғригина бола”га айтган шу сўзлари қандай ажойиб маъно касб этади: “Вой ўлай, кутлуғ уйдан куруқ кетсанми, болам! Бир нима олиб кет. Тўхта, нима олиб кетсанг экан, ҳа, дарвоҷе, ошхонада битта ярим пудлик қозон бор. Алиазамонлар уйимизда одамлар кўп эди, катта қозонда ош ичардик. Худонинг ғашига тегдик шекилини, шулидоқ катта, гуркираган хонадондан мана шу тўрттагина етим қолиб турибди. Эҳ-ҳа, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... Шуни олиб кета қол...” Рокия буви бу сўзларни 1917 йилнинг кўкламида айтган экан. Қозон қайнатишдан умидини узаётган онахониниг невараси бугун етти пуд гуруч дамлаби, юртга ош бериш ҳаракатида.

Мен яна бир муқояса келтиришни истардим.

Ўша, “Менинг ўғригина болам” ҳикоясида эслатијган Одилхўжабой деб аталган каттакон пудратчи бой етим Фафурни камситмоқчи бўлиб, истеҳзо билан: “Ҳа, Мирза Фуломнинг ўели, жуда ҳам тутдек тўқилиб қолибсан-ку!” деса, “Ўзингиз-чи! Одилхўжабойлик савлатингиздан асар ҳам қолмабди-ку!” дейди ёш Фулом ҳозиржавоблик билан. “Сен тирмизак катта одам бўласан!” деган экан бой, бўлажак шоир ва олимнинг ақл-заковатига қойил қолиб.

Адид таржимаи ҳолида қиёс қўлгулик бундай мўъжизавор далилларни кўплаб учратамиз. Маълумки, “Шум бола” қиссаси бош қаҳрамони хатти-ҳаракатига боғлиқ аксар воқеалар авторнинг болалик даври далилларини эслатади. Қиссанинг илк варианти бош қаҳрамон тимсолида ёш Faфурнинг машаққат билан топган сўнгти пулига китоб сотиб олиши билан хотималанаарди. “Маъюслик билан кетиб борар эдим, сахҳофликдаги бир китоб дўконининг олдида ёш муллабаччаларнинг тўпланиб қолганлиги менинг дикқатимни тортди. Муллабаччалар талашиб-тортишиб янгигина босмадан чиқкан, ҳали бўёқларининг ҳиди кетмаган бир қалингина китобни олмоқда эдилар...

— Сахҳоф почча, менга ҳам биттасини беринг. Ирим қилиб олиб кўйяй.

— Баракалла, — деди мўйсафида сахҳоф. — ...Етти таига бир мири бер-чи... Шу китобдан олиб кўй, пешонангда юлдуз кўриб турибман.

Жарақлатиб санаб бердим...

...Китобни қўлтиқлаб, мен кетдим.

Фурсат қолганда айттарман, бу китоб “Хамса”и Алишер Навоий экан”.

“ЎЗ МУХБИРИМИЗ” ЁКИ ФЛФУР ФУЛОМ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СҮЗ

Бу мақолани ёзишни анчадан бери юрагимга тутиб қўйгандим. Чунки, улкан адабимиз Faфур Fуломга бўлган ихлосим, меҳрим, бекиёс ҳурматим қўлимга қалам олишга учарди.

Мен бу ерда адабиёт ҳақида, Faфур Fуломнинг катта ижодий йўли ҳақида кенг мулоҳаза юритмоқчи эмасман, бунинг учун улкан адабининг катта ижодий меросини ҳар тарафлама чуқур билиш керак. Мен узоқ йиллар республикамиз етакчи газетаси ҳозирги “Ўзбекистон овози”да ишлаган кезларимда ҳурматли отахон адабимиз билан кўп ижодий мулоқотда бўлганман, унинг бир қангча шеърлари, ҳикоялари, публицистик мақолаларининг қандай бунёдга келгалигидан хабардорман. Боз устига, Faфур Fуломнинг ўзи ҳам шу газстада бир неча йиллар ишлаган, ижод қилган ўз асарларининг асосий дурдонасини ана шу мўътабар газета саҳифаларида босиб чиқарган.

Faфур Fулом газетамизниң 1966 йил 12 июль сонида эълон қилинган “Янги парвозлар сари” мақоласини вафотидан сал илгарироқ таҳририятда ўтириб ёзган, тутатгач, кўнгли тўлмади. Муболағасиз айтиш мумкинки, газета таҳририяти Faфур аканинг иккигичи уйи эди.

“Кўчага чиқсан, газета идорасига кирмасдан ўтиб кета олмайман”, дерди Faфур ака. У бирор янги нарса ёзган ёки ёзмоқчи бўлса, эрталабданоқ телефон қилиб, “газетанигиздан жой олиб қўйинг, ҳозир етиб бораман”, деб кўнғироқ қиласи эди. Қарабисизки, Faфур ака бирпасда етиб келарди, унинг шўғул кулгиси хоналарни тўлдириб юборганишек бўлар, таҳририятта файз кириб кетгандек туюлар эди. Faфур аканинг кишини ўзига жалб этиб оладиган жозиба кучи, меҳригиёси бор эди, бу унинг ижодида ҳам ўз ифодасини тоғлан эди.

Бир куни эрта билан Faфур Fулом қўққисдан кириб қолди.

— Менин газетангга мухбир қилиб олмайсанми? — деб қолди. Аввалига ҳайрон бўлдик, кейин сир бой бермасдан:

— Олганимиз бўлсин, қачондан? — деб сўрадик.

— Шу бугундан, — деди Faфур ака қатъият билан. Ўша кезлари пахта йигим-теримининг энг қизгин наласи эди.

Faфур ака қўлидаги тўрт буклаб олган газетани очиб, биринчи бетдаги шалқани баланд овоз билан ўқиб берди.

- Буни сенлар ёздилинигми?
- Нима эди?
- Шуни ўқиб, тўпна-тўғри келавердим...

Газетанинг биринчи бетига йирик ҳарфлар билан: “Юрагида ўти бор, қалбида ҳарорати бор ҳар бир ватанпарварнинг жойи пахта даласида”, деган чақириқ ёзилган эди. Ўша вақтда бундай ватанпарварлик чақириклар кундалик газеталар саҳифасидан тушмасди. Бу давр тақозоси, сиёсат эди, десак, хато бўлмас.

— Хўш, энди бўлмаса маҳсус мухбир қилиб штатга олайликми? — деб сўрадик Faafur ақадан.

— Майли, сенларга қийин бўлмасин, штатингта ўтмайман, лекин битта чақёнроқ йигитларингдан бер, машинам пастда турибди, республика бўйлаб кетаман, газетанинга мухбирлик қиласман, — деди Faafur ака.

Ўша йили Faafur Fулом республикамиз вилоятларида бўлиб, пахтакорларнинг шарафли оғир меҳнати ҳақида қалб ҳарорати, ҳаёт нафаси билан тўлиб-тошган жанговар мақолалар билан чиқсан эди. Лекин Faafur Fуломнинг ўша туркум чиқшилари одатдагидек мақолалар эмас, унда ўша кунлар нафаси уфуриб турган, халиқнинг дили ифода этилган ҳаяжонли бадиий публицистика ўз аксини топганди.

Катта байрам арафаларида ёки улқан дўстлик айжуманларида Faafur ака ўз ташаббуси билан ёки бўлмаса таҳририят илтимосига биноан газетага деб шеър ёки публицистик мақола ёзисб берар эди. Газетанинг байрам сонлари кўпинча Faafur акасиз чиқмасди. Лекин “буюртма” қилинган шеър ёки мақола баъзи бир қаламкашлар ёзисб келадиган шеърлардан тамомила фарқ қиласди. Унда байрам руҳи ифода этилган, чуқур фалсафий мушоҳада юритилган бўларди, бадиий жиҳатдан эса пишиқ-пухта асар сифатида улар кейинчалик Faafur аканинг тўпламларидан муносиб ўрин оларди. Faafur ака таҳририятнинг “буюртмаси” деб ёзмасди, балки ўз ижодига талабчан шоир сифатида қараб, ўз ватанпарварлик бурчини сидқидилдан бажаарди.

Улуғ ўзбек мутафаккири, шоири Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейи арафасида Faafur Fулом навоийшунос олимлар билан бирга Афғонистонга бориб келгач, сал кун ўтмасдан газета таҳририятига “Навоий қабри устида” деган шеърни ва улуғ бобомиз мақбарасининг сувратини олиб келди. Ўша шеър расм билан эртасига ёқ газетада босилиб чиқсан, муштарийларнинг эҳтиромига сабаб бўлган эди.

Ха, Faafur Fулом — ўлмас талант соҳиби. Унинг ўзбек адабиётига, журналистикага қўшган ҳиссалари бекёёс. У, ҳар биримизнинг қалбимиз тўрида, уйимиздаги китоб жавонларининг энг кўринарли, эътирофли жойларидан ўрин олган.

Озод Шарафиддинов
Ўзбекистон Қаҳрамони

ДАРЁДИЛ ШОИР

Китобларим орасида 1959 йили Тошкентда рус тилида босилган “Гимн времени” (“Замон мадҳи”) деган тўплам бор. Йўқ, у қидирса топилмайдиган камёб китоб эмас. Унда иш-қибозларнинг кўзини ўйнатиб, юрагини ўртайдиган зарҳал нақшлар, ноёб безаклар, қимматбаҳо расмлар ҳам йўқ. Қалин кўк муқовали оддийгина тўплам. Шундай бўлса-да, у мен учун фоят азиз, фоят қадрли. Негаки, бу китобни менга унинг муаллифи Faфур Fуломнинг ўзи совға қилган. Ҳар гал китобни қўлга олсам, кафтимда Faфур aka қўлининг тафтини ҳис этаман. Уни варакласам, саҳифалар орасидан Faфур aka савлат тўкиб, жилмайиб чиқиб келаётгандек бўлади. Тўпламдаги шеърларни ўқисам, қулоғимда Faфур аканинг овози жаранглайдек туолади. Хотирамда Faфур aka билан бирга сафарда ўтказган унуптилмас ўн кун гавдаланади.

1962 йилнинг баҳорида қардош Қозогистонда ўзбек адабиёти декадаси бўлди. Faфур aka, Собир Абдулла, Миртемир, Зулфия, Воҳид Абдуллаев, Пиримқул Қодиров, Раҳим Муқимов, Носир Фозиловдан иборат ўзбек ёзувчилари делегацияси Яшин бошчилигига Олмаота, Қарағанда, Целиноград, Балхаш каби шаҳарларда бўлиб, қозоқ халқининг ҳаёти билан танишди, ўнлаб адабий учрашувлар бўлди. Шундай учрашувлардан бири Балхаш шаҳрининг Металлурглар маданият саройида ўтди. Учрашувдан олдин кун бўйи Металлургия комбинатида бўлиб, корхона ҳаёти билан танишдик. Корхона билан танишишни тегирмондан бошладик. Вагонвагон рудалар шу ерга келиб тушар, тегирмонда майдаланиб кукунга айланар эди. Кейин цехдан-цехга, станокдан-станокка ўтиб сараланиб, куйқаларни тушиб қолиб, охирида асил мис бўлиб чиқар эди. Руданинг мисга айланиш жараёнини кўрар эканмиз, Faфур aka ҳазиллашиб:

— Металлург дегани ҳам ўзимизнинг шоирдай гап экан... — Кейин фикрини аникроқ қилиш учун давом этди: — Маяковский эсингдами? “Бир мисқол сўз жавоҳири учун тоннаб сўз рудасини титиб чиқаман”...

Бой таассуротлар билан адабий кечага бордик. Кенг зал лиқ тұла одам — таңгадек бүш жой йўқ. Уларнинг кўлғчилиги металлурглар. Шеърхонлик бошланди. Залдагилар минбарга чиққан ҳар бир шонрининг дилдан айтган самимий гаплари-ни, ўқиган шеърларини жон қулоғи билан тингларди. Мана, минбарда Faфур ака. Залдагилар уни эски танищдек қарсак-лар билан олқышладилар. Faфур ака шоир билан металлург меҳнатининг муштараклигини айтганда, зал жонланиб кетди. Faфур ака ўзбек тилида шеър ўқиди.

У киши ҳамиша шеърни яхши ўқирди. Бу гал эса, назаримда, ҳар қаочонгидан ҳам яхшироқ ўқиди. Шоир қалбидан қуолиб чиқаётган ҳаяжон, энг яқин дўстига дилидаги теран розини айтаётган одамнинг гапига хос самимият залдагиларни Faфур акага маҳлиё қилди-кўйди. У шеърини ўқиб тутатганида завқ-шавқ билан чалинган қарсаклардан вазмин қандиллар ҳам қимирлаб кетгандек туюлди. Мен бу йиғинда Faфур аканинг бирор шеърини рус тилида ўқиб беришим керак эди. “Турксиб йўлларида”ни тақладим. Faфур акадан кейин шеър ўқиб, бирорга маъқул қилиш осон эмас. Бунинг устига, шунча одам қаршисида рус тилида биринчи марта шеър ўқишим... Юрагим ўйнаб, хавотирланиб, ҳаяжон ичиди ўқидим. Билмадим, қанчалик ўринилатдим экан. Айтидан, мазмуннинг чуқурлиги, ҳиссинг теранлиги, образларнинг пишиқлиги декламаторнинг унча-мунча нўноқлигини сездирмай кетди шекилини, зал бу шеърни ҳам завқ билан эшилди. Шеър ўқиб бўлингач, Faфур ака бир неча марта таъзим қилишига, миннатдорчилик билдиришига қарамай, қарсаклар анчагача тўхтамади. Ниҳоят, қарсаклар тинди, минбарга навбатдаги шоир кўтарилди. Faфур ака бир неча дақиқа хаёлга чўмди-да, кейин мен томонга қараб, имо билан қўлимдаги китобни сўради. Узатиб юбордим. Китобни олиб очиб кўйди-да, яна бир муддат хаёлга толиб, кейин тез-тез бир нарсаларни ёзди. Сўнг мен томонга узатди. Китобни шоша-пиша очдим. Унинг биринчи саҳифасига зангори сиёҳда аввал арабча, кейин ҳозирги ёзувимизда бир байт шеър ёзилган эди:

“Жаҳонда ақлу идрок, зеҳну дониш бирла Озод бўл,
Ҳамиша халқ билан бирга шарафлан, яъни обод бўл!”

Байтнинг остига “Балхаш. 21.V.62. Faфур Гулом” деб имзо ческилган эди. Жуда севиниб кетдим. Ўшандан бери бу китобни ардоқлайман...

Faafur Fyulom degan nom meniga tengkour avlod qoniiga ona suyi билан бирга кирган. Bизнинг танглайимизни Faafur Fyulom шеъри билан кўтаришган. Menغا tengkour avlodning ruҳий оламини, маънавий дунёсини Faafur Fyulomсиз тасаввур этиш мушкул. Faafur Fyulom бўлмаганида бу олам анчагина гариб, кемтик бўларди.

Men baxtli одам эканман, чунки Faafur akani bolaligimdan oq taniш baxtiga musharraf bўlganman.

Men ўқиган maktab Oхунгузар билан Fишткўпrikning ўртасида, Қорасарой кўчасининг қаршисида жойлашганди. Taxtag-pul kўchasi (ҳозирги Собир Раҳимov kўchasi) билан Қорасарой kўchasi кесишgan жойда чоғроқ mайдонcha бўлиб, у ерда kўpinchча бричка арава турарди. Bиз шу mайдonchada арава atrofida ўйнашин яхши kўrardik. Lekin mirriqib ўйнаш hammavaqt ham nasib etavermasdi. Чунки бу mайдoingchani, у erdagи бричka аравани bizdan boшqa... Faafur aka ham яхши kўrardи.

У пайларда Faafur aka Қорасарой kўchasiдаги Kadovat маҳалласида istiqomat қиларди. Kўpinchча keчки пайлар boшида chust dўppi, egnida oqpoq яktakmi, boyerlar choponmi, oeѓida kavush kўcha aйлангани чиқар, уч-tўrtta ulfati билан аравa устида gox chordana kuriб, gox oeѓini osiltiriб ўтириб, anchagina gurunglashar edi. Faafur akanining doimiy ulfatlariдан бири араванинг эгаси bўlib, у қorachadan kelgan ўrta bўй, baқuvvat, serzardaroq odam edi. Иккинчиси esa, mайдonchanning ёnginasida turadigan bolalar doktori Abduzim aka edi. Уларнинг gurungi xushchaqcha bўlарди. Faafur aka doim alliaqanday қизик sarquzashtlarni gapiриб bering, ulfatlarini kuldiriб ўtiardи. Улфатлari қizik xangama-larini xikоя қilganda, ўzi ham қaҳqazlab kulardi.

Kattalar arava ustiда ўtiрганиda biz pastda uymalaшиб ўtiрадик. Baъzi-baъzida Faafur aka biorortamizning nomimizni aytib chaқirar, choy keltiriш ёки biron odamni uyidan chaқiriб чиқishga ўxаш юмушни buюrar edi. Bunday pайларда ofzimiz қulogimizda, topshiriқni bajarGANI ютурадик...

Faafur akanining ҳovlisи maktabga яқин bўlgani учун maktabimizga tez-tez keliib turardi. Faafur aka kelganiда darror atrofini bolalar қurshab oliшар, жон-холига қўymai, undan шeъr ўқиб berishni iltimos қилишар edi. Faafur aka ham oeќ ustiда turigancha шeъr ўқиб berar, keyin taniш bolalarga ҳazil gapilar aytar edi.

Ўнинчи синфда ўқиб юрган кезларимда Faфур акани расмий адабий кечага таклиф қилдик. Кечада у киши “Олтин медаль” деган шеърини ўқиди. Назаримда, бу шеър атайин шу кеча учун, махсус бизнинг мактабдагиларга атаб ёзилган эди. Чунки шеърда айтилган гапларниң ҳаммаси бевосита бизнинг ўша шайтдаги ҳаётимизга, кўнглимиздаги ўйларга, ниятларимизга алоқадор эди. Орадан кўп ўтмай, синфимиздагиларниң ҳаммаси бу шеърни ёддан айтадиган бўлди.

Айтидан, Faфур аканинг одати бўлса керак, бирор адабий кечага борадиган бўлса, қуруқ бормас, албатта, шу кечанинг руҳига мос келадиган шеър ёзиб борар эди. Буни мен кейинчалик яна бир марта сездим. 1948 йилда Faфур ака билан Ўрга Осиё Давлат университети филология факультети студентларининг учрашуви бўлди. Faфур ака бу учрашувга филолог студентларга бағишлиб “Сизга” деган шеърини ёзиб келган экан. Шуни ўқиб берди.

· Айниқса:

Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз,
Не учун елкамни тутиб бермайин.
Илму балоғатнинг шотуларидан
Юксала берингиз секундлар сайин, —

деган сўзлар қалбимизни ифтихор туйгулари билан тўлдирди.

Йиллар ўтди. Болалик ва ўсмирилик чоғи ортда қолди. Эсимиз кириб, ҳаётнинг паст-баландини озми-кўпми тушуна бошладик. Шунда кўз ўнгимизда Faфур Фулом сиймоси билан боғлиқ бир янги ҳақиқат намоён бўлди, биз яхши кўрган, биз яхши танийдиган, учрашиб қолганда, тап тортмай, қўлини олиб кўришадиган, баъзан ҳазил қиласа, хайикмай ҳазилига жавоб берадиган Faфур ака қурратли истеъоддга эга бўлган буюк шоир ва буюк инсон экан.

Faфур Фуломнинг буюклиги даставвал, унинг истеъодида, илҳом уфқининг кенглигида, поэтик образларниң ёрқинлигида, поэзиясининг ҳаётийлиги ва халқчиллигида, ҳаққонийлигида эди. Айни чоқда, унинг буюклиги шахсиятида, характеристида, одатларида ҳам намоён бўларди. Faфур ака кўпинча ўртacha мезонга сифмайдиган ишлар қиласарди.

Faфур Фулом бағри кенг, дарёдил одам эди. У бутун ижоди давомида инсонни улуғлади, инсонга муҳаббатни куйлади. Шеъларидаги инсонийлик ўз табиатига хос эди. Faфур ака иложини топса, бутун дунёдаги яхши одамларга қалбини очишга тайёр эди. Faфур аканинг бағри кенглигини дўстла-

ридан ҳам билса бўлади. Унинг дўстлари орасида жаҳонга донғи кетган Пабло Неруда ва Нозим Ҳикматдан бошлаб, Самарқанднинг олис қишлоғидаги оддий хунарманц косиб-гача бор эди. Faфур ака Ўзбекистоннинг қаерига бормасин, албатта, шу дўстларини топар, улар билан гурунглашар, бъязан уларга ўргатар ва кўпинча улардан ўрганарди. Фақат дил-дилидан халқчил бўлган, ҳаммадан ортиқ халқини ўйлаган одамгина шундай бўлиши мумкин. Зотан, Faфур Fуломнинг ўзи шоирликни шундай тушунар эди. “Шоир” нима деган сўз? — деб ёзади Faфур Fулом. — У сұхбатнинг гули ёки боғнинг булбулими? Шоирлик газетада қуюқ ҳарф билан қўйилган имзо ёки китобнинг биринчи бетида илжайиб турган сурат учунми? Йўқ! Йўқ! Кўшнисининг юкини енгил қилган, йироқ-йироқлардаги нотаниш замондошига офтоб бўлиб юрак тафтини етказа олган, гўдаклар қархисида олам дастурхони ёйиб, мўйсафидлар кўзига йигитлик нурини қайта баҳш эта олган ижодкорни шоир деймиз...”

Азиз китобхон! Агар сиз дўконга кириб, Faфур Fуломнинг китобига дуч келсангиз, агар сиз шу пайтгача унинг китобини уйингиз тўрига қўймаган бўлсангиз, уни олишга шошилинг. Чунки муқовасига “Faфур Fулом” деб ёзилган китобда бутун умрини халқига, юртига баҳшида эттан буюк зотининг оташин қалби уриб турибди.



Мен рус шоириман, Faфур Fулом жаҳон шеъриятига қандай янгилик олиб келди, деб сўрасалар, айтар эдимки, ўзбек шоири ҳаёт шодликларини мадҳ этди, Осиёнинг янги кишиси образини яратди, яшарган Шарқ қўшиғини кўйлади. У тасвирлаган янги инсон қадрдон диёрининг қиёфасини ўзгартиреди...

У ўзининг шоирона истеъодди билан ўзбек шеъриятини, ўзбек халқининг меҳнатини улуғлади.

Николай Тихонов

МЕХРИБОН КАМПИР ВА УЯТЧАН ЎФРИ

Атоқли шоир ва жамоат арбобиFaфур Гуломнинг ижод жараёни шўро замонининг мураккаб ва тазиинқли сиёсати остида кечди. Faфур Гулом, ҳеч шубҳасиз, улкан истеъдод соҳиби. Унинг шеъриятида арслон наърасига ўхшаш гулдираган кудрат бор. Фоят теран фалсафа бор. Шоир энг оддий воқеа ҳақида ёзганида ҳам қамрови ниҳоятда кенг фалсафий умумлашмалар қилишга қодир. Faфур Гуломни ҳар жиҳатдан тўқис, орзусига эришган ижодкор, деса бўлади. Уйвонлар, нишонлар, давраларнинг тўри, эллининг эрка шоири... Айни пайтда, бу бетакор санъаткор занжирланган шерни эслатади. Ҳар бир сатрни ёзаётib, елкаси оша кузатиб турган таҳдидли қора кучни ҳис этиб тургани сезилади. Шернинг наъраси орасидаги ингроқ изтироб садосини бирор эшишиб, бирор эшиитмаслиги мумкин. Бироқ шоирнинг ўзи буни теран ҳис эттани шубҳасиз.

Албатта, Faфур Гулом биринчи навбатда — шоир. Зўр шоир! Шу билан бирга унинг насрор асарларини ўқиган китобхон адабининг ичакузди ҳажвияларида, завқ билан ўқиладиган ҳикоя ва қиссаларида аллома истеъодининг яна бир қиррасини топади. Буларнинг кўпчилиги Вақт синовидан ўтган ва яна узоқ яшайдиган асарлардир. Менимча, Faфур Гулом айнан насрор асарларини ёзаётганда елкасидан босиб турган юқдан халос бўлгандек туолади. Қалби буюрганча, хоҳласа кулиб, хоҳласа истеҳзо қилиб, хоҳласа йиғлаб қалам суради. Уларда ижодкор халқ ҳаётини, халқ тилининг минг бир жилосини мукаммал билиши аниқ кўринади.

“Шум бола” қиссасини олиб кўрайлик. Аслида бир етимнинг аянчли қисматини тасвиrlовчи бу асар қаищайдир “мумамбirona” табассум билан ёзилган. Қиссани ўқиётib ҳам куласиз, ҳам изтироб чекасиз. Ақални бозор манзараларини олинг. Ўзбек бозорини шу қадар ишончли, шу қадар теран тасвиrlаш учун айнан Faфур Гулом бўлиш керак. Бозор шовқини, “оби худойи” деб текнинга сув ташиётган савобтаблар, “муздек айрон” деб ҳайқираётганлар, “ё оллоҳ дўст,

«оллоҳ» деб зикр тушаётган қалаңдарлар — ҳаммаси худди кино тасвиридек кўз ўнгингизга келади. Кўмир саройи олдидаги майдонда “отўйин” томоша қилаётган Шум боланинг ҳолатини эсланг. Бола кўйшидан анор чиқариб, иккига бўлиб ейди. Анор суви кўйлагига оқиб тушади. Шунда боядан бери тантанавор гартиллаётган карнай ҳам, нола қилаётган сурнай ҳам ўзидан-ўзи сусайиб, овози вақирлаб чиқа бошлайди. Нордон анор еяётган болани кўриб оғзи сув очиб, сурнайи сўлакка тўлган: кўса сурнайчи “гийқ” этиб сурнай овозини ўчиради ва дағдаға қилади: “Хой, қизталоқ бола, чиқ даврадан, анорингни бошқа жойга бориб е!” Бунақа манзарали “ичидан тўқиб” тасвирлаш мумкин эмас. Ҳатто кўриб тасвирлагаңда ҳам ишончсиз чиқиши мумкин. Бунақа манзарали киши шахсан ўзи бошидан ўтказиши керак! Шум бола муаллифнинг ўзи эканлиги аниқ. Бироқ халқ турмушининг икир-чикирларигача бу қадар аниқ-равшан тасвирлаш ва энг мухими, асар тўқимасининг ич-ичига сингдириб юбориш учун ўз бошидан кечириштина эмас, катта, жуда катта истеъодд керак!

Faafur Fулом асарларида макон ва замон тушунчаси бениҳоя аниқ. Адид бир оғиз сўз билан ўз қаҳрамонининг бутун биографиясини тасвирлаб кўйини мумкин. Бир сўз билан бутун бир даврга баҳо бера олади. Бунга улининг талай насрый асарлари мисол бўла олади.

Менга қолса, адид ҳикоялари орасида “Менинг ўғригина болам” энг забардаст асарлардан бири, деган бўлур эдим. Ҳикоянинг фазилати шундаки, унда ўзбекнинг олами маҳаман, деб кўриниб туради. Бир қараашда бу асар машхур адид О’ Генрининг “Ҳамдарлар” ҳикоясини ёдга солғандек бўлади. О’ Генри ҳикоясининг қаҳрамони — ўғри. Faafur Fулом ҳикоясининг қаҳрамони ҳам ўғри. Ҳар иккала ҳикояда ўғри билан уй эгаси апоқ-чапоқ бўлиб кетади. Бироқ Faafur Fулом асарида бошқа бирон халқقا ўхшамаган ўзбекнинг олами ярқ этиб кўринади. Нари борса шапалоқдек келадиган бу ҳикояда қанчадан-қанча дард бор. Галати бағрикенглик бор. Ўқувчининг қалбини илитиб турадиган нур бор!

Шундай қилиб, куз кечаларидан бирида саксондан ошган кампир бу бевафо замоннинг кулфатларидан уйкуси қочиб, нос чеки-и-иб ўтирибди. Турмуш ночор. Вояга етмаган тўрт етимнинг қисматини ўйлаб, оғир хаёлларга чўмган. Буни қарангки, шу пайт томда ўғри пайдо бўлади. Бошқа жой қуриб қолгандек, айлан кампирининг рўпарасига кел-

ганда аксириб юборади. Кампир носини туфлаб ташлаб, унга дашном беради: “Ўгригина болам, касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдими?” Ўгри ҳам томдан туриб кампирга дашном беради: “Бувижон, сиз ҳам бироргина кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдими, бизни тирикчилигимизни йўлини тўсаверасизми?”

Шу тариқа гап гапига уланиб, кампир тўрт етимнинг келажагини ўйлаб эзилётганини, ўгри эса, замон оғирлашиб, ишсиз қолганини, иккита боласи, хотини, қари онасини қандай боқиши билмай шу йўлга кирганини айтиди. Кампир бу хонадонда ҳеч вақо йўқлигини айтиб, ўгрига Карим қори, Одилхўжа, Матёкуббой деганиларниги боришини маслаҳат беради. Ўгри бу маслаҳат жўяли эканини, аммо ўша бойларниги боргудек бўлса, қўлга тушиши аниқлигини айтиб, ҳасрат қиласди. Кампир унга чин дилдан ачинади. “Бу галинг ҳам тўғри, ўгригина болам. Аммолекин эҳтиёт бўл, эл-юртнинг олдида тағин бадном бўлиб қолмагин!”

Кампир нима қилиб бўлса ҳам ўгрининг ҳожатини чиқаришни ўйлади. “Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам... Ошхонада битта ярим пудлик қозон бор. Аллазамонлар уйимиизда одамлар кўп эди, катта қозонда ош ичардик... Шундек катта, туркираган хонадондан мана шу тўртта етим қолиб турибди. Э-ҳа, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... Шуни олиб кетақол. Сотиб бир кунингга яратарсан, ўгригина болам...” Ўгрининг жавобини қаранг! “Йўқ, йўғе буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-хув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. ...Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсинг!”

Қизиқ, кампирнинг ўзи-ку “қоқканда қозиқ, осганда хурмача” бўлиб ўтирибди. Аммо ўгрининг “қутлуғ уйдан қуруқ кетиши”ни хоҳламайди. Ўгрининг жавобини қаранг! Оиласини боқолмай эгри йўлга киришга мажбур бўлган одам кампирга далда беряпти. Етим ҳақини олишдан бош тортияпти!

Кампир ўгрига ошхона ёнидаги тутдан сирғалиб тушиб, бир вақтлар боғдан келган ёнғоқ тўнкадан тараша учирив беришини сўрайди. Мақсад қумғон кўйиб, чой қайнатиб, уйдаги бор-йўғи иккитагина зогоранинг бирини баҳам кўриш. Ўгри бу таклиғга ҳам кўнмайди. “Йўғе, буви! Тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жудаям юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан”.

лан Faфур ака турибдилар. Ана шу табассумдан яна не хаёл-ларга бориб, юрагим орқамга тортиб кетди.

Ҳозир мени тоза доғласалар керак, деган ташвишли ўй билан адойи тамом бўлдим.

— Бу ёқقا тушсинлар...

Кошки, қимир этишга ҳолим келса... Мустафо чаққонлик билан тушиб, машина эшигини очди. Аранг қўзғалиб, ерга оёқ қўяман. Ариқдан эса қандай сакраб ўтганимни билмайман. Faфур ака магазин тамонга ишора қилиб:

— Бу ёқقا кирсингилар, — дедилар. Буни ҳам зўрга эшигман.

Биз ичкарига кирамиз. Магазин токчаларига бир тартибда териб қўйилган бир-биридан чиройли чинни идишларга доим ҳавас билан тикилиб юрганимга қарамай, ҳозир кўз олдим қоронғилашиб, ҳеч қайсисини кўрмайман.

— Шулардан биронгасини танласинлар, — дейдилар яна Faфур ака.

— Ўзингиз таълайвермайсизми, Faфур ака, буюм танлашга дидингиз менинидан яхши-ку!

— Йўқ-йўқ, ўзларининг дидларини синамоқчиман. Танланг! Бировга тўёна қилмоқчи эдим. Совға олишга Faфур акангиз унчамас. Шунинг учун сизни олдириб келганим.

Таваккал қилиб, тўғри келганига кўл чўзиб кўрсатаман:

— Ана шуниси дуруст шекил...

— Ўранг! — дейди Faфур ака, сотувчига мурожаат қилиб.

Машинага ўтирамиз. Мустафо ўрнидан силжиши билан Faфур ака мени ҳайратга солади:

— Қани, уй адресларини айтсингилар-чи. Мустафо қаерда туришингизни билмас экал. Бугун сизницида меҳмон бўлмоқчимиз, қарши эмасмисиз?

— Ҳали мени уйим йўқ-ку, Faфур ака, радионинг ўзида яшаб турибман.

— Унда тўппа-тўғри радиога бур машинани! — дея ҳайдовчиларига бўйруқ қиласидилар.

Нима гап бўлаётганига тушунолмайман ҳеч. Радио биноси олдига етиб келгандагина андак ақлимни йиғиб, машинадан тушаман. Шу заҳотиёқ Faфур ака қофозга ўроғлиқ ҳалиги харид қилғанларимизни кўлимга тутқизадилар:

— Мана буни олинг, Faфур акангиздан эсдалик. Тўйингизда асқотади. Борсак, шунга ош сузиб, бирга еймиз...

Таҳририят хонасига кириб, ўроғлиқ нарсани очсан... Қайси кўзим билан кўрайки, ўртасида аждаҳо сурати бор, қиррала-рига жимжимадор безак берилиб, ҳамманинг кўзини ўйната-

диган, аммо нархи фалон пул турғанилиги учун сотиб олишнинг иложи бўлмай кўпдан магазин токчасида туриб қолган бир жуфт антиқа лаган. Худди ўша турфа бисот энди менинг қўлимда. Бу ҳақиқий мўъжиза эди.

Худди ўша лаганларнинг биттаси ҳамон уйимда. Энг қимматбаҳо ва азиз нарсадай кўз қорачиғи янглиғ асроймиз. Уни ҳар кўрганимда устоз шоир Faфур Fуломнинг ўша ариқ бўйида икки қўлинини бирлаштириб қоринлари устида тутганча, бошини хиёл ўнг елка томон эгганча жилмайиб турганини эслайман. Фақат эслашгина эмас, жарангдор ва ёқимли овозларини эшиштаётгандай бўлавераман доим...



Шоир Faфур Fулом ўзбек маданияти ва бутун жаҳон халқлари маданияти хазинасидағи ярқираб турадиган түгма талантлардан, олмослардан биридир. Бу олмоснинг қирраларида улуғ Навоий авлодлари томонидан асрлар оша эҳтиёткорлик билан асраб келтирилган ажойиб сўз санъати жилва бериб туради.

Абдулқосим Лоҳумий

ИИГИРМАНЧИ АСР НАСРИДДИНИ

Миртемир ака бетоб эди. Кўргани борсам, мени ҳовлида бир айлантири, бўтам, ўзимнинг чиқишига ҳолим йўқ, деди.

Касалхонанинг иккинчи қаватидан пастга тушсак, эшик олдида Faфур ака — эгнида шоҳи яктак, белида белбоғ, бошида дўлпи, оёғида калиш-маҳси — ўйланиб турибди. Уни кўриб Миртемир ака бирдан жонланди. Бу жонланишда Faфур акага нисбатан ҳурматдан ташқари, қандайдир суюнч ҳам, завқ-шавқ ҳам бор эди.

— Кўкан батрак бўлиб олибсиз-ку, Faфур ака, — деб ҳазиллашди Миртемир ака.

— Ота-бобомиздан ўтиб қаёқقا борардик! — деди Faфур ака. — Шу ерга жой қилиб, чой келтиришни буюрдим. Отамлашамиз.

Ҳаш-паш дегунча, гулзор этагида “жой ва чой” муҳайё бўлди. Дам ўтмай беш-олти кишилик давра тўпланди. Faфур аканинг ошина-оғайниси кўп эди.

У якtagининг бир чўнтагидан “Казбек” папироси ва гурт, иккигин чўнтагидан қофозга ўроғлиқ нос билан носқовоқ чиқариб, хонтахта устига кўйди.

— Faфур ака, биттасини қилсангиз бўлмайдими? — деди даврага қўшилганлардан бири.

Faфур ака ўйчан, шошмасдан:

— Мени баъзан юқорига чақириб қолишади, ноқулай, — деди. — Ўзимизга ўхшаш фуқаро ичидা носвой ҳам кетаверади.

Мен Faфур аканинг ёнида ўтирадим. У менга қараб, кўзлари мугамбirona кулиб, секин:

— Сен ёш нарса, гапга аралашсанг, уят бўлади. Лекин ичинг қизийди, — деди. — Зерикмаслик учун мана бу носни эзib, носқовоқса солиб ўтири. Ичинг жуда қизиса, “қисқичбақа” сўзига битта тўлиқ қофия топ. Кейин ишлатамиз...

Faafur Fyulom umri sünگtiда tükib taşlagan (худди шундай!) асарлар, уларниң радиога ёзib олиниши тарихини ҳикоя қылмоқчи эдим. Аммо шулар, айниқса, "Ҳасан Кайфий" түғрисида ўйлаётib, қоқоридаги воқеа ёдимга тушди. Узуқ-юлуқ яна баъзи бир воқеаларни эсладим.

Бизнинг авлодимиздан кўпчилик мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ Faafur акани кўрган. Faafur aka бот-бот Бухорога (бошқа вилоятларга ҳам) бориб туради. Бир учрашувда раҳматли Максим Карим шеър ўқиётганида Faafur aka ўша шеърга мос тўрт сатр ёзиди, буни ҳам шеърингта қўшиб қўй, дегани кўз ўнгимда. (Бухорода Султон Жўрани қидириб то-пиб, вақтида уни адабиётга олиб кирган ҳам Faafur aka эди!)

"Бухоро" деган меҳмонхона (ҳозиргиси эмас) бўларди. Талабалик йилларим самолётга билет олгани бир куни эрталаб шу ёқقا кирсан, одатда гавжум пастки майдончада ҳеч ким йўқ, негадир Faafur aka ёлғиз турибди. Ботиниб-ботин-май салом бердим.

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб сўради Faafur aka эски ошиасини учраттандек.

Мен бухоролик эканим, Тошкентда ўқиётганим, уйга хабарлашгани келганимни айтдим.

— Юр-чи бу ёқقا, — деди Faafur aka.

Биз ташқари чиқиб, эшик ёнидаги харракка ўтириджик.

— Ота-онанг Бухорода экан, Тошкентда нега бизниги кирмайсан? Хоҳласанг, мен билан гаплашиб ўтирасан, хоҳласанг, ҳовли катта, болалар билан ўйнаб юрасан.

У кайфият одами эди. Маврид-бемаврид безовта қилган баъзи бир талаба ёки ҳаваскорларни эшиқдан ҳайдаб согланини ҳам эшиштганман... Менинг омадим чопган. Ўша йиллари (балки, дорилфунунда ўқиган Олмос опам сабаб) биз Faafur аканинг ўйини кўриб, суҳбатидан баҳраманд бўлганимиз.

Ўқишини битиргач эса, ўшанда оқсоқоллар ёки олтмишвойлар деб аталган улуғ адиллар орасида менга асосан Faafur aka билан кўпроқ мулоқотда бўлиш, суҳбатлашиш насиб этди.

Faafur акани кўпчилик сиёсий, гоҳо баландпарвоз шеърлари орқали танийди. Уни аксар минбарда турган ҳолатда

тасаввур қиладилар. Бироқ, “Севсам, севибман-да. Ўзбекман, содда!” деб ёзган ҳам Faфур ака ҳди...

Бухорода Лабиҳовуздаги Насрилдин Афанди ҳайкалига разм солсангиз, Faфур акани эслатади; ҳайкалтарош ундан нусха олган, дейишади. Умуман, Ҳўжа Насрилдинга хос деярли барча хислат — эзгулик, донолик, топқирлик, ҳатто шумлик (“Шум бола”ни бекордан ёзмаган!) — бу одамда мужассам эди. Шунинг баробарида у ниҳоятда жиддий, юзкўзида бир маҳзунлик акс этар, кўпинча осойишта эмас, ташвишланиб тургандек таассурот қолдиради. Гоҳида тоқатсизланиб, асабийланганини ҳам сезиши мумкин эди. Қизиқ жойи, бу ҳолатларга лутфкорлик ҳазил-мутойиба ҳам эш келаверади. Ҳалқ ичида юриш, гап-гаштак — Faфур аканинг жону дили эди. Унинг учун чойхона, бозор, ҳаммомсиз ҳаёт йўқ эди гўё. У оилапарвар, болапарвар, уйбоп бўлиш билан бирга, кўчабоп киши эди. Тенгдошлари орасида Faфур ака давра кўрган, энг ХАЛҚЧИЛИ эди... Албатта, Faфур аканинг бир қанча шеърларида КЕЧАГИ КУН СИЁСАТИ муҳрланган. Ҳали айтганимиз, минбардаги (яловбардор) шоир сифатида танилган Faфур ака аслида файласуф, мутафаккир эди. Давр имкон берса, у факат фалсафий, умуминсоний шеърлар ёзарди. Зотан, XX аср ўзбек шеъриятида Faфур акага етказиб, “Энг кичик заррадан Юпитергача...” дей кенг нафасда сўзлаган бошқа шоир учрамайди.

Эсимда: ўша пайтдаги (60-йиллар) адабиёт газетамиизда иш ўрганиб юрган эдим. Домламиз, газета муҳаррири Лазизхон ака: “Байрамга бағишлиб Faфур акадан шеър олиб келгин”, деди. Май байрами арафаси эди. Бу даврда Faфур ака йилда бир-икки марта (баъзан кўпроқ ҳам) бояги, сўзимиз бошидаги катта касалхонада дам олиб, даволанаради. Мен “бостириб” бордим. Қарасам, Faфур ака ўзига тегишли хонада пастак бир курсида энкайиб, яна шундай пастак курси устидаги қофозга араб имлосида алланималарни ёзib ўтирибди.

- Эшит! — деди хонага кириб, салом беришим билан.
- Зўр! — дедим шеърни эшитиб бўлгандан кейин.
- Беш-үн сатр қолди, — деди Faфур ака. — Мен биринчи сатр билан учинчи сатрни қофиялаб тураман, сен иккинчи сатр билан тўртингчи сатрга қофия топиб тур.

Қофия топиш қаёқда! Мен лаб жуфтлашга ултурмай Faфур ака шеърни биткарди-кўйди.

Бошдан-охир қайтиб ўқиди.

- Қалай?
- Зўр! — дедим яна.

— Илжаймай қўяқол! Бу сенинг газетангга эмас. Бош газетамизга, — деди Faфур ака. Анча паришонланиб ўтириди. — Сенга энди нимани ёзик.

Деразадан кўм-кўк йўлка кўринар эди.

— Атрофга қараб бир нарса ёзинг-да! — дедим. Бу ёққа келаётуб шеър тайёр деб ўйлаган, иш унмаганидан руҳим сал чўккан эди.

— Бўлмаса, сен чой ичиб ўтири, — деди Faфур ака хонтахтага имо қилиб. — Мен ўзимни у ён-бу ёнга бир солай.

Чиқиб кетди. Кўп ўтмай, йўлкада айланиб юргани кўринди.

Ниҳоят, келиб яна пастак курсига энкайиб ўтирганича араб имлосида ёзишга киришди. Ва борини менга ўқиб бера бошлади:

...атроф гулгун, лоларанг.

...асаблар —

Фарҳод ГЭСидай таранг!

Мен донг қотдим. Ана, Faфур Фулом!

Иккала шеърни ҳам у ҳижжалаб турди, мен янги имлога кўчирдим. Иккингчи шеър тўғрисида ҳам Faфур ака:

— Қалай? — деб фикр сўради.

— Зўр!

— Унчалик чиқмади, — деди менинг суюнганимга қарамай, ўзи қаноат ҳосил қилмаган Faфур ака. Сўнг мамнун, қўшиб кўйди: — Газетангта барибир ҳеч ким бундан зўр шеър ёзиб беролмайди!

Бир-икки сатрда Faфур ака баъзан олам-жаҳонни ифодалар, аниқ, гаройиб манзара чизарди: "...кўзига — ўргимчак ин қўйтган йигитлар ҳам бор", дегандек.

Дарвоқе, Бухоро тўғрисида. Атиги икки сатр, лекин гўёки бутун роман:

Бухоро — бир олтин коса,
Кон — ёш билан лиммо-лим...

* * *

Faфур ака ҳар кимга, ҳар нарсага фақат меҳр қўйиши ёки норозилик билан қарави мумкин (унинг ҳаёти ва ижоди мағзи муҳаббат ва нафратдан иборат) эди. У "Отелло"ни бескорга таржима қилмаган. Учинчи йўлни билмайди (шун-

дай одам замон билан қандай муросага борганига ажабланасиз).

Уруш пайти бир ёқлардан олиб келинган етим-есирларга шу қадар күнгли ачидики, “Тинглан, жигарим!” дейди, “Ўз уйингдасан!” дейди. Бу билан ёнма-ён ғазаби тошади:

Ота-онасининг тайини ҳам йўқ,
Сут кўр қилгур, ҳароми
Гитлер оқладар...

Кундалик ҳолатларда ҳам Faфур aka ё боладек суюнади, ёки “аччиғи бурни учид” деган қабилида лов этиб ёнади. Жаҳли чиққаңда кўзлари чақнаб, бурнигача қизарип кетади.

Эсимда, олиму фозиллар, арбоблар тўплланган давра эди. Мен ёшман, хизматдаман. Ора-орада четдан суҳбат тинглайман. Faфур аканинг кайфи чоғ, яйраб ўтиарди.

Кимdir икки вилоят ёшлари тўполон чиқарганидан гап очди. Бир вилоят раҳбари, ёшлар шўхлик қилган, холос, деди.

Faфур aka нохос бўғилиб, портлади:

— Бу нима деган гап?! Дўпти кийган бир ҳалқ “чукур дўпили” ю “япасқи дўпили” деб бир-бирига тирфалса! Кўл кўтарсан! Сиз тарбия ўрнида уларни оқласантиз! Мен бир мақола ёзман. Сизнинг исмингизни қўшиб!..

Раҳбар лой бўлиб қолди. Давра тарқагунча бошини қайтиб кўтармади.

Faфур aka бирорни ноҳқақ ранжиттанми?

Кимdir ундан жабр кўрганми?

Ҳаёт инсонни не кўйларга солмайди!

Лекин у табиатан марҳаматли эди.

Яна “шеър ундиргани” касалхонага борганимда унинг ахволи ночор эди. Лекин шеърни тайёрлаб қўйган экан. Янги имлога кўчирдим. Толиктирмаслик учун тез қўзғалдим.

— Ҳозир машина келади, шошма, — деди Faфур aka. Ўзининг ҳам шаҳарда, марказда иши борлигини айтди.

Машина келди. Йўлга тушдик. Ўрдага яқин муюлишга етганда тўхтатишни сўрадим. Бу ёғи яқин, ўзим бораман, дедим. Faфур aka ҳайдовчига тўғри юраверишни буюрди.

У хаста эди, яна денг ташвиш билан кўчага чиққан эди; бунинг устига, мен ундан анча ёш, шунчаки бир ҳаваскор эдим. Буниси етмагандек, тушиб қоламан, деб сипогарчилик қилиб ўтирибман!

Faфур aka ниҳоятда беозор жилмайди:

— Сен бизга хизмат қиласан, биз ҳам бир хизмат қилайлик-да!

Ҳаётимда кейин бундай олиҳиммат муносабатни кам учратдим.

* * *

Faфур ака ўз даврининг одами эди. Лекин у (олдин айтганимиз) ҳалқ ичиди, ўзбекона бир тарзда умр кечиради. ЎТГАН АВЛОДга хос ХАЛҚ, МИЛЛАТ дарди унинг қони-жонида яшаб қолаверади! Тенгдошлари ёки кейинги ижодкорлардан ҳеч ким Faфур ака даражасида ўзбек ҳалқи номидан гапириб, ҳалқни ҳар томонлама кўрсатган, миллатни ҳимоя қилган, улуғлаган эмас!

Балки адашарман, лекин менга баъзан Faфур ака сиёсий шеърлару мақолалар билан ўзини “ниқоб”лаб (шум, муғам-бир-да!), инсоний шеърлар, теран илмий мақолалар, айниқса, насрний асарларини ёзгандек туюлади... У Алишер Навоий ғазалига “Тун била тонг” деб мухаммас боғлаган. Кўпдан бўён бир сатри дикқатимни тортади: “Ки бирни икки дейиб бўлмагай замон элига...” Илк қараашда замон элининг дононлиги айтиляпти. Бироқ шикоят оҳанги, умумий мазмундан бошқа гап келиб чиқади: “Замон эли, афсуски, коса тагида нимкоса борлигини тушунмайди!”

* * *

Радиодаги ёзув баҳона кўп нарса хаёлимдан кечди...

Қисқаси, Faфур ака радиони яхши кўрар эди. Адабиёт бўлимига тез-тез қўнғироқ қилиб турарди. Бўлимда Ўлмас Умарбеков, Фарҳод Мусажон, Насиба Эргашева, Баҳодир Абдуллаев ва камина ишлар эдик. Баҳодир ака Олмос опам билан бирга ўқиган, баъзан Faфур акани чақиртириб, ёзиб олар эди. Бир куни у банд бўлиб қолиб, бу иш менга юкланди.

Faфур ака келди. Латифанамо икки асарини ўқиб берди. Бериги хонага чиқиб, ўқиганини шошмай эшилди.

— Қалай? — деб сўради ҳар галгидек.

— Зўр! — дедим. — Бошқа йўқми?

— Бор. Бор! — деди Faфур ака завқланиб. — Лекин ўзимда нусха қолмади. Нашриётга берганман. Эринмасант, келтириб кўчириб кўй, жума куни соат бирда келиб ўқиб ташлайман.

— Хўп бўлади, — дедим.

Жума куни эрталаб — барваҳт қўнгироқ қилди:

— Тайёрми?

— Тайёр,Faфур ака!

Роппа-роса соат бирда келди.

Студияга кириб, ўқишига тутинди.

Булар “Афанди ўлмайдиган бўлди” ва “Ҳасан Кайфий”
деган, аввалгиларидан ҳажми каттароқ асарлар эди.

(Жуда ўзига хос, тенгсиз маҳорат билан ўқиган.)

Қайтиб ёзув хонасига чиқди.

Ўқиганини эшилди.

— Қалай?

— Зўр, Faфур ака! — дедим. — Хафа бўлмасангиз, бир
гап айтаман.

— Айт!

— Сиз буюк шоирсиз. Шеърларингиз зўр. Лекин менга
қолса, насрой асарларингиз ундан ҳам кучли. Тенги йўқ.

Faфур ака кўзларини катта очиб қаради.

— Шунақами?! Шунақами? — деди. Кейин, бир нуқтага
тикилиб, ўйчан пичирлади: — Балки! Балки...

* * *

Икки оғиз хотима.

Бугунги авлод Faфур аканинг ҳаёти ва ижодини яхши бил-
майди. Менинг ниятим уни бир оз таништириш эди, холос.



Собит Муқонов
Қозогистон халқ әзувчиси

ЭЛИНИ ФАФУРДЕК СЕВСИН

Фафур Гулом билан биз сўнгти бор 1966 йил июнь ойининг бошида Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида учрашдик. Ўша вақтда, татар адабиётининг атоқли классиги Абдулла Тўқай таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Москвада ва Қозонда тўйлари ўтказилган эди.

Қозонда бизни шаҳар ташқарисидаги дам олиш уйларидан бирига жойлаштиришди. Faфур ҳам ўша уйга тушган экан.

Одатда Faфур оққўнгил, асқиячи одам эди. У билан учрашган ерларда хушчакчақ асқия айтиб, доимо кулдириб юради. Лекин Қозонда кўришганимизда унинг ҳолатини кўриб ажабландим: юзларидаги ажин қалинлашган, камгап, худди бирор нарса ичини ачитиб бораёттандай, аҳён-аҳёнда гавдасини кериб хўрсинади.

— Бунинг нимаси? — деган сўроқقا:

— Тошкент не ҳолда экан? — деб қисқагина жавоб берарди.

Шаҳар қандай ҳолда эканингни у кун сайин телефон орқали эрталаб бир, кечкуруп бир биларди. Тошкент билан телефон орқали хабарлашганда тинчлик, деган хабар эшитса, хурсанд бўлиб юради, кўнгилсизлик, деб эшитса, қовоғи тушиб хафа бўлиб кетарди. Шу ҳаракатларига қарагаңда, у туғишган халқининг ҳам ҳурматли боласи, ҳам фамхўр онасига ўхшаб кетарди.

...Тошкентда, Арпаюя номли кўчада Faфурнинг уйи бор. Ўша уй ҳовлисининг ички атрофини қатор ўрнашган каттакичик Гуломовларнинг оиласи тугал эгаллаган — эр стиб оиласлик бўлган ўғиллари билан қизлари, улардан кўрган на-бирадари. Ҳовлида эгилган мева дараҳтлари ўргасида ҳовузча. Боф ичида шовқин-сурон солған болаларнинг ширин овозлари кулоқча ёқимли чалинади.

Faфур жуда болажон эди. Кўли бўш пайтларида ҳовузча ёқасига катта қилиб ясатган ёғоч сўрида асалга кўнгани ари-

дай уймалашган набиралари билан бирга бўлиб, уларни ҳар хил қизиқ сўзлар билан кулдириб ўйнарди. У ҳамма болани ҳам яхши кўрар, алоҳида эркалатадиган набираси — Мухтор эди.

Ҳазиллашган пайтларида айтадиганимиз — мендан қиз набира бўлса Мухторга унаштириб Fafur икковимиз қуда бўлмоқчи, у менга қалининг минг тонна пахта бермоқчи, мен қизнинг сенига минг тонна буғдой бермоқчи бўлардик.

Тошкентда ер қимиirlаш давом этаётгани вақтда Fafur-нинг оила аъзолари — Мухторни ҳам олиб Одесса ёнидаги бир тинч ва туришга қулай маконга кўчишган экан, Fafur Қозонга ўша ердан келибди.

— Энди нега хавотирдасан? — деган сўроқقا:

— Ҳалқ-чи? — деб жавоб берарди Fafur.

Илгари ҳам унча дармонли бўлмаган Fafurning юраги ана шундай ўйлар билан Қозонда жуда мадорсизланиб, баъзида докторларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб юрди...

Мен Қозоидан Уфага, Fafur эса Одессага учадиган бўлиб, аэропортга бир машинада бордик. Ёнимда бир қанчада татар ёзувчилари.

Fafurning самолёти бизникидан илгарироқ учар экан. Трап олдида у ҳаммамиз билан маъюс тусда хайрлашди-да, месни четроқقا олиб:

— Охирги кўришишимиз бўлиши мумкин: чўнг қозоқ, “ёмон айтмай, яхши йўқ”, агар мен қазо этсан, жанозамга келасанми? — деди.

Мен бу гапни эшитиб, чўчиб:

— Нега ундан дейсан? — дедим.

— Ўзимни ўзим сезаяпман-ку, дўстим, аҳволим шунга ўхшайди, — деди у оғир хўрсиниб.

Мен Уфадан Олмаетага бир оз кечикиброқ қайтдим. Эртасига Fafurning вафот этгани тўғрисида хабар келди.

Ҳар ҳалқнинг ичидаги ўша ҳалқнинг маълум бир даврини ўзига сингдириб, ўзи орқали яхши фазилатини кўрсата оладиган ўғиллари ва қизлари бўлади. Fafur — ўзбек ҳалқнинг ана шундай ардоқли ўғилларидан бири. У меҳнаткашлар орасидан чиққан. У болалик чоғларини оғир меҳнат билан ўтказиб, янги даврни ўт ёшлик чоғида кутиб олган.

1923 йили 20 ёшида қалам ушлаган Faфурнинг шоирлик ўткир кўзидан Ўзбекистоннинг ҳеч бир шонли иши четда қолгани йўқ.

Адабиёт майдонида қирқ йилдан ортиқ қалам тебратган истеъдодли олим ва шоирнинг ҳамма жанрда яратган асарларининг деярли барчаси қардош ўзбек халқининг кўркам йилномасидир.

Faфур ўзбекнингтина эмас, бутун меҳнаткаш одамзотнинг шоири. У энг олдинги сафдаги танилган шоирлардан.



Faфур Гулом туркий халқлар шеърияти ривожига буюк ҳисса қўйшган, бутун кўп миллатли адабиётимизнинг чўнг, кўркам вакиларидан бири, барчамизнинг туруримиз бўлган ажойиб сўз санъаткоридир.

Чингиз Айтматов

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИМ

Ўзбекистон халқ шоири академикFaфур Фуломни биринчи марта 1961 йил февраль ойида Тошкентда кўрдим. Бу машхур татар шоири Абдулла Тўқай туғилганига 75 йил тўлиши муносабати билан ўтказилажак юбилейга тайёргарлик кўрилаётган пайт эди. Ўша вақтда биз ёш шоирлар эдик. Ўзбек адабиётининг улкан вакили Faфур Фуломни кўриш, у билан сұхбатлашиш биз учун катта баҳт эди. Биз Faфур ака билан Тошкентда Ёзувчилар уюшмасида учрашдик. Ўзбек шоирларидан бири мени Faфур ака билан танишитирди. Кўл олиб кўришдик. Мен Қозондан келганимни айтдим.

— Қозондан келган меҳмон экансиз, жуда яхши, — деди Faфур Фулом. — Абдулла Тўқайнинг юбилейига тайёргарлик қандай боряпти?

Мен юбилейга тайёргарлик яхши бораётгани, 1958 йилда Қозонда Абдулла Тўқайга ажойиб ҳайкал қўйилганини айтдим. Faфур ака кувониб елкамга кўлини қўйди.

— Қозонда Тўқай ҳайкали очилганидан хурсандман! — деди у киши.

— Мен ўзим Тўқай шеърларини ўқиб ўсганман. Уни чин кўнглимдан ҳурмат қиласман. Шеърларини ўзбек тилига таржима қиласман. Ҳозир унинг 75 йиллик тўйига атаб мақола ёздим. Уни Қозонга журналга юбораман.

Биз Faфур ака билан узоқ сұхбат курдик. У киши Қозондаги аҳвол, адабиёт ва санъат ҳақида суришитирди. Сұхбат яна Тўқайга бориб тақалди.

— Тўқайнин кўрган-билганлар борми? — деб сўради Faфур ака.

— Шоирни кўрган-билганлардан баъзилари ҳали ҳам ҳаёт, — дедим жавобан. — Улардан эсдаликлар ёздириб олдик. Аммо шоир туғилган Кушлович овулида унинг қарин дошлари йўқ.

Faфур ака яна саволга тутди:

— Тўқай туғилган Кушлович овули Қозондан узоқми?

— Узоқ эмас. Мен ўзим ҳам ўша туманда туғилғанман. Бизнинг овулмиз билан Қушловичнинг ораси ўн икки километр. Ўзим Қушловичда бир неча марта бўлғанман. Бизнинг туманимиз Тўқай тумани деб аталади.

Faafur aka bu gapimdan tayssirlanib, yana ham ҳаяжонлашиб ketdi. Meni yana savolga tutdi:

— Шоир туғилған овулда унинг ҳурмати қанақа?

— Шоир туғилған овулда унга катта ҳайкал қўйилған. У ердаги колхоз Тўқай номида, Тўқай номли каттагина кутубхона, музей ҳам бор.

— Тўқайнинг қариңдош-уругларини кўрганмисан? — деб сўради Faafur aka.

— Ҳа, кўрганман, — дедим. — Бизнинг Қувам овулидан икки чақирим нарида Қайинзор овули бор. У ерда Тўқайнинг Сожида деган опаси бор эди. У қайинзорлик бир кишига турмушга чиққан. Сожида она менинг онам билан қиёматлик дўст эди. У бизникига тез-тез келиб турар, онам билан узоқ сұхбатлашар, укаси Тўқайнин қўмсаб, уни зўр ҳурмат билан эслар эди.

— У Тўқайнинг “Эсимда қолғанлар” китобидаги Сожида эмасми? — деди Faafur Fulom.

— Ҳа, ўша. “Эсимда қолғанлар” китобида Тўқай уни илиқ сўзлар билан, шафқат ва марҳамат билан эслайди.

Faafur aka yana savolga tutdi:

— Тўқай ўзи туғилған Қушлович овулига бирор марта бўлса ҳам борганми?

Мен бу savolga batafsil жавоб бердим.

— Тўқай аскарлик кўригидан ўтгани Улуғ Мангар овулига борган. Ўшанда ўзи туғилған Қушлович овулига ҳам ўтиб, меҳмон бўлған. Ҳозир ҳам аскарлик кўригига борганда шоир билан учрашган одамлар бор. Улар Абдулла Тўқайни ширин хотира билан эслайдилар.

Faafur aka meniga tashakkur bildirdi. Biz xairlaشдик.

Иккинчи марта мен бу улуғ шоирни ўша йилнинг ёз пайтида Тошкентда “Шарқ юлдози” журналининг таҳририятида учратдим. Журналиниг масъул котиби Шухрат aka билан сұхбатлашиб ўтирган эдим. Эшикдан Faafur aka кириб келди. Meni darxol taniidi, kўl olib kўriшдик. Biz уч киши Қозон ҳақида, татар адабиёти ва санъати ҳақида узоқ сұхбатлашдик. Faafur aka meniga Қозондаги аҳвол ҳақида, Тўқайнинг 75 йиллик юбилейи қандай ўтгани хусусида savollar berdi. Men юбилей ниҳоятда яхши ўтганилиги, “Совет адабиёти” журналида Faafur Fulomning

“Абдулла Тўқай бизнинг ҳам шоири миз” деган мақоласи чиқаётганини, Қозонга борганимда журналнинг ўша сонидан бир дона юборажагимни айтдим. У киши жуда хурсанд бўлди.

Faфур ака билан Шуҳрат ака менса “Шарқ юлдузи” журналининг апрель сонини совға қилиди. Унда Faфур Fулом ва Абдулла Ўразайнинг “Кураш ва дўстликнинг жасур күйчиси” деган катта мақоласи, Абдулла Тўқайпинг портрети ва шеърлари босилган эди. Faфур ака менга кулимсираб қараб туриб:

— Ўзбекистон ҳақида фикрииг қалай? — деди.

Мен Тошкентга иккичи марта келганимни, бу шаҳар менга маъқул бўлганини, ўзбек халқининг ўта меҳмоңдўст эканини айтдим.

— Мана шулар ҳақида шеърлар туркуми ёз, — деди Faфур ака. — Бизда Абдулла Тўқай кўчаси бор. Балки у кўчадан ўтгандирсан?

— Ҳа, Тўқай кўчасида бўлдим.

Шуҳрат ака гап қистириди:

— Самад дўстим, Ўзбекистон ҳақидаги шеърларингни менинг номимга юбор, ўзим таржима қилиб, журналда чиқараман.

Faфур ака бу гапни қувватлади:

— Ўзбекистон, Тошкент ҳақидаги шеърларни биз жонжон деб босамиз. Меҳмоңлар учун журналинизнинг саҳифалари кенг очиқ. Марҳамат қил!

Биз Шуҳрат ака билан хайрлашиб таҳририятдан чиқдик. Faфур ака билан Тошкент кўчалари бўйлаб сайр қилиб, мириқиб сұхбатлашдик. У ўзининг бошидан ўтгандарни гапириб берди. Гўдак чоғида етим қолганини, Тошкентдаги рустузем мактабига кирганини, жуда ёш чоғиданоқ Тўқай шеърларини севиб ўқиганини, ўқитувчilar тайёрлаш курсини тамомлаб, аввал ўқитувчи, кейинчалик болалар уйида мудир ва тарбиячи бўлиб ишлаганини ҳикоя қилиб берди. 1923 йилдан бошлаб шеърлари матбуотда кўрина бошлаб, шундан бери унинг асалари китоб ҳолида босилиб, газета ва журналларда чиқиб турганигини ҳам айтди.

Биз китоб дўконига кирдик. У киши Абдулла Тўқайнинг эндиғина босилиб чиқсан китобига дастхат ёзиб, менга совға қилди. Унда шундай ёзилган эди: “Қардош Самад Шокирга, татар шоирига! Ушбу ҳурматли А. Тўқай китобини Сизга совға қиласман. Faфур Fулом. 18.VII — 1961”.

Тўқайнинг бу китобидаги щеърларини Уйғун, Миртемир, Аскад Мухтор, Туроб Тўла, Шуҳрат, Мамарасул Бобоев каби тажрибали шоирлар таржима қилган.

Биз таксига ўтириб, Навоий ва Тўқай кўчаларини айландик, Кўкалдош мадрасасини кўрдик.Faфур aka менга Қаффол Шоший мақбарасини ҳам бориб кўришни таклиф этди. У кишининг сўзига биноан мен иккинчи куни Қаффол Шоший мақбарасини зиёрат қилдим.

Қозонга қайтганимдан кейин “Ўрта Осиёда ёзилган шеърлар” туркумини ёзиб, “Шарқ юлдузи” журналига юбордим. Бу шеърлар журналнинг 1962 йил сентябрь сонида “Қардошларимиз Узбекистон ҳақида” деган сарлавҳа билан Шуҳрат таржимасида чиқди. Faфур aka ва Шуҳрат акалар журнални менга юборишиди. Унда Faфур Фуломнинг “Шофёр” деган шеъри ҳам босилган экан. Мен уни татар тилига таржима қилиб бостиридим.

1963 йилда Қозонда Faфур Фуломнинг “Шарқдан келаётирман” номли китоби босилди. Мен уни муаллифга совфа қилиб юбордим.

1966 йилда татар халқининг буюк шоири Абдулла Тўқай таваллудининг 80 йиллиги бўлди. Ўша йили тантанали юбилей кечасида қатнашмоқ учун Ўзбекистондан Faфур aka, Қозогистондан Собит Муқоновлар келиши керак эди. Мен Татаристон Ёзувчилар уюшмасининг топшириғига биноан бу икки улкан ёзувчини кутиб олишим ва кузатиб юришим керак эди.

Мен Faфур aka билан Собит Муқоновни олдинма-кейин кутиб олиб, уларни кўноқ жойларига кузатиб қўйдим.

Мен уларни юбилей кечасига олиб бориш учун келдим. Собит Муқонов (у хотини билан келган эди) юбилейга жўнаш учун тайёрланаётган экан. Faфур aka мен билан узоқ сұхбатлашди. Менга ўзининг янги китобини совфа қилди. Дўсти Ҳасан Тўғонни суриштирди, Тўқайнинг янги босилиб чиққан альбоми билан қизиқди. Бу альбомда Faфур аканинг портрети ва Тўқай ҳақидаги фикрлари босилган эди. Faфур aka Тўқай туғилган Қушлович овулига бориш истагини билдириди. Мен Faфур акани у ерга олиб боришга ваъда бердим. Сўнг у киши ўзининг Мулланур Воҳидов номли совун заводи ишчиларига бағишлиб ёзган “Шеър ва совун” деган шеърини менга ўқиб берди. Кейин “Мавжуда” деган шеърини ўқиди. Бу шеърни ниҳоят даражада яхши кўриб қолдим. уни Тўқай юбилейни муносабати билан Қирлай овулида ўтказилган кечада саҳнада ўқиди.

Собит Муқонов бир даста китоб қўлтиқлаб бизнинг ёнимизга келди. Ҳаммамиз биргалашиб машҳур шоир Абдулла Тўқайнинг юбилей кечаси ўтказиладиган бинога, Муса Жалил номли опера ва балет театрига жўнадик. Йўлда Fa-фур ака Тўқайнинг “Она тили” шеърини хиргойи қилиб борди.

Театр биносида Faфур Fулом билан Собит Муқоновни Москва ва Қозон ёзувчилари ўраб олишди. Ажойиб, қизгин ҳангама бошланниб кетди.

Кечада Ўзбекистон ҳалқ шоири Faфур Fулом зўр нутқ сўзлаб, ҳаммани қойил қолдирди.

Афсус, бу Faфур Fуломнинг охирги нутқи бўлди, десам янглишмасман...



Faфур Fуломнинг ўлмас, барҳаёт шеърлари бугунги кунда ўз она тили — ўзбек тилида, рус ҳамда бошқа қардош ҳалқлар ва хорижий тилларда жарангламоқда. Faфур Fулом — ҳалқ шоири. У қайси бир тилга таржима қилинмасин, узоқ ва мангу яшайди.

Расул Ҳамзатов

БИР КУНЛИК САФАРГА ЧИҚҚАН КИШИДЕК ХАЙРЛАШГАН ЭДИЛАР

Faafur aka zilzila kynlari qattiq xajxonlanganlariidan bulsa kerak, tycatdan hamma tiшlari qimirlab қoldi.

Tish doktoriga qatnab yorgan kynlаримизнинг бирида чиқишини кутиг ўтирган эдим. Sobiq Kirov kuchasining boishiда uy-joyisiz қolganlarغا қator-қator chodirlar kuriib berilgan ekani. Bir vaqt qarasam, Faafur aka bir chodirning oldida йиглаб турибдилар. Un yasharcha ug'il bola kitob ўтирибди, kichkina қiz bola uchlаб ётибди, ёпгиналарида керосинкада ovqat piшmoқda, onalari kуriipmайди. Qani ziidi Faafur akani ovutig bulsa! Shunday kyonib йиглар edilar-ki, men ham uzimni tuta olmadim. Usha kezlari kuyzalik haётlariida, yikulariida ham ҳalovat boulmadi.

Xar kuni ertalabdan shaqar aylanib Fanlar akademiyasiga, Ezuvchilar yuoshmasiga borar, dустlar, hamkasblar bilan учрашар, ҳол-аҳвол сўрашар, қариндошлар, ёру dустlar, Eski shaqardagi kүshnilardan ham xabar olib kelar edilar. Bu tabiiy ofat Faafur akani shunchalik daҳшатga soldiki, uz oиласарини ўйлаб emas, jonaжon halқimizni ўйлаб tashviшга tushdilar.

Shuncha jilllik haётimizda kүplab ofir kynlарни boшdan keчiridik — urush daҳшatlari, қanчadan-қanча farzandlar, жигарбандлар doғlari... Shu tuфайли bu tabiiy ofat halқi учун жонини аямайдиган, uning dardkashi, hamdamni, жонкуяр nисон Faafur aka учун жуда ofir bouldi.

Beorom kynlардан mutlaqo зорланмас edilar. Haётta, яшашga қalbidə zür muhabbat, gўzaлlikka, soflikka chanqoқ bu odam ўzini bus-butun halq xizmatiga bafiшlagan edi. Faafur aka bu kynlарда ham kүpigma шeъr, maқolalar ёдилар. "Vatanдошларимга tasalii", "Яngi parвозлар sari", "Toшкent oқшоми" maқolalari sўнгти maқolalari bulsa kerak. Men Faafur akaning shoirlirk, ёzuvchilik maҳoratlari tўgrisisida sўzlamoқchi emasman — bu mенинг қўlimidan kelmайдi. Men u kишининг bir-ikki oй mobайnida kechirgan haётlari tўgrisisida sўz yoritmoқchiman, holos.

Баъзи кишилар мендан: “Faфур ака жуда салобатли, жиддий, ссрзарда киши эдилар. Болаларингиз билан ҳам ўзларини жиддий тутармицилар?” — деб сўрайдилар. Кези келганда шу тўғрида сўзлаб ўтмоқчиман.

Faфур ака оиласизда жонларини ҳам аямайдиган меҳрибон ота, қаттиқўл, талабчан тарбиячи, болаларининг яқин дўсти, улар нимага қизиқадилар, нимани хоҳлайдилар — ҳаммасини билар, шунга қараб муомала қилар, иш тутар эдилар. Фарзандларига ҳуда-бехудага танбех бермас, баъзиларга ўхшаб одоб-ахлоқдан ваъзхонлик қилиб зериктирмас эдилар. Болалар кеч киришини сабрсизлик билан кутишар, оталари билан ҳар кечки ўтириш ниҳоятда мароқли ўгарди. Faфур ака бошларидан ўтган қийин кунларни ҳам ҳажвий йўсинда сўзлаб берардилар. Бир-бирига ўхшамаган янгидан-янги ичакузди латифалар тўқиб, ҳаммамизни кулдирардилар. Ана шундай ўтиришлар болаларда зўр таассурот қолдирав, уларда оталига нисбатан зўр эҳтиром туғдирар, муҳаббатларини янада оширади.

...Ўша кунлари ўрганча қизимиз Олмосхон ва қуёвимиз Қудратиллани фарзаңлари Дурбек ва Жўрабек билан ҳовлимизга кўчириб олиб келган эдик. Улар чодирда туришарди. Оппоқдадалари бу икки набирани еру кўкка ишонмайдилар, қаерга борсалар Дурбекни бирга ола кетадилар. Жўрабек эмизикли бўлгани учун ноҷорлар.

Катта ўғлиминиз Мирза Улутнинг уйи шикастлангани учун Қибрайдаги боғида туради. Икки набирамиз — Мухтор, Юлдузхон бизлар билан бирга. Мухтор ҳам кўп вақт оппоқдадаси билан бирга юради. Кичик ўғилларимиз — Мирза Абдулқодир ТошДУда учингчи курсда, Мирза Ҳондамир биринчи курсда ўқийдилар. Уларнинг ниҳоятда ишлари кўп.

Ховлининг бехавотир ерига учта каравот қатор қўйилган. Faфур ака, Мирза Абдулқодир, Мирза Ҳондамир дадаларини ўрталарида олиб ётишади. Кенжак қизимиз Тошхон, набирамиз Юлдузхон зилзиладан қаттиқ кўрқишгани учун мен билан машина ичида ётишади, ишқилиб бир амаллаб тонг оттираман.

17 июня Faфур акани Ёзувчилар уюшмасига чақириши. Тушга етиб келишларини айтиб чиқиб кетдилар. Овқат тайёр, самовар қайнаб турибди, биз азиз кишимизни кутиб ўтирибмиз. Набиралар эшиқдан машина кўринниши билан оппоқдаданинг истиқболишига чопишади. Кўчадан ҳеч қачон қуруқ кирмайдилар, албатта, болаларни кувонтирадиган нарсаларни толиб келадилар. Ўзларининг бир сўзлари бор: “Ҳеч бўлма-

са, уйга бир қути гугурт олиб кираман”. Faфур аканинг кай-фиятлари яхши. “Нима нозу неъмат тайёрладингиз, оппоқ ойи?” — дедилар. Мен ўзлари хуш кўрадиган қўй гўштидан қайнатма шўрвани олиб келсам, “Бу нима, шоколадми?”, — деб кулдилар. Овқатланиш давомида: “Мени Қозонга, Абдулла Тўқайнинг 80 йиллик юбилейига чақиришибди, Ёзувчилар уюшмасига менинг номимга телеграмма келибди. Мен сизларни Одессага олиб бориб қўяман, эртасига Қозонга учеб кетаман. Юбилейни ўтказиб, беш-олти кунда Одессага қайтаман, бир дам оламиз. Шаҳарнинг қизиқ жойларини томоша қилдирман”, — дедилар.

Ҳазилакам йўлми: Тошкент — Одесса — Қозон! Нотоброқ юрган Faфур аканинг шундай узоқ йўлда толиқиб қолишидан қўрқдим. “Шундай бир вақтда узоқ жойга бориб дам олмасак нима қиларди?” — деб эътиroz билдиридим. Faфур aka аниқ бир жавоб бермадилар. Эртасидан юбилейда сўзлайдиган нутқларини ёзишга киришдилар, сафарга тайёргарлик кўра бошладилар. Тўхтовсиз ер қимирлаб турганидан бўлса керак, жуда кўнглим фаш. Яна бир марта ялингансимон: “Сиз юбилейни ўтказиб келсангиз-да, кейин болаларни Фаргона томонига олиб бориб, ҳаммамиз бирга дам олиб қайтсан”, — дедим. “Мирза Абдулқодир кечалари дружинада навбатчилик қилади, кундузи бузилган ерларда ишлайди. Олмосни болалар билан ёлгиз қолдиришга асло кўнглим бўлмаяпти”, — деб тўғрисини айтдим. Faфур aka эса: “Олмос ёлғиз эмас, Кудратилла ёнида, Мирзо Улуғ билан Дицдор ҳар куни шу ерда, Мирза Абдулқодир азамат, ақдли йигит, менинг ўрнимда уйга бошчилик қилиб туради, нимадан қўрқасиз? Тошхонни кўрининг, ер қимирлагандан бери қизгинамни ранги кетиб қолди, денгизда чўмилиб, дам олиб келсин”, — дедилар. Тўғрисини айтсам, Faфур aka билан дунёни нариги бурчигига боришига ҳам тайёр эдим. Бу гал нимагадир юрагим фаш. Шундай қилиб, Одессага борадиган, Хондамирни, Юлдузни олиб кетадиган бўлдик. Faфур аканинг кичик синглиси Баҳри опамга, негадир сафарга оёғим тортмаётганини айтсам, у киши: “Акамларни нашриётда кўриб сўзлашдим. Абдулла Тўқайнинг юбилейига, Одессага боришларини айтиб: “Келиннойнг бу ёзда жуда қийналди, ўзинг биласан, ер қимирлаш тинкасини куритди. Ростини айтсам, ўзим ҳам чарчадим. Ке, қўй, бир ўйнаб келайлик, дедилар”, деган мулоҳазани билдирилар.

20 июнь кечқурун болаларимиз ишдан қайтишди. Ким сув сепган, ким ғул кесган, кундалик ҳаракат бошланиб кет-

ди. Faфур ака, “Гулни бу ердан кес, болаларнинг столини бизнинг столига яқинроқ сур”, деб одатдагидек устларида оп-поқ шоҳи яктак, белларига ғазал тикилган шоҳи Қишиқ бойлаб, савлат тўкиб юрибдилар. Гоҳ Тошхон, гоҳ набиралар билан ҳазиллашадилар. Кечки овқатта манти тайёрлаб кўйганман. Ошхонада келинлар билан овқат сузиш тараффудида-миз. Йигитларга қизиқ воқеалардан ҳикоя қилаётган бўлсалар керак, ҳахолашиб кулишяпти. Faфур аканинг ҳам хандалари келиб турибди.

Шу куни қўқонлик Fарибий деган шоир тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар. Алламаҳалгача чой ичib иштиёқ билан тингладик. Йигитларнинг кайфиятлари шундайки, эрталабгача сұхбатлашсалар ҳам зерикмайдиган. Сұхбатга аралашиб: “Ўртоқлар, эргага ҳам дадангизнинг ишлари кўп бўлади, ётиб дам олсиналар. Хайрли кеч, яхши тушлар кўриб ётинглар”, — дедим. Faфур ака хоналарига кириб кетдилар. Кирсан, иш столига ўтираётган эканлар. “Яқинда чиқадиган “Тошкеңт оқшоми” газетасига бир нима ёзив беринг, деб илтимос қилишган эди. Озгина машқ қилиб кўйсам деган эдим”, — дедилар. Одатда, Faфур ака доим эрталаб соат 6 да турардилар, шу вақтда ижод қиласдилар. Ўн беш минут ҳам ўтмай чиқиб ўриниларига ётдилар.

Бугун, 21 июнь эрталаб барвақт турдим, ҳовлимизда анвойи гуллар очилган, району жамбилларнинг ҳиди анқиб ётибди. Тепамда оқ олма пишиб ялтилаб турибди. Гилослар, ўрик, олчаларнинг ҳидлари гуллар билан қўшилиб ажиб бир ҳид таралганки, асти қўяверасиз. Шундай ажойиб кечада тонг отишга яқин отамни туш кўрибман. Дадамни кўкракларига бошимни кўйиб, болаларга ўхшаб ўксисб йиглармишман. Отам бир нарсалар деб бошимни силярмишлар. Кўркиб ўйғондим. Қарасам, ҳовлининг этагида баланд бўйли, қизил чопон кийган барваста киши хаста — ҳазин оҳангда сўзлаяпти. Faфур ака таъсиrlаниб қулоқ солиб туридилар. Кейин Faфур ака уйга кириб чиқдилар, фаҳмлашимча, пул олиб чиқсан бўлсалар керак. Ҳалиги кишини эшиккача кузатиб кўйдилар-да, яна хоналарига кириб кетдилар. Эрталаб алламаҳалларгача китоб кўриб, ёзив ўтирдилар. Самовар қайнаб, дастурхон ёзилгач, чақириб чиқдим. Гап орасида тонгда келган киши тўғрисида сўрадим: “Зилзилада онаси билан хотини вафот қилган, моҳир ҳунарманд киши эди, ногаҳоний кулифат асабларига таъсир қилган”, — дедилар. Муфассал сўзлаб беришга юраклари чидамаётгани кўриниб турибди. Сўраганимга ҳам пушаймон едим.

Эрталабдан “Тошкент оқшоми”нинг ходими мақоланинг битишини кутиб ўтириди. Мақола тайёр бўлгач, бизга ўқиб бердилар. Қанчадан-қанча яхши ниятлар, орзулар жам бўлган. Саксондан ошганда қылмоқчи бўлган тўйларини муболагаси билан тасвирлаганлар...

Баъзан бетобланиб қолганларида қўрқиб кетсам,Faфур ака: “Кўрқманг, оппоқ ойи, мен ҳали 84 ёшга кираман, кўрасиз, ўйлаб қўйган қанчадан-қанча шеъларни ёзаман, қила-диган ишларим, ёзадиган гапларим жуда кўп. Ундан ташқари, Мирзоларни уйлантирамиз, Тошхон бикачни узатамиз, шундай ажойиб тўйлар қиласайки, ҳамма балли десин, ҳатто Мухторжоннинг қизини узатиб, тўйини кўрамиз”, — дердилар. Мен Faфур акани 84 ёшга киришларига астойдил ишонар эдим. Чунки ниҳоятда ҳаётта чанқоқ, руҳан тетик бу кишида бўлган юксак орзу-умидлар олдида 84 ёш ҳеч гап эмасдек эди.

Бугун 22 июнь, чоршанба. Faфур ака куннинг биринчи ярмида Фанлар академиясига, Ёзувчилар уюшмасига бо-риб келдилар, катта қизимиз Холиданинг болаларини ла-герга жўнатдилар. Хуллас, катта дарвоза тўхтовсиз очилиб-ёпилиб турди. Мен ҳам тушгача меҳмон кутдим, уйларни сарангом қилдим. Мирза Улуғ дадаси билан жиддий масалаларни сўзлашиб ўтириби. Таомга таклиф қилдим. Ҳамма келиб жой-жойига ўтириди. Faфур ака Олмосхоннинг пазандалигини мақтадилар. Менга эса: “Оппоқ ойи, мампар тайёрлашни Олмосбонудан ўргансангиз бўлмайдими?” — дедилар. Кулги кўтарилди. Овқатдан сўнг дам олгани хоналарига кириб кетдилар. Тайёр турган жомадонларни кўриб: “Менинг нарсаларимни алоҳида жомадонга солдингизми? Қозонга олиб кетадиган папкам ёдингиздан чиқмасин-а!” — дедилар. Қайси кийимларини солганлигимни суриштириб, хотиржам бўлдилар.

Тушдан кейин оиласизнинг аъзосидай бўлиб кетган шогирдлари Ваҳобжон, Тил ва адабиёт институтининг катта иммий ходими, жонажон дўстлари Кутбиддин Муҳиддинов бизни сафарга кузатгани келдилар.

Faфур ака бошлиқ Ваҳобжон, Кудратилла, Мирза Улуғ ҳовлидаги ўчоқда ҳайҳайсурон билан ош дамламоқдалар. Мирза Абдулқодир, Ҳондамир, Тошхон дастёрчилик қилиб юришибди. Таом вақтида Faфур ака дўстлари, ўғиллари билан қизғини сұхбатини узмади. Дастурхон йиғилиб, яхши тилаклар айтилди, жомадоилар машинага ортилди...

Faafur akaning odatlari ch'uziliib yoriishi emon k'uraridlari, char loim safarga chiq'sak, bir soat oлдинроқ aэропорт ёки вокзалда bўlamiz. Bu gal aэропорт kўzimiga xunuk kўri-nib, yoragim uvuшиб ketdi. Bolalaramidan kўnglimni uzol-mayman. Bir guruh ёзувчilar raфиқlari bilan birligida bizzga ҳamsafer edi. Samolётga chiqish vaqtin bўldi. Aзiz farzandlarimiz bilan xayrlashiб, samolётta chiq'dik. Bolallar uхlab қoliшdi. Samolёт өрталаб Simferopolda tўxtadi. Oвқатланчик, aйlaniб yordik. Faafur aka қаerdaңdir қop-кora gilos olib keldilar. Yana samolётta chiq'dik. Faafur aka gox Uйgun aka, gox Zinnat Fatkullin bilan ҳazilлашарdlar. Odessaga ҳam etib oлдик. Aeroportdan Қozонга billet olib chiq'dilar. Bizni kutib turgan autobusda Iжod uйiga ketayamiz. Йўлнинг ikki taraфи mevazor, xuddi ўzimizning Farfonha қишлоқlariни eslatadigan joylar экан. Mana, shuncha uzoқ йўл yuriб, manzilga ҳam stib keldik. Ajratilgan xonalarg'a ўrнашдик. Kўм-кўк, xushmanzara, denqizga жудa яқин joy экан. Юvinib, bir oz dam oлganimizdan kейин oвқатлангани chiq'dik. Faafur aka bilenetni shu kunga oлganylар. Юбилей эртага — 24 iyunda boшlanap экан. Menغا bir қan-cha topshiriқlар berdilar. "Tўrt-besh kunda kelaman, zerkimay, hafa bўlmay, yaxshi dam oлинглар", dedilar. Tайёр tur-gan masinada yana aэропортта жўnadiilar.

25 iyun kuni Faafur akadan yaxshi etib oлganylari ҳaқida telegramma oлdim. Kunlar bir xilda ўtmoқda, bolalar учун denqiz, ch'umiлиш қизиқ, mенинг yoragim ҳamon fash. Bуни bolalarg'a bildirmay, ular bilan denqizga boriб ch'umiла-miz. Xoндамир bilan Toшhon, Юлдузни olib shaҳarg'a tush-dik, magazinlarga kirdik, postaga kiriб Toшkent bilan sўzлашмоқчи bўldik. Liniya buzuқ. Uch kun postaga қatna-dik, bir xilda gap, char gal telegramma yoboramiz.

1 iuloda Faafur aka kechasi Қozondan keldilar.

Қozonda Faafur akani izzat-xurmat bilan kutib olishib-di. Юбилейда татarча nутқ sўzlabdilar, bir necha joyda tan-tanali учрашувларда қatnaшибdilar. Fakhrij ёрлиқ bilan mukoфotlaшибdi. Bir қan-cha kitoblар, turli совғалар taқ-dim этишибdi. Umuman, жудa yaxshi taassurotlar bilan keldilar.

Faafur aka Қozonda uй bilan bir necha марта sўzлашмоқ-chi bўlibdilaru lekin telefon қila olmabdilar. "Правда"-da 28 iun kuni Toшkentda 7 balli zilzila bўlganligi ёзil-gan экан. Faafur aka қatgiқ tashviшga тушиб, uйga telefon қilganiлar, liniya buzuқ bўlib sўzlaшolmай, telegramma yobor-

ганлар. Газетанинг хабаридан жуда хавотир олганларини, бу тариқа ташвиш билан дам олиб турған олмасликларини айтдилар. Мен турли сабаблар күрсатиб тасалли бердим. Тинчигандай бўлдилар, кейин китоб ўқиб ётиб, ухлаб қолдилар. Мен секингина болалардан хабар олгани тушдим. Икки соатлардан кейин яхши дам олиб тушдилар. Аммо Тошкентга бориб шаҳардан, болалардан хабар олиб келишга қатъий қарор қўлганликларини айтдилар. Мен бир ўзлари кетишларига сира кўнимадим. “Бир ҳафта бўлса ҳам яхши дам олдик, ҳаммамиз бирга кетамиз”, деб туриб олдим. Faфур ака кўнгандек бўлиб, яна бир марта телефон билан сўзлашишга ҳаракат қилмоқчи бўлдилар. Тушдан сўнг бизларни олиб шаҳарга тушмоқчи, болаларни ўйнатиб келмоқчи эдилар. Faфур ака билан Хондамир наридан-бери овқатланишди. Мен набирамга овқат едириш билан алаҳсиб қолдим. Бир вақт ҳовлига чиқсан, Faфур ака билан Хондамир кўринишмайди. Демак, менга билдирилмаган шаҳарга тушиб кетишган. Соат олтида келишди. Faфур ака менга узр айтдилар: “Сиз борсангиз, ҳойнаҳой, билет олишимга қарши бўлардингиз. Жон онаси, хафа бўлманг, Тошкентдан, уйдан хабар олиб, бир ҳафтага қолмай, Мирза Абдулқодир билан қайтиб келаман. Айниқса, Мирза Абдулқодирдан хавотир оляпман”. “Бу нима қўлганингиз! Йўқ, бизни ҳам олиб кетасиз! Мен асло бу ерда қолмайман, жон Faфур ака!” — деб ялиндим. Қачонга билет олганликларини айтмадилар. Хондамирдан сўрасам: “Эрталаб соат еттида учадилар”, — деди. Кўзимга дунё қоронғи бўлиб кетди. Faфур ака икковимиз чой ичиб ўтиридик. Faфур ака Қозонда ўтказган олти кунлари йилдай узоқ бўлиб туюлганини, бизларни кўргилари келиб соғингаиларини, бундан кейин ҳеч қачон менисиз юра олмасликларини айтдилар. Мен эса: “Нега бўлмаса, мендан маслаҳатсиз, бир ўзингизга билет олиб келдингиз? Бизни ташлаб кетяпсиз?” — деб гинахонлик қилдим. “Айтдим-ку, шу сафардан кейин сизсиз юрмайман, мен, албатта, Мирза Абдулқодир билан тезлиқда етиб келаман. Бу ердан Ялтага борамиз. Ёзувчилар уюшмасининг Ижод уйида дам оламиз”, — дедилар. Хондамирга: “Дадангнинг ёлғиз ўзларини юборгим келмаяпти, эргалаб даданг билан яна бир сўзлашсак, билетларини қайтариб бериб, бириси кунига ҳаммамизга билет олсаларинг яхши бўлар эди. Дадангни ёлғиз жўнатиб бизга бу ерда дам олиш татирмиди?” — дедим. Хондамир: “Эрталаб соат беш яримта машина айтиб қўйганилар, кўнмайдилар. Биласизми, дадам ёмон хавотир оляптилар”, — деди. Шундай қилиб, Faфур акани олиб қолишга ҳам, у би-

лан бирга кетишига ҳам чора тополмадим. Ноилож Олмосхонга хат ёзdim: “Даданг сизлардан хавотир олиб бу ерда туролмадилар. Дадангни эҳтиёт қил. Мирза Абдулқодирга хатимни ўқиб бер”. Соат бешда чой тайёр бўлганда Faфур ака турдилар, соқол олиб, ювииб чиқдилар. Отироқ янги кўйлак, янги костюм кийдилар. Хондамир ҳам кийиниб тушди. Учаламиз ўтириб чой иччик. Хондамирга ҳар кун бозорга бориб ҳўл мевалар, чой учун шириныклар олиб келиб туришни тайинладилар. Кейин Тошхонни пешонасидан ўпиб: “Она қизим, мендан хафа бўлма, қайтиб келиб ўзим олиб кетаман”, — дедилар. Юлдузхонни ҳам ухлаб ётган ерида пешонасидан ўпиб, эркалаб кўйдилар. Узун йўлакдан Faфур ака билан ёнма-ён кетяпмиз. Ёқасиз, кулранг костюм ўзларига жуда ярашган, тик қоматли, руҳан тетик, ўқтам Faфур ака менга бир сўзлари бордай қараб кўйдилар. Ниҳоят: “Опаси, тўйимиизга 1 августда 35 йил тўлар экан, менга қолса, жуда тез ўтиб кетганга ўхшайди”, — деб, орқамиизда жомадон кўтариб келаётган Хондамирга кўз ташлаб кўйдилар. “Нимасини айтасиз, менга ҳам шундай туолади”, — дея олдим, холос...

Кўча эшикда машина кутиб турган экан, машинага чиқдик. Кўм-кўк боғу роғлар, тен-текис кўчалар бўйлаб машина учеб бормоқда. Faфур ака салқин тонгнинг эркаловчи майин шаббодасидан баҳра олиб, хаёл суриб кетмоқдалар. Мана, аэропортга етиб келдик. Faфур ака гўё бир куилик сафарга чиқсан кишидек Хондамирнинг пешонасидан ўпиб, мен билан хайлардилар-да, самолётга томон тез юриб кетдилар. Почтага кириб, “Дадангни кутиб олинглар”, деб телеграмма бердик.

Деярли ҳар куни почтага борамиз, Тошкент билан алоқа узилгандан телефон орқали сўзлаша олмаймиз. Ниҳоят, 7 июлда Олмосдан хат олдик. Хурсандлигимдан юрагим ёрилай деди. Олмосхон жуда муфассал хат-ёзибди. Дадаси соғсаломат борганиларини, вақтдан илгари борганилари учун ҳайрон бўлганиларини, “Аянгнинг хатини очиб кўрмадим, балки она-боланинг мендан яширин сирларинг бордир”, деб ҳазиллашиб хатни берганиларини айтиб, “Дадамларни нега мунча ҳеч кимга ишонмайсиз?” дебди. Ҳамма оила аъзоларимизнинг соғ-саломатлигини, қайси куни нима иш қилганиларигача ҳамма-ҳаммасини ёзибди. Дацасининг қайтиб келишкељмасликлари тўгрисида ҳеч ган йўқ. “Шунча майдада-чуйдаларгача ёзибдими, демак, ер қимирлаш аввалгидек кучли эмас экан”, деб ўладим. Шундай бўлса ҳам Faфур акасиз ҳордиқ

чиқариш кўнгилсиз туюлиб, 10 июлга Тошкентга қайтишга билет олдик.

10 июль. Жомадонлар тайёр бўлди, болалар билан кечки овқатдан чиқаётган эдик, кимдир: “Гуломова, сизни Тошкентдан телефонга”, деб қолди. Мен боғнинг бурчагида телефон будкаси борлигини билмас эдим. Бошица севиниб кетдим. Кечаси йўлга чиқишимизигиг хабарини бераман, деб ўйладим. Бирдан ҳаяжонланиб кетдимми ёки ёмон эшитилдими, билмайман, трубкани Хондамир олди: “Ўқувчи болаларни санаторийга олиб келган самолёт бўш кетармиш, биз шу самолётда кетарканмиз”, деди. Мен шунда ҳам Fafur aka тўғриларида ёмон хаёлга бормадим. Бизни ёзувчилар — иккичу киши кузатиб чиқди. Шунинг учун кўнглим тўқ бўлди. “Бир ёмон воқеа бўлса, ёзувчилар биз билан бирга кетишар эди-ку”, деб ўйладим. Самолётга чиққанимизда Хондамир менга кўринмади. Бундан шубҳаландим, аммо ухлаётгандир, деб ўзимга таскин бердим. Самолёт бирон ерда тўхтамай, Тошкентта етиб келди. Самолётдан пастга қарадим, шунда ҳам Fafur аканинг энг бино кўйган ўғиллари Мирза Абдулқодир кўзлари қизарган, қизаришдан шишиб кетган, бошини эгиб турибди. Докторлар, дўстлар... Э золим фалак, бошимга қандай қора кунларни солдинг?..

Нечук дод айламай ёру қадрдонимдан айрилдим,
Азизим, меҳрибоним, жисм аро жонимдан айрилдим.



МУНДАРИЖА

<i>Абдулла Орипов. Алвидо, устоз</i>	3
<i>Собир Абдулла. Faфур Fулом ва аптекачи ҳикоялари</i>	4
<i>Зулфия. Элнинг ўқтам куйчиси эди</i>	10
<i>Миртемир. Ўтнафас</i>	18
<i>Сайд Аҳмад. Елкасини пайғамбарлар силаган шоир</i>	23
<i>Ҳамид Fулом. Ҳамиша кўзим устида</i>	33
<i>Мирмуҳсин. Академик Faфур Fулом мактаби</i>	36
<i>Рамз Бобоҷон. Faфур Fулом сабоқлари</i>	40
<i>Одил Ёқубов. Бизнинг Faфур ака</i>	45
<i>Эркин Воҳидов. Faфур Fулом билан учрашувлар</i>	50
<i>Ваҳоб Рӯзиматов. Боқий умр</i>	56
<i>Maқсуд Қориев. “Ўз мухбиrimiz” ёки Faфур Fулом ҳақида икки оғиз сўз</i>	61
<i>Озод Шарафиддинов. Дарёдил шоир</i>	63
<i>Ўтқир Ҳошимов. Мехрибон кампир ва уятчан ўғри</i>	68
<i>Жонрид Абдуллахонов. Бир жуфт лаган воқеаси</i>	72
<i>Омон Мухтор. Йигирманчи аср Насриддини</i>	79
<i>Собит Муқонов. Элини Faфурдек севсин</i>	86
<i>Самад Шокир. Шоир билан учрашувларим</i>	89
<i>Муҳаррам Fуломова. Бир кунлик сафарга чиқсан кишидек хайрлашган эдилар</i>	94

Адабий-бадиий нашр

ФАФУР ФУЛОМ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

Таҳририят мудири *Назира Жўраева*

Муҳаррир *Ҳикоят Маҳмудова*

Мусаввир *Anatolij Bobrov*

Бадиий муҳаррир *Юлай Габзалилов*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Кичик муҳаррир *Назми Фозилова*

Мусахҳид *Мавжуда Насриддинова*

Компьютерда саҳифаловчи *Барно Бобоҳўжаева*

ИБ № 4122

Боснишга 18.03.2003 да ружсат этилди. Бичими $84 \times 108^{1/2}$, 5,46 шартли босма тобоқ, 4,5 нашр тобоги. Жами 1000 нусха. 102 рақамли буюртма. 21—2002 рақамли шартнома. Баҳси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигигининг Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий ўйи. 700129. Тошкент. Навоий кӯчаси, 30.// 700128. Тошкент. Усмон Юсупов кӯчаси, 86.